



Алишер Навоий



# МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ

(Калбга маҳбуб ҳикматлар  
ва ҳикоятлар)



Хозирги ўзбек тилига табдил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ**

# **МАҲБУБ ҮЛ-ҚУЛУБ**

*(Калбга маҳбуб ҳикматлар  
ва ҳикоятлар)*

**Ҳозирги ўзбек тилига табдил**

"Sano-standart"  
Тошкент – 2018

3956  
 ALISHER NAVOIY NOMIDA  
**ToshDO'TAU**  
 AXBOROT-RESURS MARKA

11662

**УЎК: 821.512.133**

**КБК: 84(5Ў)1**

**Н 14**

**А.Навоий.**

**Маҳбуб ул-қулуб** (Қалбга маҳбуб ҳикматлар ва ҳикоятлар). — Тошкент: «Sano-standart», 2018. — 192 бет.

*Мазкур нашрда замондошларимиз "Маҳбуб ул-қулуб"дан баҳраманғ бўлишини истаб, улуғ Навоийнинг ушбу бебаҳо асари замонавий ўзбек тилига мослаштирилди. Ундаги айрим ҳикматларга, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, сарлавҳалар қўйилди ҳамда зарур ўринларда бир оз изоҳ ва шарҳлар берилди.*

*Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир:  
Филология фанлари доктори, профессор  
Шуҳрат Сирожиддинов*

*Тақризчи:  
Омонилла Мадаев,  
филология фанлари номзоди, доцент*

*Изоҳ ва шарҳлар билан нашрга тайёрловчилар:  
Абдумурод Тилавов,  
Иброҳимжон Сайдуллаев*

*Муҳаррирлар:  
Абдулла Улуғов,  
филология фанлари номзоди, доцент*

*Дилнавоз Юсупова,  
филология фанлари номзоди*

*Абдулҳаким Орипов,  
исломшунос*

*Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва арабиёти университети илмий кенгашига нашрга тавсия этилган.*

## БУЮК МУРАББИЙ

*Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, баший маданияти тарихига бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллый адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг гуури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоригир.*

Ислом КАРИМОВ

Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг бетакрор ғазаллари, буюк «Хамса»си билан ўз даврида жуда катта шоншуҳрат қозонган эди.

Улуғ шоир умр сўнгида авлодларга айтадиган панднасиҳатларини, дил дардларини, қалб ҳайқириқларини, ҳаёт сабоқларини жамлаб, ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асарини яратди.

«Маҳбуб ул-қулуб» «Қалбларга севимли бўлган китоб» маъносини беради. Уни «Дилларга ошно асар» ёки «Қалбларга яқин китоб» деб таржима қилиш ҳам мумкин. Асар нега бундай номланган? «Маҳбуб ул-қулуб» биринчи навбатда кимларга мўлжаллаб ёзилган? Маълумки, ушбу асар Навоийнинг умр ниҳоясида яратилган. Бу асарни ёзишга қандай эҳтиёж бор эди? Қалблар деганда Навоий кимларни назарда тутади? Булар ҳақида билиш асарнинг қимматини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Асарнинг муқаддимасида шоир чуқур бир хўрсиниши билан ўз ҳаёт йўлида учраган қийинчиликларга назар ташлайди. Мен, — дейди Навоий, — қўлим калталик пайти кўп хорлик ва нотавонликларни кўрдим. Ҳаётнинг турли синовларига дуч келдим, гоҳ пасткаш лайнлар мени хўрладилар, гоҳ разиллар камситдилар. Ҳар кўча-ю кўйга кирдим, турли эл ва тоифаларга қўшилдим, яхшиларнинг яхшиликларидан баҳраманд бўлдим, ёмонларнинг фитналаридан қалбим жароҳатланди, пасткашларнинг қиликларидан кўнглим яраланди, олижаноб инсонларнинг муносабати кўнглимга малҳам бўлди.

Тақдир кулиб боққанда амир ва ҳоким ҳам бўлдим. Унда адолат билан иш кўрдим, таъзим ва саховатни канда қилмадим, қўлимдан келганча яхшилик қилдим. Мен яхши-ёмоннинг фарқига бордим, жуда кўп уқубат ва кўргуликлар натижасида катта ҳаётий тажриба тўпладим.

*Гаҳе тонгим фалакдин нотавонлиғ,  
Гаҳе кўрдум замондин комронлиғ.  
Басе иссиғ, совух кўрдум замонда,  
Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда.*

Аммо дейди ҳазрат, ҳаётнинг бундай аччиқ, оғир синовларига ҳали ҳануз дуч келмаган инсонлар кўп. Улар умр йўлларида қоқилмасликлари, яхши-ёмонни фарқлай олишлари учун ушбу китобни ёздим, уларни ҳушёр тортириш ва огоҳ этишни вожиб деб билдим.

Китоб ҳар бир инсон эгаллаши лозим бўлган гўзал хулқ, юксак маънавият мезонлари ҳақида атрофлича маълумот беради.

Кўриниб турибдикি, бу асар ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган инсонларга, назаримизда, кўпроқ ёшларга атаб ёзилган. Токи, дейди Навоий, улар жамият ичидаги барча тоифа ва табақаларда учрайдиган фазилат ва қусурлардан огоҳ бўлсинлар, кимга эргашиш масаласида адашмасинлар.

Асарнинг композицион қурилиши ўзига хос. Унинг уч қисмга бўлиниши бежиз эмас. Навоийнинг мақсади бўлган панд-насиҳат ва танбеҳлар туркуми учинчи қисмда келтирилган. Биринчи ва иккинчи қисмдаги мулоҳазаларни келтиришдан мақсад нима эди? Навоий панд-насиҳатдан олдин ўқувчига жамият ҳақида, уни асраб турувчи маънавий устунлар ҳақида билим ва тушунча бериб ўтишни зарур деб билади. Шу боисдан асарни дабдурустдан қуруқ насиҳат қилишдан бошлини маъқул кўрмайди. Дастреб у ўқувчини муайян тайёр гарлиқдан ўтказган.

Биринчи қисмда кишилик жамиятини ташкил этган барча табақа ва тоифаларга қирқ фаслда батафсил таъриф берилади. Уларнинг фазилатлари ва камчиликлари очиб ташланади. Бу ўқувчида жамият ҳақида яхлит тасаввур уйғотишга қаратилган. Биринчи қисмда тижорат аҳли, мунажжимлар, дехқонлар, навкарлар, шайхлар, дарвишлар, мутрибу муғанийлар, ҳофизлар, шоирлар, фақиҳлардан тортиб вазири подшоҳгача ҳар бирининг аслида қандай фазилатларга эга бўлишлари талаб этилиши ва ўша даврда уларнинг табиатларида зоҳир бўлаётган қусурлар тилга олинади.

Масалан, табиблар Исо пайғамбарга ўхшатилади. Исо чиққан жонни дуо билан инсон танасига қайтарган бўлса, табиблар чиқаётган жонга даво билан танани тарк этишга монелик қиласи, дейди. Табиб ўз фанида ниҳоятда моҳир, касбига садоқатли, беморга марҳаматли ва шафқатли бўлиши лозим. Бундай табибининг юзи беморга маҳбуб, сўзи бемор жонига марғуб, яъни ёқимлидир. Қадамлари хасталарга шифо бўлади. Аммо ўз касбини яхши эгалламаган, ёмон феълли, бепарво ва дағал муоммали бўлса, беморни бир томондан даволаган билан, бошқа томондан кўнглини жароҳатлайди. Агар табиб ўқимишли, илмли бўлмаса, у жаллод шогирдидир. Жаллод тиф билан ўлдирса, у даво ўрнига заҳарлайди.

Жамиятнинг фаол аъзоларига айланиб бораётган ёшлар ўз жамиятларининг камолоти учун қандай фазилатларга эга бўлмоқдилари керак? Ушбу кишилик жамиятида эзгулик ва тўлиқ саодатмандлик ҳукм суриши учун жамият аъзолари қандай тамойилларга асосланмоқлари лозим? Буни Навоий асарнинг иккинчи қисмida 10 та боб доирасида таҳсинга сазовор феъл-атвор, юксак хулқа эришиш тамойиллари орқали очиб беради. Булар тавба, зухд, таваккул, қаноат, сабр, тавозе ва адаб, зикр, ризо, таважжух ва ишқдир. Мана шу фазилатлар инсон қалбини түғён ва исёндан сақлайди, унга ҳузур ва ҳаловат бахш этади, хулқини гўзал қиласи, бардошини оширади. Иродасининг бақувват бўлишига кўмаклашади.

Масалан, зухдга багишлиланган бобга назар ташлайлик. Зухд бу диний истилохда таркидунёчилик, узлатта чекиниш демақдир. Навоий эса зухдни шундай тушунтиради: Зухд — бўлар-бўлмас орзуладан кечмоқ, молу мансаб кетидан қувмаслик, номаҳрам юздан кўзни асралашлик ва ёмон сўзлардан тилни тиймоқлик.

Кимки бу мақомни қўлга киритса, унинг кўнглида бир нур пайдо бўлади ва кўнглини ҳамиша шод этади.

Навоий ҳар бир инсон қалбан зоҳид бўлишини, зухд мақомини эгаллашини орзу қиласди. Бундай зухд инсоннинг кўнгил ҳаловати, қалб осудалигини таъминлайди.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг учинчи қисмида Навоий тўғридан-тўғри ўқувчига мурожаат этади ва турли танбех, панд-насиҳатлар воситасида уларга маънавий камолот сирларини ўргатади.

Ҳазрат Навоий нафақат улуғ мутафаккир, улуғ шоир, балки ўз халқи, миллати тақдирига бефарқ бўлмаган буюк мураббий ҳам эди. У ўз умри интиҳосида ҳам миллат ва халқ дарди билан яшади. «Маҳбуб ул-қулуб» асарида жамият билан боғлиқ орзу-умидларини ифодади. Унда жамият ҳаётини юксалтириш, уни тўғри йўлга солиши ва шахс маънавиятини тарбиялаш каби ўзининг сўнгти армонларини васият қилиб қолдирди.

**Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,  
филология фанлари доктори, профессор**

## *Бисмиллаҳир роҳманир-роҳийм*

Ҳамду сано шундай зоттаким, Унинг берган эҳсонига яраша ва лойиқ ҳамду сано айтиш имконсизdir. Зоти барча комилликлар билан сифатланган.

Сифатидаги барча комиллик кашф аҳлига маълумdir. У зотнинг поклигини таъриф қилишдан тил ожиз, муқаддас зотлигини васф этишдан эл ожиз. Азамати олдида осмон гунбази бир нилуфардан ҳам кичикроқ ва қудрати олдида коинотдаги юлдуз ва сайёralар нилуфар юзидағи бир неча шабнам томчилари кабидир. Нилуфар юзига шабнам сочтучи ҳам Ўзи ва шабнам сувидин нилуфарзор, балки Эрам гулистонини очгувчи ҳам Ўзидир. Бениёзлиги олдида эгилган осмон бир гадой, чорасозлиги (ҳар қандай мушкул ишга чора топиш Қудрати) олдида бу буқаламун дунё бир бечора ожиздир. Унинг мавжудлиги олдида яратилишнинг борлиғи йўқ демакдир, Унинг зоти олдида аввалину охирин махлуқотлар номавжуд демакдир. Унинг эҳсон дастурхони теварагида олийнасаб шоҳлар гадодур ва бепоён илми олдида олиймақом олимлар жоҳил бўлиб қолади. Қаҳрининг шамоли учирашга қодир ва сайёрдир, настариннинг япроқлари Жабборлиги қуюнида соврилади. Бу фам уйининг тўкилган тупроқлари йўқни бор қилиши ва борни йўқ қилиши Унинг қудратига осондир. Барча унинг эҳсонидан умидвор ва қаҳридан қўрқувда. Бир ҳовуч тупроқни фаришталар ҳузурида халифалик тахтига ҳазрати Одам алайҳиссаломни ўлтиргизмоқ Унга ярашади ва кўп йиллар фаришталарга бошчилик қилганнинг (яъни шайтоннинг) бўйнига лаънат ҳалқасини солишлиқ ҳам Унинг ишидир.

Қитъа:

Қодиреким, қудратидин мунча юз амри гариб,  
Бўлса ҳар соатда мавжуд андин эрмастур ажиб,  
Ўн секиз минг оламу, одам яратиб, айламак,  
Бир кишини оғариниш дафтаридин мунтаҳаб.  
Ул қила олур анга келди мусаллам бу умур,  
Гар ўзи эрди мусаббиб, лек бу бўлди сабаб.

Шарҳи:

Кодир зот ҳар лаҳзада юзлаб ҳар хил  
Амрлар содир этса ҳеч ажабланарли эмас.

Үн саккиз минг олам ва одамларнинг яратилишига бир кишини (Муҳаммад алайҳиссаломни) сабабчи қилган ҳам У зотдир. Бу ҳодисалар фақат Унинг құдрати билан содир бўлди, лекин бу кишини сабаб қилди.

Субҳана зил-мулки вал-малакут. Субҳана зил-қудрати вал-жабарут. Жаллатил илаҳұху ва аммат неъамуху вала илаҳа фойруҳ".

(Мулк ва подшоҳлик эгаси бўлган Оллоҳ покдир.

Қудрат ва улуғлик эгаси бўлган Зот покдир,  
Неъматлари улуғ ва барчага баробар бўлган  
Ягона Оллоҳдан ўзга Илоҳ йўқдир).

Ва сон-саноқсиз дурудлар ул севикли ва мақтова лойиқ зот (Муҳаммад (с.а.в.) гаким, Ҳақ таоло унга қурбат (яқинлик) ва мартаба бердиким, Олам ва одамни яратищдан мақсад унинг вужуди эди. Муборак хулқи руҳи поки туфайли ва яратилиши тўрт унсурдан покдир. Унсурининг шамоли Ийсо алайҳиссалом нафасидан, тупроғи Яъқуб алайҳиссалом кўзининг тўтиёси ва суви Хизр алайҳиссалом чашмаси сувидандир ва ўти Мусо Калимulloҳ дарахти ўтининг шуъласидандир.

Бу унсурларни руҳи пок деса арзийди ва руҳини фидойи руҳ деса бўлади. Унинг Буроқи етти осмонга учеб чиққан ва Жаброил алайҳиссалом самога биргалиқда чиққандир. Осмонлар юзидан таралган нур туфайли гулшан ва фаришталар унинг учқур оти губоридан равшандирлар.

Қуръонда у ҳақда шундай дейилган;

"У сизларга келтираётган Қуръонни ўз ҳавои хоҳиши билан сўзламайди."

Ва нутқи баёнида: — "Ин-ҳува илла ваҳюй юҳа" — ва у Қуръон фақат Оллоҳ томонидан Пайғамбар (с.а.в.) га туширилаётган бир ваҳийдир. (Ван-нажм, 4.) Илоҳий сирларга ошно ва Оллоҳнинг чексиз инояти билан оти:

"Раҳматал-лил-оламин", яъни: Оламларга раҳмат қилиб юбордик.

Маснавий:

Ики гесуси ики лайлат ул-қадр,  
Бу янглиғ ики лайл ичра юзи бадр,  
Лайлу бадр ўлуб шамъи шабистон,  
Узоридин хай анда кавкабистон.

Бу кавкаблардин айлаб Тангри мавжуд,  
Нубувват маъшариға дурри мақсуд.  
Нубувват сипеҳрида қуёш эркони маълум,  
Мусоҳиблар шаънида асҳоби кан-нужум.

Шарҳи:

Икки кокили икки қадр кечасидир. Мана шу икки қоронғу кечада юзи тўлин ойдир.

Бу нурли чехра кечани ёритувчи шамдир, чехраси тевараги юлдузлардир.

Тангри таоло бу юлдузларни пайғамбарлар гурухининг мақсад дурлари қилди.

Мұхаммад (с.а.в.) нубувват осмонида қуёш экани маълум, саҳобалари ҳақида эса «Асҳобларим юлдузлар кабидирлар», ҳадиси кифоядир.

Мұхаммад (с.а.в.)га ва унинг аҳли байтига ва саҳобаларига қиёматта қадар Оллоҳнинг салоту саломлари бўлсин.

Аммо баъд: Фуқаронинг гадойи ва ғаройиб мастураларининг (яширин, пардалангандарининг) чехрасини очувчи факир ул-ҳақир Навоий лақабли Алишер, гуноҳларини Тангри кечирсинг ва айбларини беркитсинг – шундай арз қилур ва арзини охирига етказишни ўзига фарз билурким, хоксор ва паришонҳол йигитлик даврининг охиридан ўрта ёш даврининг охиригача даврон воқеаларидан ва айланувчи осмон ҳодисаларидан ва фитнаангиз (фитна қўзғовчи, ғавғо соловчи) замоннинг буқаламунлигидан ва замонанинг гуногунлигидан – ранго-ранглигидан узоқ муддат ва суратда қадам қўйдим ва ҳар хил йўлда ва ҳар хил либосда югурдим ва ўзимни яхши-ёмон хизматига ва сухбатига етказдим. Гоҳо хор-

лик ва машаққат вайронасида нола қилдим ва гоҳо иззат ва бойлик бўстонида мажлислар туздим.

Маснавий:

Гаҳе топдим фалақдин нотавонлиғ,  
Гаҳе кўрдим замондин комронлиғ,  
Басе иссиф, совуғ кўрдим замонда,  
Басе аччиғ, чучук туттим жаҳонда.

Ночор ва нотавонлик пайтларимда, фалокатли замонларда ва ноумид юрган пайтларимда гоҳо илм мадрасаларида охирги сафлардан жой олдим. Гоҳо уламолар мажлисларида илм нури билан кўнглимни ёритдим. Гоҳо тақвдорлар масжидларида уларнинг қадами теккан ерга юзимни қўйдим ва кўп сажда туфайли пешонам шилиниб кетди. Гоҳо поклар хонақоси аҳлининг обдасталирига сув қўйдим, уларнинг ҳурматини қозондим. Гоҳо пасткашлар олдида хор бўлдим ва разиллар олдида беэътибор бўлдим. Ва гоҳо ишқ бобида бепарво бўлиб, нигоҳи билан одамни ўлдирувчи паричехралар туфайли ҳалокатга учрадим. Гоҳо мажнунлик (тентаклик) маҳалласида разил кишилар бўйнимга шапалоқ урдилар ва ёш болалар бошимга тош ёғдирдилар ва гоҳо шаҳрим эли томонидан жабр кўриб, фурбат тортиб, ғарибларга қўшилдим. Ва тоғлар чўққисида ором топдим ва сахро этаги паноҳим бўлди. Гоҳо фурбатда bemor бўлиб, ғариблар ичида ҳам хор бўлдим. Ва гоҳо бу азобларга чидомасдан азми ватан қилдим (ватанга жўнадим). Ва хилватга чекиндим. Ва гоҳо азизлар хизматида улар суҳбатидан баҳраманд бўлиб, ўз сўзимни ҳам уларга ёқимли қилдим.

Рубоий:

Гардун гаҳ манга жафоу дунлук қилди,  
Бахтим киби ҳар ишта забунлук қилди,  
Гаҳ ком сари раҳнамунлиқ қилди,  
Алқисса: басе буқаламунлук қилди.

Шарҳи:

Фалак менга гоҳи жафою разиллик қилди, баҳтим каби ҳар ишда ожизлик қилди, гоҳо мақсадим сари йўл бошлади, хуллас буқаламунлик қилди.

Аммо баҳтли кунларимда, давлат ишлари билан машғул вақтимда кўнгил мулки одамлар ҳужуми туфайли фитнага қолди. Амирлик мартабасида ўтирганимда ҳукумат маҳкамасида халқнинг додига етдим ва гоҳо подшоҳга яқинлик туфайли вазирлик қилдим ва менга умидвор назар солувчиларга мурувват кўргиздим. Гоҳо олижаноблик айвонини макон қилдим ва улуғ кишиларни, амалдорларни таъзим юзасидан меҳмон қилдим. Баъзан шодлик боғида зиёфат дастурхонини ёзиб, май қуювчи соқийлар ва созанда ва хонандаларнинг базму рақсидан баҳра олдим. Баъзан сultonлар мухолифат қилганда, ўрталарига тушиб, уларни келиштириб қўйдим. Гоҳо уруш майдонига тушиб, жоҳил ва нодонлар тухматига қолдим. Ва гоҳи яхши ишлар қилувчилар орасига ўзимни урдим ва жамоат учун бинолар қурдим, файратим туфайли турли работлар ва бекатлар барпо бўлди ва йўловчиларга шодлик етишди.

Байт:

Димоғима тушубон кўп тасаввуру пиндор,  
Ўзумни жоҳу улуғлуққа айладим изҳор.

Шарҳи:

Кўнглимни кўп орзу-хаёллар эгаллаб,  
Улуғ мансаб ва давлатга етишдим.

Бу муқаддимадан мақсадим шуки, ҳар кўчада югурдим, оламдаги ҳар хил кишилар билан мулоқотда бўлдим ва яхши-ёмоннинг феълини ўргандим ва уларнинг ёмону яхши хислатларини синаб кўрдим. Яхши ва ёмондан шарбат ичиб, захрини ҳам тотиб кўрдим. Пасткаш ва сахийнинг захмини (ярасини, жароҳатини) ва малҳамини идрок қилдим. Ва замон аҳлидин баъзи сухбатдошларим ва даврон аҳлидан баъзи дўстларим бу ҳоллардан хабарсиз ва кўнгилларида бу яхшилик ва ёмонликлардан асар йўқ.

**Қитъа:**

Не билгай ул кишиким, шаҳду майни тотмайдур,  
Ки васлу, ҳажр киби ул чучукдуур, бу ачиғ.  
Билур залил мусофирики, пўя айларда эрур.  
Қуму тўзонг юмшоғ, тоғу хорадур қатиғ.

**Шарҳи:**

Асалу майни тотиб кўрмаган киши, висолу ҳижроннинг аччиқ ва чучуклигини қаердан билади.

Чўл қумининг юмшоқлигини, тоғ тошининг қаттиқлигини қийналган йўловчи мусофири яхши билади.

Шу боис ҳамсухбат ва дўстларни бу ҳоллардан хабардор қилмоқлик вожиб (шарт, зарурий) бўлиб қолди, токи улар ҳам ҳар хил тоифа хислатидан ва ҳар табақанинг аҳволидан хабардор бўлсинлар. Токи муносиб одамлар хизматида бўлгайлар ва номуносиб кишилар сухбатидан ўзларини тортгайлар. Ва маҳфий сирларни ҳар кимга айтмагайлар ва шайтонсифат кишиларнинг макрига алданмагайлар. Кимки синалмаган одам билан сухбатлашиш ва дўстлашмоқни ҳавас қиласа, унга мен факирнинг тажрибаси етарлидир.

Энди бу сўзларнинг қалбларга ёқимлилиги маълум бўлди, шу боис асарга “Маҳбуб ул-қулуб” – (қалбларга ёқимли) деб ном қўйилди ва бу ёзилганларнинг фойдали таъсири билинди ва уч қисм қилинди.

Биринчи қисм: турли одамларнинг феъл-атвори ва аҳволи ҳақида.

Иккинчи қисм: яхши феъллар хосияти ва ёмон феъллар касофати ҳақида.

Учинчи қисм: турли фойдали нарсалар ва турли мисоллар (ҳикматлар) ҳақида.

Умид шуки, ўқиганлар дикқат ва эътибор кўзи билан назар сограйлар ва ҳар қайсилари ўз фахму идроклагрига кўра баҳра олгайлар. Ёзганинг ҳақига ҳам дуойи хайр билан баҳра еткургайлар ва руҳини ўша дуонинг файзи футухи билан шод қилгайлар.

# Биринчи қисм

Халойиқнин ахволи, феъл-  
атвори ва ғап-сұзлағинини  
қайфиятты ҳақида

**Бұ қисм  
қирқ ғаслдир**

## Биринчи фасл ОДИЛ ПОДШОҲЛАР ЗИКРИДА

Одилу оқил подшоҳ Оллоҳнинг ердаги соясидир. "Инний жаилун фил арз халифатун" – яъни "Мен ерда Одамни халифа (ўринбосар) құлмокчиман", – ояти унинг шаънига айтилгандин. Шундайки, одил подшоҳнинг даражасига таъриф ожиздур – "Вулидту фий замонис – султон ул-одил" – яъни "Мен одил султон замонида туғилғанман", – ҳадиси шундан хабар беради. Икки дунё эгаси Мұхаммад (сөллаллоҳу алайҳи ва саллам) дебдурларким, "Адлу соатин хайрунмин ибадатис – сақалайн" – яъни "Бир соатлик адолат икки дунё ибодатидан: инсонлар ва жинлар ибодатидан афзалроқдир".

Одил подшоҳ халойиққа Тангри таолонинг раҳматидир ва мамлакатта омонлик ва фаровонликдир. У қуёш билан баҳор ёмғиридек қора тупроқдан гуллар очади ва мамлакат аҳли устига олтину дурлар сочади. Камбағал ва бечоралар унинг яхши ва мулојим мұомаласидан роҳатда. Замон ва амалдорлар унинг сиёсати тиғидан қўрқувда. Унинг давлати соясида қўй ва қўзилар бўридан омонликда. Ёмонларга шафқатсизлигидан мусофиirlар йўлтўсар ва қароқчилар хавфидан омонликда. Марҳаматидан мактабларда болалар шовқини ва заифлар ҳаммомида уларнинг ғавфоси, ҳайбатидан йўллар қароқчидан холи ва ҳалқнинг қўли мол билан тўла. Забтидан амалдорлар қалами синик ва ситамкорлар байроби йиқилган. Унинг саъй-ҳаракати билан масжиidlар жамоат билан тўла ва мадрасаларда илмий баҳслар бўлмоқда. Қасосли қиличидан ўгрининг қўли элнинг молини олишга калталик қиласи. Ўч олиши хавфидан йўлтўсарларнинг қадами йўқлик саҳросидадир. Савдо қилиш учун туни билан дўконларда шам учмайди, одамлар дайди ва безорилардан қўрқмайдилар. Шомдан то саҳаргача масжид ва хонақоҳларнинг эшиклари очик, чиллахоналар ибодат нури билан ёруғдир. Шаҳарда қўйлар посбони ҳам у, чўлда қўйларнинг чўпони ҳам удир. Аҳолининг ҳовли ва боғлари унинг марҳаматидан обод,

лашкарлар ҳам ниятларига етган ва ундан розилар. Одил шоҳнинг шарофатидан турк аёлларининг аллалари тинмайди. Болалар эса хотиржам ошиқ ўйнайдилар. Кампирлар чархнинг уни (фув-зуви) остида унинг ҳақига дуо ўқийдилар. Канизаклар пахта савалаб, савағичнинг садоси остида қўшиқ айтиб, шоҳни олқишлийдилар. Фуқаро унга таҳсин, дуо ўқиб, ифтихор қиласидилар. Шоҳ эса очиқ қўллик билан саховат қилиб, илтифот кўрсатади. Очларнинг таоми шоҳнинг саховат билан ёзилган эҳсон дастурхонидан. Яланғочларнинг либоси унинг лутф-марҳамат хазинаси эҳсонидан. У мамлакат боини обод қиласидиган серсув булатдир ва мулк аҳлиниң кўзини ёритадиган; жаҳонга нур сочувчи қуёш кабидир. Ўзга давлатларнинг халқи ундей шоҳни орзу қиласидилар ва ўзга юртларнинг мазлумлари униadolatпарварлиги туфайли дуо қиласидилар. Олимлар унинг яхшилигини таърифлаб, рисолалар ёзадилар ва шоирлар унинг яхшилигини тавсифлаб, қасидалар битадилар, бастакорлар унга атаб, куйлар яратадилар. Хонанда ва созандалар уни жону дилдан куйладилар. Адолатли шоҳ, халқни рози қилса, Ҳақнинг розилигини топади ва халқнинг арз-додини сўраётган пайтида қиёматдаги сўроқ эсига тушиб, ваҳимага тушади.

Маснавий:

Улус подшоҳию дарвешваш,  
Анга шоҳлиқдин келиб фақр хаш.

Жаҳондорларга сипеҳр интибоҳ,  
Вале аҳли фақр оллида хоки роҳ.

Жаҳон мулки оллинда хошокча,  
Вале бир кўнгул мулки афлокча.

Бори бенаволар навосози ул,  
Ҳамул навъким, шоҳ Абулфози ул,

Келиб айни инсону, инсони айн,  
Жаҳон вориси Шоҳ Султон Ҳусайн.

Ки, то бўлса гардунға давворлиқ,  
Анга боқий ўлсун жаҳондорлиқ.

Халойиқقا бу шаҳдин ўлсун нишот,  
Даме бўлмасун холи андин бисот.

Шарҳи:

Ўзи элнинг шоҳи ю, лекин дарвешсифат,  
Унга шоҳлиқдан кўра фақирлик хуш ёқади.

Жаҳондорлар ичида ҳамиша огоҳ туради,  
Лекин фақирлар олдида хоки роҳдир (камтардир).

Дунё бойлигини хас-хашакча ҳам кўрмайди,  
Лекин инсон кўнглини осмон қадар деб билади.

Барча бечораларнинг кўмакчиси у,  
У киши шоҳ Абулғозий Баҳодирхондур.

Ўзи инсону, инсонларни кўз қорачиғидай асрайди,  
Бу киши жаҳон вориси шоҳ Султон Ҳусайн Бойқа-  
родир.

Токи осмон айланиб турар экан,  
Унинг давлати боқий бўлсин.

Халойиқقا бу шоҳдан ҳамиша  
Хурсандлик етсин, жаҳон ундан асло холи бўлмасин.

### **Иккинчи фасл ИСЛОМПАНОҲ БЕКЛАР ЗИКРИДА**

Бундай шоҳга бек бўлиш, худди Набий (с.а.в.) хизма-  
тидаги чаҳорёлардан бири кабидир. Бек ночорларнинг  
паноҳи ва подшоҳнинг хайриҳоҳидир. Дунёда шоҳ-

га фақат рост сўзлайди ва унинг охирати ғамини ейди. Ёмонлар ундан қўрқади ва яхшиларнинг мушкули осон бўлади. Элнинг молига тама билан қарамайди ва кўнглида ҳам кишиларнинг аҳли аёлига ёмон фикрда бўлмайди. Мақсади халқнинг тинчлиги ва жамиятнинг равнақидир. У мусулмонларни рози қилади ва мусулмонлар уни дуо қиладилар. Унинг зоти тоза ва шоҳ эшигига ҳам амали фақат яхшилик. Шоҳ эшиги бундай бекдан холи бўлмасин ва давлатининг қуёши асло заволга кетмасин.

### **Учинчи фасл НОМУНОСИБ НОИБЛАР ЗИКРИДА**

Ёлғончи ва нияти бузук ноиб худди Мусайлама каззобга эргашганлар гуруҳидандир<sup>1</sup>. У ёлғондан пайғамбарлик даъвосини қилган, Жаброил фаришта ваҳий келтирмоқда деб ёлғон гапирган. Унинг шоҳ ҳақидаги даъволари ҳам ёлғондир. Ёлғон даъво қилишига сабаб, унинг тамагирлигидир ва нотўғри фармон чиқаришига сабаб, унинг дунёга ҳирс қўйганидир. Бир нарса оладиган бўлса, чин ўрнига ёлғон сўзлайди. Чунки мусулмонларга зарар етказиш унинг динидир. Шу боис ёлғон турганда чин сўзламоги амри маҳодdir ва пора олишда ўзга сўз айтади, кўнглида эса бошқа сўз туради. Сўзи билан иши бир бўлмаган ноибнинг шоҳ эшигидан даф бўлгани яхшидир.

### **Тўртинчи фасл ЗОЛИМ ВА ЖОҲИЛ ВА ФОСИҚ ПОДШОҲЛАР ЗИКРИДА**

Одил подшоҳ бир ёрқин кўзгу бўлса, жоҳил подшоҳ унинг тескариси, яъни зулматдир. Зулм унинг учун ёқимлидир, бадхулқлик эса унинг таъбига севимлидир. Мамлакат нотинчлиги унга ором бағишлийди ва халқнинг паришонлиги унинг учун омонлиқдир. Обод ерлар

<sup>1</sup> Мусайлама каззоб – ёлғончи, пайғамбарлик даъвосини қилган.

унинг зулмидан вайронага айланади, кабутарлар ошёни бойқушларга макон бўлиб қолади. Золим шоҳнинг базмидада бода сели жунбушга келиб, обод ерларни вайрон қилади. Соқийнинг ҳовлисига ётқизилган фишт масжиднинг пештоқидан олинган бўлса, хумининг оғзини беркитган фишт масжид меҳробиникидир. Ноҳақ қон тўкмоқлик – унинг касби, жони бор одамки, ундан хавфсирайди. У шароб ичишни бошласа, мусулмонлар кўчани тарк этадилар. Агар фосиқ ва бадфеъл бўлса, элнинг аҳли аёли ҳамиша хатардадир. Агар жоҳил ва қайсар бўлса, мушфиқ (шафқатли, меҳрибон, марҳаматли) Навоийнинг ҳолигавой. Ўзининг ноқобиллиги ўзига ёқади ва элга маъқул нарсалар унга ёқимсиздур. Бирор кўп хизмат қилган бўлса-да, озгина хатоси учун уни кечирмайди, ҳақ ва рост гапини озгина хатоси учун чиппакка чиқаради. Ўзининг хато фикри рост келмаганида эса, дахлсиз одамларни жавобгар қилади. Унинг хато фикрига қаршилик қилганлар тухмат балосига гирифтор бўладилар. Носавоб (нотўғри) хаёли юзага чиқмаса, бунга буткул алоқаси йўқларни жазолайди, хабари йўқларни азоблайди. Ҳаёт сувини заҳар деса, бу фикрини маъқулламаган «гуноҳкор» бўлиб қолади ва қуёш нурини қоронғу деса, таҳсин айтмаганинг ҳолигавой. Ўзининг фойдасига қатранинг қадри дарёча ва зарранинг қадр-қиймати қуёшча. Элнинг унга берган моли кўп бўлса ҳам, бир қора чақадан кам, фидо қилган азиз жони эса бир пулдир. Золим шоҳ қора қузгунни оқ туйғун деганида, шу қуш ғозни яхши олади, демаган айбордир. Ёруғ кунни қора тун деса, осмон тўла юлдуз демаган айбордир.

Тўғри сўз айтгувчиларнинг жони хатарда, яхшиликка далолат қилувчиларга ўлим хавфи бор. Ҳақиқат унинг наздида ботилдир, ақлли одамлар унинг наздида жоҳилдир. Элга бўлган кўнглидаги адовати унинг махфий хазинасидир. Қатл учун жон бермоқ – унинг шиори, элнинг молу жонига қасд қилмоқ унинг шикоридур. Бундай ёмон подшоҳнинг вазири ҳам Фиръавн ёнидаги Ҳомон кабидир.

Байт:

Үйлаким шаҳ морға бўлғай мўмид ҳам жаъфарий,  
Ё вабойи халқقا тоун ҳам ўлғай бир сари.

Шарҳи:

Бундай шоҳлар илон каби вазирига ёрдамчи бўладилар,  
Халқ учун вабо бир тараф бўлса, булар бир тарафдир.

Тангри бундай балоларни йўқлик чоғидан мавжудлик таҳтига чиқазмасин ва йўқлик зиндонидан борлиқ шахристонига йўлатмасин.

### **Бешинчи фасл ВАЗИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Вазир сўзи "визр" – гуноҳ сўзидан келиб чиққан бўлиб, бу феъл унинг табиатига жуда мос ва лойиқдир. Бу ишни ўринлатган Сулаймон пайғамбарнинг вазири Осаф ибн Барҳаё узугига "Инсофли кишини Тангри раҳмат қилсин" – деб ёздириб қўйган экан. Ўша Осаф дунёдан кетар вақтида инсофни ҳам ўзи билан олиб кетди ва инсоф гавҳарини бу ноинсофлар орасидан олиб кетди. Киши ўзини ҳар ёнга ургани билан у Осафни бу дунёда қаердан топади? Агар дунё аҳли орасида бирор Осафга ўхшаган одам, бўлса, Сулаймон таҳти дунё мансабамили аллақачон барбод бўлишини билади. Бу золимлар мамлакатни барбод қилиб, халқнинг йикқан-терганини йўқ қилувчилардир. Яхшиси шуки, киши булар ҳақида қалам тебратмагай ва бу қора юзликлар отини қалам тилига келтирмагай. Заҳар бериб, bemорни ўлдирувчи табиб буларга ўхшаш ва яқиндир. Бу икки тоифадан ҳар бири заҳарли илондир. Шоҳга буларни дафъ қилиш можибдир. Булар халойиқقا зиён келтирувчи чаёнлардир. Қаламларининг учи чаён найзасидир. Аҳоли бошида бу найзани заҳридан ўлим хавфи бор. Бу найза мазлумларга қанчалик санчилса, у золим вазирларнинг боши ҳам ажал тоши билан шунчалик янчилади, деб умид қиласиз.

**Рубоий:**

Булардин гар аъло гар адно дуур  
Ким, андин халойиққа изодуур.  
Шах ўлтурмак авлодур ул элни бот  
Ки, дебдур набий "укттуул-муъзиёт".

**Шарҳи:**

Буларнинг ичида хоҳ баланди, хоҳ пасти бўлсин, улардан, албатта, халойиққа жабр етади. Шоҳ ундейларни қатл қилмоғи аълодур. Чунки Пайғамбар (с.а.в.) "Зараркунаңдаларни ўлдиринг", — дебдурлар<sup>1</sup>.

### **Олтинчи фасл ДИЁНАТСИЗ САДРЛАР (АМАЛДОРЛАР) ЗИКРИДА**

Диёнатсиз раҳбарлар худди ёмон бидъат кабидирлар. Бундай нокас агар саводсиз бўлса, мақсади фисқу фужурдир. Унинг мажлисида нағма қилиш илму тақвога аза очиб йиғлаш билан баробардир. Уламолар келтирган гулоб шишалари бўшагач, уларга мулоғимлари бода қуядилар. Келтирилган новвотларни ушатиб, ўз ичкиликлариға газак қиласидар. Иш ҳақларини бошқа сабабларга буриб юборадилар. Бадкирдор, ёмонлар ғолиб ҳисобланиб, талабалар югурдақлик қиласидар. Уларнинг навкарлари хонақоҳга ажратилган таомга шерик, соқчилари эса шайх ва мударрис маошига шерик. Базмларига май келтиришга мухтасиб рози ва май қуювчи қозининг соқоли устидан май қуйиб тозалайди. Мамлакатда бундай номаъқул ишлар беҳисоб бўлса, кишиларда ислом шариатига нисбатан ҳурмат қолмайди.

Аслида амалдорлар уламоларга ёрдамчи, шайхларга ишларини битириб берувчи ва хизматкор бўлиши лозимдир. Саййидларга кўмакчи ва фуқаролар хизматига ҳамиша тайёр, жонкуяр бўлмоғи лозим. Улар зулм риш-

<sup>1</sup> Ҳадиси шарифда бешта зааркундани Ҳарамда ҳам, Ҳарамдан ташқарида ҳам ўлдиришга рухсат берилган. Булар: чаён, сичқон, калхат, қарға ва қутурган ит.

тасини узгувчи ва вақф ерлардаги ношойиста (ёмон, но-  
мақбул) ишларни тартибга солувчи ва дехқончиликнинг  
ривожланишига ғайрат қилувчи бўлмоғи керак.

**Маснавий:**

Йўқ улким, фосиқу, ҳаммору зукка  
Ки, бузғай гарчи бўлғай хожа дукка.  
Рикоби нақши кимсонлик саросар,  
Тўнида ортиқ ондин зебу зар.

**Шарҳи:**

Бузғунчи садр (амалдор, мансабдор) нафақат май-  
хўр палидни (ифлос, ярамасни), балки хожаю саййидни  
(Пайғамбар авлодини) ҳам йўлдан уради. Отининг узан-  
гиси ҳам нақшинкор, ўзининг тўни ҳам ортиқча зебу  
зийнатлар билан безатилган.

**Қитъа:**

Керакки бошига қўйса алоқалик дастор,  
Яна ридо ҳам анинг эгнида маволийдек.

Йўқ улки, маркаби бўйнига боғлаб осса қўтос,  
Осиғай ўзининг ўз бўғзидан соқолидек.

**Шарҳи:**

Бошига печлик салла ўрашни хоҳлайди,  
Этнига мавлавийлар (мадраса эгалари)дек ридо ташлаб  
олса.

Камига отининг бўйнига қўтос осиб олса,  
Ўзи ҳам ўзининг соқолидек ўз бўғзидан осилади.

(Ридо — Шайхлар, дарвешлар елкасига ёпиб ёки  
ташлаб юрадиган чойшаб, дарвешларнинг устки кийи-  
ми. Қўтос — отларга тумор ўрнида осиладиган, безакли  
от анжоми)

**Еттинчи фасл  
ФОСИҚ ВА БАДФЕЪЛ, БАҲОДИРЛИК  
ЛОФИНИ УРГАНЛАР ЗИКРИДА**

Улар шоҳ эшигидаги давлат бойлигини бехуда ишларга совургувчилар жамоасидирки, на Тангрига тоат қиласидар ва на шоҳга итоат қиласидар. Хоҳишлари шухратпастлик, одатлари ўзларига оро бериш. Ишлари мастилигу ўзларига зеб бериш. Чин демаклари – лоф уриш, маъноли сўзлари – ёлғончилик. Уларнинг динлари – ичувчилик, одатлари кофирвашлик (кофирга ўхшаш, раҳм-шашфқатсиз).

Кўнгиллари от чоптириб, ором олиш ва сўзлари бош яланг бетта чопарлик.

Базмда хотамлик даъвосини қилишади, жангут жадалда ўзларини Рустамдек кўрсатадилар. Саллаларидағи жиганинг ҳайбатидан “насли тоир” (юлдуз) ҳуркади, найзаларидан “симоки ромих” (юлдуз)ига дор тушади. Одатлари керагидан ортиқча, бесўнақай салла ўрайдилар. Салланинг печидан ҳамиша елкалари озор чекади.

Ишимиз мамлакат душманини қувиш, мулкни асрарш, – деб шоҳга миннат қиласидар. Бу даъвога етишгунча нечтаси май ичиб ўлиб кетди, нечтаси бошқа ёмонликлар туфайли дўзахга равона бўлди. Булардан юздан бири жанг майдонига етиб, яна отни нотўғри чоптириб, ўлиб кетади. Бундай баҳодирликнинг ҳеч кераги йўқ, бундай саф бузувчилар ҳам керакмас, уларнинг қони ҳеч саф бузарда тўкилмасин. Шоҳ учун сипоҳ – дарвешлар дуосидир ва фуқаронинг ҳиммати ва Тангри таолонинг розилигиdir. Шоҳга Тангри таоло иноят қилса, унинг байроби “Насрум-мин Аллоҳ” (Нусрат берувчи Оллоҳдир) шиори билан зийнатланади. Токи шоҳнинг давлати бор экан, душман хору хоксордир.

Давлатга еткургувчи ҳам Тангри, уни олгувчи ҳам, бергувчи ҳам Тангри таолодир.

У зот берганни бошқа бирор олиб қўя олмайди. У еткурса, бошқа бирор тўсқинлик қила олмас. Шоҳ, Ҳақ

амрини бажо келтирса, унинг давлати кўп йиллар хавфдан эминдир (омондадир, хавфсиздир), – деб умид қиласа бўлади.

**Қитъа:**

Шаҳеки, сидқи аниңг Тенгри бирла туз бўлғай,

Не ғам адувси аниңг бир, йўқ эрса юз бўлғай.

Кишига Тенгри берур фатҳ, йўқки хайлу сипоҳ,

Пас эътимод анга айламак не сўз бўлғай.

**Шарҳи:**

Подшоҳ Тангри таолога садоқатли бўлса, унинг душмани бир эмас, юзта бўлса ҳам, ҳеч ғам емаса бўлади.

Кишига фатҳни (фалабани, күшойишни) сипоҳлар хайли (гуруҳи, тўдаси) эмас, Тангри беради, шунинг учун суст эътимодли (ишончли) бўлиш ярамайди.

**Байт:**

Черик бўлсаю, бўлмаса баҳт ёр,

Сипаҳфа адув хайлиниңг ҳукми бор.

**Шарҳи:**

Агар лашкар бўлса-ю, баҳт ёр бўлмаса, ўз лашкари ҳам душман ҳукмида бўлади.

### **Саккизинчи фасл ЯСОВУЛ ГУРУҲИ ТЎҒРИСИДА**

Ясовул шундай одамки, у мазлумни золимнинг зулмидан қутқаргай. Аммо қилган хизмати учун ортиқча ҳақ талаб қиласа, у золимнинг зулмига каттакон шериқдир. Агар қилган хизматига яраша ҳақ олса, у ота мероси ва она сути каби ҳалолдир. Агар олган ҳақи хизматидан кам бўлса, бу унинг мард ва мурувватлилигига далолатдир. Агар астойдил ишни битирса-ю, ўз ҳақини олмаса, бундай кишини ҳақиқий авлиё, деса бўлади.

Кўп эранлар бундай ишни ўзларига шиор қилиб

олганлар ва шу одат билан асл мақсадларига етганлар (эрланлар – аҳли сулуклар ёки аҳли тариқатлар; комил инсонлар. – А.Т.).

Маснавий:

Авлиёуллоҳки, ҳар суратда бор,  
Баъзи этмиш бу равишни ихтиёр,  
Чун эрурлар қуббалар ичра ниҳон,  
Ҳақдин ўзга кимсага эрмас аён.

Шарҳи:

Авлиёуллоҳлар ҳар суратда борлар, баъзилари шундай ишларни қилиб юрганлар, лекин уларнинг сирлари одамлардан яширин, Тангрининг ўзига аён.

### Тўққизинчи фасл ЛАШКАРЛАР ВА ҚОРА ЧЕРИК ТЎҒРИСИДА

Қора черикдан бўлган лашкар, Яъжуж ва Маъжуж гуруҳига шерик.

Меҳнатда тиним билмайди, юриш билан бўлиб, саф тортишдан бошқа иши йўқ. Қиладиган ишлари талаш мумкин бўлганни таламоқ, ёт юртларни чигирткадек босиб, сабза ва гиёҳларни еб, яламоқ. Инсонийлик билан улар ўртасида қарама-қаршилик бор, мусулмонлик билан улар ўртасида келишмовчилик бор. Уларнинг зоти фаҳму фаросатдан холи, ақл ва инсоф каби фазилатларга бегона. Қайси томонга юзлансалар, ортга қайтиш йўқ. Кўпинча кечаси ҳам, кундузи ҳам ғафлат уйқусида ётадилар. Улар учун иссиқ ва совуқнинг фарқи йўқ, очлик ва яланғочлик заарини сезмайдилар. Тубанликда ҳайвонлардан ҳам баттар; ҳайвонликлари кўпу инсонийликлари оздир.

Рубоий:

Ул қавмдин аъжуба халойиқ бўлмас  
Ким, меъдалари ҳаром ердин тўлмас.

Ўлгунча бало чекиб эурлар мавжуд,  
Чин бўлди бу даъвони ясоғлик ўлмас.

Шарҳи:

У гурухдан ҳам ажойиброқ қавм йўқдир,  
Меъдалари ҳаром билан ҳеч тўлмайди.  
То ўлгунча бало чекиб яшайверадилар.  
"Аскар ўлмайди" – деган нақл рост экан.

Қизифи шундаки, Ҳақ таолонинг ҳар хил тоифадаги кишиларга яширин инояти бўлгани каби буларнинг ичида ҳам яхши одамлар (эрланлар) топилади.

Кўшин бозорини ҳам шу аскарлар қизитадилар, ҳар нарсани арzonга олиб, қимматта сотадилар. Амалдорлар халойиқдан пора олганлари каби булар ҳам қўшин улущида чўтал оладилар.

Байт:

Сипоҳий молин ул хайли табоҳи,  
Туну кун муфт олиб хоҳи-наҳоҳи.

Шарҳи:

У нобакорлар гуруҳи, хоҳласанг-хоҳламасанг, сипоҳлар молидан кечаю-кундуз олаверадилар.

Уларга одамзод жазо бера олишининг имкони йўқдир, уларни Тангрининг ўзи бало билан жазоласин.

### Ўнинчи фасл

## ШОҲГА ҚАРАШЛИ ОДАМЛАРНИНГ ШОҲГА ЎХШАШЛИГИ ТЎФРИСИДА

Кимки шоҳга мулоzим ва тобеъ бўлса, қилган иши ва одати шоҳникига ўхшаш бўлади. Агар шоҳ адолатпеша бўлса, тобелари ҳам адолатли бўлади.

Агар шоҳ золим бўлса, эли ҳам зулм фикрида бўлади. Агар шоҳ исломга амал қилса, ҳалқининг нияти ислом ва дин бўлади. Агар шоҳ кофиртабиат бўлса, элида

ҳам куфр асари бўлади. Ҳакимлар дебурлар: – Шоҳ, пишқириб оқувчи дарё бўлса, атрофидагилар эса дарё теварагидаги анҳорлардир.

Дарёниг сувида қандай хосият ва кайфият бўлса, анҳорда ҳам шу хусусият бўлади.

Дарёниг суви аччиқ бўлса, анҳорники ҳам аччиқ, агар чучук бўлса, анҳорники ҳам чучук бўлади. Дарё лойқа бўлса, анҳор ҳам лойқа, тиник бўлса, анҳор ҳам тиник бўлади.

**Маснавий:**

Ариқларки, ул баҳрдин айрилур,  
Биликлик аларниг суйин ҳам билур,  
Чу бирдур сув дарё била нахр аро,  
Эмас таъмида ҳожати можаро.

**Шарҳи:**

Бир дарёдан айрилиб чиқсан ариқлар суви қандайлигини билимдонлар биладилар. Дарё билан ариқ суви бир хил бўлгач, бу хусусда баҳслашга ҳожат йўқ.

## **Ўн биринчи фасл** **ШАЙХ УЛ-ИСЛОМ ҲАҚИДА**

Шайх ул-ислом мусулмонлар пешвоси бўлиб, мусулмонлар унинг фатвосига (ҳукмига) бўйсунишлари лозим. Бундай киши исломни ҳимоя қилувчи олим бўлмоғи ва даргоҳга (азизлар, авлиёлар, орифлар даргоҳига. – А.Т.) яқин бўлмоғи, ориф ва донишманд, шариат қонунига тобеъ, факирликка рози, тасаввуф йўлини тутувчи бўлиши керак. Яхши-ёмонга шафқатли ва ёшу қарига фойдали йўл кўрсатувчи, рад этиб бўлмас даражада ҳақиқатни сўзловчи. Шариат қонунларини билишда комил бўлиши ва бидъатчилар бидъатини йўққа чиқарувчи обрўли киши бўлиши керак. Шундай сифатларга эга кишини шайх ул-ислом деса бўлади, вассалом.

Байт:

Мундин ўлди муқарраби Борий,  
Шайх ул-ислом пири Ансорий.

Шарҳи:

Шайх ул-ислом пири Ансорий шундай сифатлар туфайли Ҳаққа яқин бўлди.

### **Ўн иккинчи фасл ҚОЗИЛАР ЗИКРИДА**

Қози ислом биносининг таянчи ва мусулмонларнинг яхши-ёмон ишларида фармон чиқарувчидир. Қозининг кўнгли дин илми билан тўла ва дунёвий билимлардан ҳам хотири бенуқсон бўлиши керак. Кўнглида шахсий манфаатга майл бўлмаслиги, иккизламачиликдан холи бўлиши керак. Унинг маҳкамаси шариат илмининг ха-зинаси бўлмоғи ва ҳукм қилмоқлиқда ошною бегонага бир хил муносабатда бўлмоғи керак. Унинг илму тақвосидан кўнгилларда ҳурмат ва эътибор, фаросатидан диёнатсизлар кўнглида ғам-ташвиш. Кўнгли Тангри қаломи билан мустаҳкам ва ҳукмлари Мухаммад (с.а.в.) ҳадисларига мувофиқ. Шаръий ҳийлалар хавфидан кўнгли пок, ҳуқуқшуносларнинг шубҳали алдовларидан кўнгли пок. Порахўр муфтийлар унинг олдида ночор ва ҳийлакор вакиллар мажруҳдирлар. Илмсиз қози ичкликка берилса, уни ўлдирмоқ керак ва у дўзах ўтига етмасдан туриб, куйдирмоқ керак. Агар қози порахўр бўлса, ислом қўргонига раҳна солади. Агар қозининг ўзи пора бериб, мансабга ўтирган бўлса, албатта, пора олиб, шариат қонунини бузади.

Қози шариат йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги керак, тўғри йўлдан чиқмаслиги керак. Агар тўғри чизик ҳар томон майл қилса – эгилса, у эгри бўлади. Чолғу асбоби созланмаса, унинг овози бузилади. Қозининг ҳукми элнинг моли ва жонига даҳлдор экан, унинг шиори тўғрилик ваadolat бўлмоғи лозим. Агар оёғи тўғри

йўлдан тойилса, у дўзахнинг Вайл номли чуқуридан жой олади. Бу ишни ўз хоҳишимча қиласман деса, ёлғончи бўлгани боис у Пайғамбар (с.а.в.) шариати ҳокимлигига муносиб эмас.

**Қитъа:**

Мухбири содик шаҳеким, қилди дину шаръни,  
Бори адён носихи андоқки, мумкин эрди туз.  
Козиб ул йўлни нечук тузгайки, бир кazzоб ҳам,  
Қилди кўп даъво, vale қўйди жаҳаннам сори юз.

**Шарҳи:**

Содик (тўғри, рост) хабар берувчи шоҳ, (Пайғамбар алайҳиссалом) барча дин насиҳатгўйлари тўғри деган йўлга солди. Ёлғончи ундай йўлни қандай ҳам тузсинки, бир кazzоб (Мусайлама) кўп даъво қилди, лекин жаҳаннамга равона бўлди.

### **Ўн учинчи фасл ҚОНУНШУНОС МУФТИЙЛАР ҲАҚИДА**

Муфтий диёнатли қонуншунос бўлиши ва олим ва мўмин, ислом илмида моҳир ва юзида диёнат нури зоҳир бўлиши керак. Кўнгли нуқсонга мойил бўлмаслиги ва ҳийладан йироқ бўлиши керак. Қалами ривоятларга (Қуръон ва суннатга) содик, ёзганлари мужтаҳидлар (кatta ва улуғ олимлар) сўзига мувофиқ келиши керак. Фосиқ (ёмон ишлар қилувчи, фисқ ишлар билан шуғулланувчи) ва майхўр бўлмаслиги керак ва бадкирдор жоҳил бўлмаслиги ва шафқатсиз бўлмаслиги керак. Бир танга учун юзта ҳақни ноҳақ, қилмаслиги, озгина марҳамат учун "йўқ"ни "бор" деб ёзмаслиги керак.

Бир сават узум учун бир боғнинг куйиб кетишидан фам чекмайдиган ва бир ботмон (оғирлик ўлчови; 14 – 16 кг) буғдой учун бутун хирмон соврилишидан ташвиш чекмайдиган бўлмаслиги керак. Муфтий хийла билан фатво берса, қалами билан шариат юзини бузади. Шу

қаллоблиги учун ҳақ олиб, молига кўшса, динини дунёга соттан бўлади. Бундай муфтий одам ўлдирувчи табибdir. Бирига ислом динини ўлдириш, иккинчисига мусулмонларни ўлдириш насиб этади.

**Рубоий:**

Муфтиким, ишига музд олиб қилса рақам,  
Музд ортуқ эса майл керак қилғай кам,  
Фатвода чу бўлди музд учун "ло" ву "наам",  
Қилмоқ керак ул қаламзан илгини қалам.

**Шарҳи:**

Муфтий хизмати учун ҳақ олиб, қалам тебратса, ҳақи ортиқ бўлса, камроқ олмоғи керак.

Фатво беришда пул эвазига "ҳа" ёки "йўқ" деб ҳукм қилса, ундей қўлни қалам каби кесиш керак.

**Ўн тўртингчи фасл  
МУДАРРИСЛАР ЗИКРИДА**

Мударриснинг мақсади мансаб бўлмаслиги керак ва ўзи билмаган илмдан дарс бермаслиги ва манманлик учун дарс бермаслиги ва ўзини мақтаб, шовқин-сурон кўтармаслиги керак. Жоҳиллар каби салласи катта ва печи узун бўлмаслиги, мақтанчоқлик учун мадраса айвонининг тўрида ўтирмаслиги керак. Диний илмларни билса ва аниқ масалалардан элга таълим берса, бу создир. У ярамас қилиқлардан холи ва нопок ишлардан узоқ юрмоги керак ва ўзини олим қилиб кўрсатиб, турли-туман ножоиз ишларни "қилса ҳам бўлади", деб ҳаромни ҳалолга чиқармаслиги керак. Ножоиз ишлар билан машғул бўлиб, жоиз ишларни қилмайди. Бундай одам мударрис эмас, мубтадеъдур (бидъатчиидир) ва бундай киши билан сұхбатлашиш ислом аҳлига ман қилинган. Мударрис олим ва тақволи ва ҳушёр ва айтар сўзи Оллоҳнинг каломи ва Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадиси бўлиши керак.

**Қитъа:**

Ҳар не айтур бўлса Худову Расулдин,  
Андин сўнг ўлса мужтаҳиду, авлиё сўзи.  
Андин киши не ким эшитур ва ёки ўрганур,  
Бўлса Худо сўзи, йўқ эса Мустафо сўзи.

**Шарҳи:**

Мударрис нима деса ҳам унинг гап-сўзи, Тангрининг каломи ва пайғамбар ҳадисидан бўлиши лозим. Ундан сўнг мужтаҳид ва авлиёларнинг сўзидан гапирсин. Чунки одамлар ундан нима эшитса ёки ўрганса, у Тангрининг каломи ёки Пайғамбар (с.а.в.) сўzlари бўлиши керак.

### **Ўн бешинчи фасл ТАБИБЛАР ЗИКРИДА**

Табиб ўз фанида моҳир билимдон бўлиши ва bemorlarга шафқат ва марҳаматли бўлиши керак. Табиати тиб илмига мойил бўлмоғи ва ҳаким зотлар йўлидан бормоғи лозим. Сўzlari мулоим ва ўзи bemor кўnglini kўtaruvchi xushfeъl bўlmoғi лозим. Xozik tabib шафқатли, Ийсо алайҳиссаломга ўxшаш бўлиши керак. Ийсо пайғамбарнинг иши чиққан жонни duo билан tanaga киргизмоқ, табибнинг иши бўлса чиқмоқчи bўlgan жонни даво билан танада қолдирмоқдир.

Бундай табибнинг юзи bemor kўngliga ёқимлидир. Нафаси дардманларга даво ва қадами хасталарга шифо. Унинг юзи нажот келтируvchi Хизр ва у берган шарбат оби ҳаётдир. Агар касбида моҳир бўлса, аммо бадфеъл ва бепарво ва дағал сўzли бўлса, bemorga bir томондан илож (дори, даво) еткурса, аммо бир неча томондан зарар еткуур ва лекин жоҳил табиб жаллоднинг шогирди. У тиф билан, буниси заҳар билан зулм қиласи. Жаллод бундай табибдан яхшироқдир. Чунки у гуноҳкорларни ўлдиради, ёмон табиб эса begunoҳclarни ўлдиради. Ҳеч гуноҳкор жаллод қўлида хор бўлмасин. Ҳеч қайси bemor ношуд табибга зор бўлмасин.

Байт:

Ҳозиқ табиби хушгүй тан ранжиға шифодур,  
Омию тунду бадхўй эл жонига балодур.

Шарҳи:

Ширинсўз табиб тан дардига даводир, омию қўпол ва  
бадфеъл табиб, эл жонига балодир.

### Ўн олтинчи фасл

## НАЗМ ГУЛИСТОНИНИНГ ХУШВОЗ ҚУШЛАРИ ЗИКРИДА

Улар бир неча табақадирлар: аввалги гуруҳ – илоҳий маърифат хазинасидан бой бўлганлардир ва уларнинг халқ таърифига эҳтиёжлари йўқ, қиласидиган ишлари маънолар хазинасидан жавоҳир йифмоқ ва элнинг роҳати ва файзи учун у жавоҳирларни назм ипига термоқлиқдир. Назм ижод қилмоқ улуғ ишдир ва у шарафли ва дилларга ёқимли бўлгани учун Қуръонда зикр қилинган ва назмда мўъжизаларни топса бўлади (қофияси бўлса ҳам) атайлаб шеър қилиб айтилмагани учун ҳурмат юзасидан шеър дейишга элнинг тили бормайди.

Аммо шу азиз қавмнинг пешвоси ва энг биринчиси ва шариф гуруҳнинг сардафтари ва авлиёлик денгизининг гавҳари ва каромат осмонининг ёруғ юлдузи Амир ул-мўъминин ҳазрат Алидурларким, Тангри у кишидан рози бўлсин ва юzlари нурли бўлсин. У зотнинг шеърий девони бўлиб, унда сирлар яширин ва нозик маънолар бор.

Бу ажойиб гуруҳга тобеъ бўлганларнинг баъзилари ҳақида айтиб ўтамиз.

Улардан бири форсий тилда назмлар жавоҳирини тузувчи Шайх Фаридуддин Аттордир. Яна бири "Маснавий маънавий" муаллифи, яқинлик денгизининг favвоси Мавлоно Жалолиддин Румийдирлар. Уларнинг мақсадлари илоҳий сирларни баён қилмоқ ва чексиз маъри-

фатдан улуш тарқатмоқдир. Яна ҳам сирлардан огоҳ авлиёлар, шайхлар ва аҳлulloҳлар борки, юқоридағы ларга тақлид қилиб әргашғанлар ва улар сўз айтишда ва ҳақиқат сирларини баён қилишда таҳсинга лойикдирлар. Булар ҳақиқат йўлининг фасоҳатли кимёгари ва кибрити аҳмари (қизил ёқути)дирлар.

Яна бир жамоаки, улар ҳақиқат сирларига мажоз тариқини аралаштирибдурлар ва ўз фикрларини шу йўл билан баён қилибдурлар. Чунончи маънолар аҳдининг нозик йўл билан пардозловчиси Муслиҳуддин Саъдий Шерозий ва ишқ аҳли гуруҳининг садоқатли йўловчиси Амир Хусрав Деҳлавийдур ва тасаввуф мушкилотларини ечувчи Шайх Заҳируддин Саноий ва ҳақиқат аҳли ягонаси Шайх Авҳадуддин, сўз билан ҳар қандай чуқур маъноларни ифода қила оладиган Хожа Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз.

Яна булардан бир гуруҳ борки, уларнинг асарлари мажозий маънодадир.

Улар: Камол Исфаҳоний, Ҳоқоний Шервоний, Ҳожуий Кирмоний, Мавлоно Жалолиддин (Ибн Жаъфар Фароҳоний) ва Хожа Камол, Анварий, Заҳир, Абдулвосеъ, Асир, Салмон Соважий, Носир Бухорий, Котибий Нишопурний, Шоҳий Сабзаворийлардур.

Яна ҳақиқат ва мажоз тариқида комил, назм аҳлиниң йўлбошчиси ва имоми ҳазрати шайхулислом Мавлоно нур-ул миллати вад-дин Абдураҳмон ал-Жомий, Тангри қабрини мунаvvар қилсин ва сирини муқаддас қилсингим, аввалги гуруҳ равишида сўзи шарафли ва сўнгги гуруҳнинг ҳам латиф услубида камол эгасидир. Дунёдаги завқу ҳол аҳли бу зотнинг латифлигидан ва маънодор сўzlаридан хушнуддирлар ва булар маърифатидан ҳузур топадилар.

Яна қўйи табақадаги жамоат ҳам бўлиб, шеър ёзиши билан хурсанд ва розидирлар. Юз мashaқат билан бир байт ижод қилсалар, овозасини етти фалакдан ҳам оширадилар. Сўzlарида на ҳақиқат ва на маърифат болидан лаззат бор ва шеърларида на шавқ ва ишқ ўти-

дан ҳарорат бор, на шоирона асарларида гўзаллик бор, на ошиқона куйинишларида ишқнинг шуъласи бор. Баъзиларидан гоҳида бир яхши байт содир бўлса, ўн баробар даъво билан оламга жар солиб, ўша байтни ҳам зое қиласидилар. Агар булардан бири нозик маъноли нарса ижод қилса, ўнларча ёқимсиз даъво билан уни ҳам йўқقا чиқарадилар. Гўё ўзларига ишончлари зўру, ўз сўзларига эътиқодлари мустаҳкам. Қизифи шундаки, ҳар бирининг сўзида маъно озроқ, лекин даъво кўпроқ (Наъувзу биллаҳи мин шурури анфусина ва мин саййиати аъмалина — Оллоҳдан нафсларимизнинг ёвузлигидан ва ишларимиз (амалимиз)нинг ёмонлигидан сакланишни сўраймиз.)

**Рубоий:**

Аълолариdur нединки дерсен аъло,  
Аднолари ҳам барча данидин адно,  
Авсаллариким, ҳеч нимага ярамас,  
Билким, нафас урмамоқ алардин авло.

**Шарҳи:**

Шоирларнинг аълоси, барча нарсадан аълодир, паст табақаси эса барча нарсадан тубандир.

Ўртачалари эса ҳеч нарсага ярамайди, билгинким, улардан сўз очмаслик яхшироқдир.

**Ўн еттинчи фасл  
КОТИБЛАР ЗИКРИДА**

Котиблар — шоирлар сўзи билан варакларни безовчилар ва сўз хазинасининг хазиначиси. Хазиначининг ҳунари эса омонатни сақлаш, агар уни рухсатсиз сарф этса, хиёнаткордир. Омонат сақловчи хиёнатчи бўлса, ўз касбида нуқсонли ва унинг қўлини кесмоқ аълодир. Яхши хат ва нуқтадан гўзаллар юзига гўзаллик бахш этган холдек оқ варақ юзини безайди.

Чиройли ёзувчи котиб сўзга оройиш ва сўзлагувчига

роҳат беради. Агар хат битувчи хаттот тўғри ёзса, унинг хати тўғрилар кўнглига мақбул бўлади. Муҳаррир хоҳ бир байт, хоҳ юз байт ёзсин, таҳрири дуруст бўлса, маъқул тушади.

Агар хат сурати чиройли бўлмаса, аҳли маъни кишилар бундан ташвишга тушадилар. Ҳужжат бўлсаю, хатоси кўп бўлса, қўли фалаж бўлгани яхшидир. Кимки бежо нуқта билан "ҳабиб"ни "ҳабис" ёзса ёки "муҳаббат"ни "мехнат" қилиб ёзса, ундаи фалокатга юз лаънат. Хати ёмон бўлгани устига беҳисоб хатоларга ҳам йўл қўйса, худди соқолини бўяб, масхара бўлган қари киши кабидир. Ундан хатни йиртиб, ахлатга ташлаган яхшидир ва эгасини Молики дўзах жаҳаннамга ташлагани яхшидир.

Севгилидан келган хат чиройли ва мазмунли бўлса, жонга ёқимли ва кўнгилнинг талаби ҳам шудир.

Севгилиниг хати хунук бўлса ҳам ёмон эмас. Чунки ошиқ севгилисининг хатини ёмон демайди.

Ёмон котибнинг жойи ўз қаламдонидек чоҳ ичида бўлсин, қаламидек боши яра ва юзи қора бўлсин.

**Байт:**

Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сургай хилоф,  
Ул қаро юзлук боши бўлсун қалам янглиғ шикоф.

**Шарҳи:**

Қайси котибки, хато қилиб ёзса, юзи қора бўлиб,  
боши қаламдек тилинсин.

### **Ўн саккизинчи фасл МАКТАБ АҲЛИ ЗИКРИДА**

Мактабдор домла бегуноҳ, маъсум болаларга жафо қилувчиidir. У болаларга азоб беришга мойил ва калтаклашга ўрганган. Зотида раҳмсизлик бор, димоги пўлат, кўнгли тош кабидир. Фазабдан қоши чимирилган, одати гуноҳсизлар билан адоват қилишдир. Кўпчилигига кўнгил қаттиқлиги ва таъма иллати бор ва ақл пастлиги-

га гирифтор. Улар қўрқитиш йўли билан болалар кўнглини ром қилмоқчи ва кичкинтойларни шу йўл билан тартибга солмоқчи бўладилар. Аммо қўполликлари аён бўлса ҳам, бу феъллари болалардаги нуқсонни эговловчи қўпол эговдир. Ҳар қандай бақувват кишини болалар тарбияси чарчатади, бундай ишни дев ҳам қила олмайди. Мактабдор домла эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади. Бунга нима етсин? Лекин болалар ичида ақлу идроки пастлари ҳам бўлади. Бундай ҳолда, муаллим кўп мashaққат чекади. Шу сабабли, болаларда муаллимнинг ҳаққи кўп. Агар шогирд келгусида подшоҳ бўлса ҳам, ўз муаллимига қуллуқ қилса арзийди. Агар шогирд шайх ул-ислом ва қозилик даражасига етса ҳам, устози ундан рози бўлса, Тангри ҳам ундан рози бўлади.

Байт:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо, онинг ҳақин юз ганж ила.

### Ўн тўққизинчи фасл ИМОМЛАР ЗИКРИДА

Имомлик қилувчи ўз қироатининг ошиғидир ва ўз намозининг мафтунидир. Ҳаёлида ўзини яхши инсон дея тасаввур қиласи ва яхши бўлиб кўринади, лекин қалбида кибр бор. Ўз намозини, албатта, қабул этилади, деб хаёл қиласи ва жамоатнинг намози ҳам, албатта, қабул бўлади деб кафолат беради. Чиройли қироатини элга ёқимили бўлиш деб билади, унинг жамоат ичида худбинлик қилиши айни расволикдир, нафси халқча пешволикни ва элни ўзига иқтидо қилиш (эргаштиришни) истайди. Намозга ўтувчи имом комил, етук киши бўлиши керак. Ва ўзини юқорида айтилган сифатлар билан тасаввур қилиши жоҳиллик ва ноқисликдир. Имомат пири-муршидга жоиздур. Ўз қавмига тушунтириш учун ва муаллимга ёш болаларга таълим бериш учун ёки олим киши жоҳилларга шафқат қилиб, имоматга ўтса бўлади. Ёки

комил инсон ўз аҳли аёлига тарбия учун. Ибодат одобини айнан шариат қоидасига биноан ўргатмоғи муносабидир. Аммо топшириқ бермоқ ва улуфа (маош) емак ва ўзини пешво деб билиши, бундай кишиларни одамий фазилатли киши деб бўлмайди. Ва аҳли маънилар бундай кишини одам деб билмайдилар.

Қитъа:

Валоят аҳлиға жамъи маломатига боқ  
Ки, халқ кўзидин айлар намозини яшурун.  
Бу турфароққим, намозида мұъжаб нодон,  
Тутар имомат учун хайл қибласида ўрун.

Шарҳи:

Авлиёлар гурӯҳи маломатига боқ, ўз намозларини халқ, кўзидан яширадилар. Яна баъзи тоифалар ҳам борки, улар намозида нодонлик билан кибрланади, имоматни эгаллашдан мақсади қавмнинг тўридан жой олиш.

### Йигирманчи фасл МУАЗЗИНЛАР ЗИКРИДА

Муаззин Haқ ибодатига чиройли овоз билан чорлаб, нидо қилса, унга жон фидо бўлсин. Агар поклик ва ниёзмандлик (ёлвориш, дуо-илтижо, қилишлик; мұхтожлик) унга одат бўлса, оммаю хослар уни яхши кўрадилар.

Аzon овози ёмонларни фисқу фужур бурчагидан масжид томон бошлайди, худди афсунгар илонни най чалиб, тешикдан чиқаргани каби. Агар муаззин ялқов бўлса, овози ҳам ёқимсиз, бадани ҳам нопок бўлади ва намоз вақтига риоя қилмайди.

Рухи ибодат лаззатидан бехабар ва овози маркабникидан ҳам хунукроқ. Унинг оғзига таъқиқлаш тупроғини урмок, аъло...

**Рубоий:**

Муқрийки, эрур покрў ва зоҳидваш,  
Алҳони хуш ва ҳусни адоси дилкаш.  
Жон анга фидоки, рух этар андин ғаш,  
Гар бўлса мунунг акси нафас урмаса хуш.

**Шарҳи:**

Муаззин, пок юзли ва зоҳид (зухд-тақволи) бўлса, унинг овози ёқимли ва азони дилкаш. Жон фидо бўлсин шундай кишига! Айтилганларнинг тескариси бўлган киши аzon айтмаса тузук.

### **Йигирма биринчи фасл ҲОФИЗИ ҚУРЬОНЛАР ЗИКРИДА**

Ҳофизи Қуръон уни тажвид билан, талаффуз билан тиловат қилса, бундан эшитувчиларнинг руҳи осойиш топиб, жони ҳаловатда бўлади. Агар чиройли овоз соҳиби бўлса, эшитувчи соҳибҳол (тиловат таъсирида беҳуш бўлувчи) бўлса, унинг иши душвор-мушкулдир. Агар овози ёқимсиз бўлса, унга емиш заарли сурма бўлсин. Агар фосиқ бўлса, унга заарли сурма ҳам ҳайфдир, бўғзига тош тиқилсин. Агар шундай ёқимсиз овоз билан узоқ вақт аzon айтса, оғзи садаф оғзидек бўлсин ва тили савсан тилидек қурисин (савсан – гулсафсар).

**Байт:**

Ё Рабки, ҳеч базмда ул нағма қилмағай,  
Оғзи физодин ўзга нимага очилмағай.

**Шарҳи:**

Ё Раб, оғзи таомдан бошқа нарсага очилмайдиган кишини аzon айтиш, қўшиқ куйлашдан сақла.

## Йигирма иккинчи фасл ҚЎШИҚЧИ ВА ЧОЛҒУВЧИЛАР ЗИКРИДА

Шодлик келтирувчи хонанда, ғамни тарқатувчи со-  
зандага дарду ҳол аҳли (дард – ошиқлик, ҳол – ишқ  
туфайли беҳуд бўлиш) учун жон фидо қиласалар. Улар  
мулойим тарона билан куйласалар, эшитгувчининг нақд  
жони фидо бўлса не ажаб. Кўнгил хуш оҳангдан қувват  
олади. Рух эса хуш овоздан қувват олади. Овози ёқимли  
бўлса, дард аҳлининг ишқ ўти алнга олади, агар ма-  
лоҳатли бўлса, ҳол аҳли ўртасида қиёмат кўтарилади.  
Ҳар созанда дардмандроқ чалса, унинг нағмаси дардли  
юракка қаттиқроқ таъсир қиласади. Гўзал юзли хонанда  
ёқимли овоз билан куйласа, дард аҳлининг кўксидан ту-  
тун чиқиб кетади. Фаҳм-фаросатли созанданинг ижро-  
си тош кўнгилни ҳам эритиб юборади. Ўзи чалиб, ўзи  
куйласа, кўнгил мулкига қўзғолон солади.

Сулук аҳлига (тариқат аҳлига) хавфли бу манзилдан  
инсон зарар ҳам кўради, камолга ҳам етади. Солик бу  
ерда бир ҳалокатли “оҳ” билан мақсадга етади ва бир  
жонни қийновчи наъра билан бору-буди қўлдан кетади.  
Шайх Шиблий ва Нурий рақси самода оламдан ўтдилар  
ва шу йўл тариқи билан манзилга етдилар.

Кўп аҳлулоҳлар арғанун (орган) овозини эшитиб,  
бутхонага кирдилар ва дину ислом бойлигини муғба-  
чаларга (май ташувчи болаларга) бой бердилар. Ким-  
ки майхонада май ичишдан ибо қиласа, найнинг дилкаш  
овози уни расво қилгай. Агар кимки май ичишдан юз  
ўтиrsa, фижжак чўзиқ нолалар билан унга ёлворади. Ва  
танбур пардадаги фитнаси билан ҳалок этади ва офи-  
ят (тинчлик, хотиржамлик) пардасини йиртиб юборади,  
чанг зорланиб бўғзини тортади ва уднинг нағма тили  
билан ёлвориши чангникидан ҳам ортади. У ерда рубоб  
бошини ерга қўйиб, ожизлик билан илтимос қилганда,  
қўбуз қулоқ тутиб, айшга тарғиб оҳангини тузади. Булар  
билан баробар қонун ва чағона (сапойил номли чолғу  
асбоби. 40 сантиметрча чўпнинг ўртасини ёриб, темир

халқалар ўтказиб ясалади) ноласи қулоққа тушади ва ой юзли маҳваш соқий қадаҳларга май қуиб, тавозе билан узатса, у вақтда зухду тақвога эътибор қолмайди ва ақлу ҳуш ихтиёри ўзидан кетади. Агар ишқнинг тариқат аҳлинин расво қилишда бу нарсаларга эҳтиёжи бўлмаса-да, лекин найнинг ели ва май ишқ ўтини ёндиришда ёф ўрнига ўтиб, уни алангалатиб юборади. Араб туси туюбоннинг "Худий" деган қўшиғи таъсирида саҳрова юришини тезлатади. Булут парчасидан момақалдироқ туфайли чақмоқ чиқади.

Инсон мусиқа овозини тинглар экан, паришонҳол бўлиши табиий ва одамнинг бу жон оғатидан қутулиши маҳодир. Аммо хонанда ва созандаларнинг саёқлари, гарчи ғамни тарқатиб, шодлик таратувчи бўлсалар ҳам, пасткаш ва тиланчидирлар. Бу тоифалар зорланиш ва ялинчоқлик қилиб пул топадилар. Агар буюртмачилар томонидан инъом — эҳсон бўлиб турса, хизмат қила-верадилар. Суҳбатда дастурхон тўкин бўлса, ҳар қандай амр-фармонни бажарадилар. Агар базмда майшат оз бўлса, буларнинг нозу фироқи кучаяди. Агар неъмат тамом бўлса, улар ҳам сендан тамом кўнгил узадилар. Улар эҳсонингдан йиллар давомида баҳра олсалар ҳам, ёнингдан танимай ўтиб кетадилар. Оз олсалар — норози, кўп олсалар — қадрига етмайдилар. Аксариятлари фосиқ ва бадфеъл ва қайсар, қўпол бўладилар. Ҳаракатла-ри сўзлари каби тартибсиз ва гаплари ўринсиз нозлари беҳуда каби. Уларнинг табиатида вафо йўқ, вафо аҳли улар олдида қадрсиз ва хор. Вафосиз созанда — ҳаёсиз муттаҳам. Агар йиллар бўйи ҳурмат қилиб, ҳамхона қилсанг ҳам, бир бор унга ҳақ бермасанг, бегонасан.

Булар эркак суратидаги таннозлар ва мулоим кўрин-ган ахлоқсиз уйбузарлардир. Улар қўшиқ айтиб, соз ча-либ, одамларни таловчи йўлтўсарлардир.

Маснавий:

Кишига бўлмасун бу фитна дучор  
Ки, унидин нажоти тайри учор.

Ёнса қўнмоққа табл урар ҳар дам,  
Ким ўшул қушқа кўпрак ўлғай рам.

Шарҳи:

Ҳеч киши бу фитнага дучор бўлмасин, чунки унинг овозидан нажот қуши учиб кетади. Қуш қайтиб қўнмоқчи бўлса, у ноғорасини чалиб, ўша нажот қушини кўпроқ қўрқитади.

### **Йигирма учинчи фасл ҚИССА ТЎҚУВЧИ ВА ҚИССАХОНЛАР ЗИКРИДА**

Қисса тўқувчи – бекорчи ва қисса ўқувчи – бемаъни гапирувчи. Кимки маъжунхўр ёки банги бўлса, кўнглида қиссаҳоннинг оҳангини истайди. Унинг баланд овоз билан чапак чалиши ақл ва тоқат қушларини ҳуркитади. Ҳаракатларидан телбалар феъли намоён, сўзларидан эса маст-аластларнинг шиори англашилади.

Туя қумалогини қанд деб сотади, муҳлислари эса уни сотиб олиб ейдилар.

Байт:

Кишиким бўлмағай маъжуну қондининг харидори,  
Онинг ҳангомаси бирла тузалмас ҳеч бозори.

Шарҳи:

Ҳеч ким унинг маъжуну, қандига харидор бўлмасин, чунки унинг ҳангомаси билан ҳеч қандай бозор қизимайди.

(Маъжун – бир қанча дориворни янчиди, асалга қориштириб тайёрланган, кайф берувчи қуюқ дори.

Банги – наша, қорадори, кўкнори каби кайф берувчи нарсаларга мубтало кимса)

## Йигирма тўртинчи фасл НАСИҲАТ АҲЛИ ВА ВОИЗЛАР ЗИКРИДА

Воиз шундай бўлиши керакки, у "қолаллоҳ", яъни Тангрининг каломидан гапириб, пайғамбар сўзидан ташқари чиқмаслиги, Тангри ва расул йўлига қадам уриши, шу йўлга ўзи кириб, насиҳат билан ўзгаларни ҳам тортиши керак. Чунки ўзи юрмаган йўлга бошқани тортмоқ, мусофирни йўлдан адаштириб, биёбонга ташламоқ ва сахро-да йўқотмоқдур. Ўзи маст бўлиб, одамларни ҳушёрликка чақиради, ўзи уйқучи бўлиб, элни бедорликка чақиради. Уйқусида гапирган ва йсақи бўлур ва унга қулоқ солган тентақдир. Ваъз айтиш муршиди комил ва огоҳлар (Оллоҳнинг дўстлари) ишидур ва уларнинг насиҳатини қабул этган киши мақбул кишидур. Аввал ўзи бир йўлдан бормоғи, кейин элни бошқармоғи керак. Йўлни билмасдан кирган адашади ва мақсадига етолмайди. Воиз шундай бўлиши керакки, унинг мажлисига холи кирган тўлиб, ва тўла бўлиб кирган эса холи бўлиб чиқсин. Воиз олим ва тақводор бўлиши керак, унинг насиҳатига амал қилмаган одам гуноҳкор бўлади. Агар у бошқаларга буюрса-ю, ўзи амал қилмаса, унинг сўзи ҳеч кимга фойда (таъсир) қилмайди. Ёрдамчилар орқали сўз айтгувчи – шогирдини куйлатгувчи хонандадир.

**Қитъа:**

Воизки, дастёrsиз ўлmas сухангузор,  
Анга ёроду, мунга аёлғучи ҳукми бор.  
Тенгри сўzin аёлғучи бўlmай дей олмағай,  
Бир соз бўlsa ҳam керак ул қилғай ихтиёр.

**Шарҳи:**

Агар воиз дастёrsиз сўз айта олмаса, воиз мусиқа асбобию, дастёр мусиқа чолғувчиidir. У Тангрининг сўzinи ҳam дастёrsиз айта олмайди. Яна бир соз бўлишини ҳam ихтиёр қилади.

## Йигирма бешинчи фасл АХЛИ НУЖУМ ЗИКРИДА

Мунажжимлар сайёра ва юлдузларни кузатиб ҳукм чиқарадиган, нүкталарни ҳисоблаб, лоф урадиган фолбинга ўхшайдилар. Унинг жадвали бўлмаган нарса, тақвими нотўғри ўлчангандан устурлоби вожиб ул-ижтиnob (қочиш, узоқлашиш лозим бўлган) буюм ва рифъат ул-қамари (ойнинг юксаклиги) бефойда ва бесамар. Бу (ўлчайдиган) асбобларга асосланиб ҳукм чиқарувчи мунажжимлар Хақнинг қазо ва қадарини унутган қавмлардир. Ўз қўлида бир анор бўлса, айтиб бера олмайдики, ичида нечта парда ва нечта хонаси бор. Ҳар парда ва ҳар хонасида нечта донаси бор. У доналар аччиқми ё чучукми? Уни кесиб еганлар таъми ва хосияти қанақалигини айтиб берганлар. Осмон гунбази, юлдузлар ва уларнинг буржидан афсона айтадилар ва уларнинг шарофатли ёки хосиятсиз эканлиги тўғрисида сафсата сотадилар. Хуллас, уларнинг ўн сўзидан биттаси ҳам рост чиқмайди. Ўз ишларининг қабоҳат эканлигини билмайдилар ё билиб туриб назарга илмайдилар. "Казаб ал-мунажжи-мун" (Мунажжимлар ёлғон айтадилар) мазмуни билан уларнинг сўзи ёлғондур ва ўзи тўғрилик мамлакатидан йироқдадир ва басират кўзига (кўнгил кўзига) фафлат пардаси солингандур.

**Байт:**

Эмас афлоку анжум ҳоли бенафъу заар, лекин  
Ани Тангри билур, эрмас мунажжим билмаги мумкин.

**Шарҳи:**

Юлдузлар ҳолати фойда ёки заардан ҳоли эмас, лекин уни Ҳақ билади, мунажжим билиши мумкин эмас.

## Йигирма олтинчи фасл САВДОГАРЛАР АҲЛИ ЗИКРИДА

Савдогарнинг табиати саёҳатни севади ва дунё аҳволидан хабардор, ажойиботлардан афсона айтади ва нодир ғаройиблардан сўзлайди. У тогу тошлар ва сахро қўмлари устида түя сурган, дengиз тўлқинлари ва сув тошқинларидан фойда ва зарар кўрган.

Ҳалол ризқ талабида узоқ масофаларни босиб ўтган. Кўринишидан осуда ҳаёт кечираётгандек туолса-да, ичидаги паришонликлар унга етарлидир. Савдогарнинг бошида бирни юз қиласман деган савдо, бўзни шойига айлантираман деган истак бор.

Савдогар фақат фойдани ўйламаслиги ва бу фойда учун қаттиқ қайфурмаслиги керак. Савдо учун дengизга кема сурмаслиги ва дур учун наҳангнинг комига ўзини урмаслиги керак. Пул ва бойлик орттираман деб шу бойлик менинг обрўйим демаслиги, хизматкор ва гумашталарни ўз обрўсини ошириш сабаби деб билмаслиги, нафис матоларни ўзига ҳам раво кўрмай, оддий чопон киймаслиги, лаззатли таомларни ўзидан ҳам қизғониб, қаттиқ нон емаслиги керак. Унинг тортган машаққати ҳаётининг яхши ўтиши учун хизмат қилиши керак. Қанийди, сафардан муроди азизларнинг сухбатига етишиш бўлса. Унинг саховати туфайли бева-бечоралар ҳам баҳра топса ва улар ҳам муродига етса. Шариат буюрган закот бўйнида қолмаса. Фақирларнинг ҳаққига хиёнат қилмаса ва уларнинг молларини азиз тутиб, ўзларини хор қилмаса. Савдогар лозим бўлган эҳсонларни бермай, ўз обрўсини тўқмаслиги ва топган бойлигини меросхўрлари совуриши учун сақлаб қўймаслиги керак. Ё молини бирор ножӯя ҳодиса чиқариш учун жамғармасин. Акс ҳолда бундай киши хожа эмас, мардикордур. Ўзининг холислиги ва пасткашлигидан ҳамиша азобда бўлади.

**Байт:**

Мундок кишида йўқ хирад ва ҳушдин нишон,  
Билгил гадо, агарчи, эрур Хожаи Жаҳон.

**Шарҳи:**

Бундай кишида ақлу ҳушдан нишона йўқ,  
Агар Хожаи Жаҳон (Жаҳонни эргаштирувчи) бўлса  
ҳам, уни гадо деб билгил.

### **Йигирма еттинчи фасл** **ШАҲАРДА ОЛИБ СОТАРЛАР ЗИКРИДА**

Шаҳар савдогари хиёнатчи, ўз фойдасини кўзлаб, мусулмонларга қаҳатчилик тилайди. Элнинг зарари – унинг фойдаси, енгил олиб, оғир қилиб сотмоқ – мақсади. У олишда шойини бўз дейди, сотишда бўзни шойи дейди. Шолни тўрқа (канопдан тўқилган мато) ўрнида ўтказишда сустлик қилмайди, бўйрани зарбафт ўрнида сотишда ўйлаб ўтиrmайди. Дўконида инсофдан бўлак ҳамма нарса бор, ўз айбига иқрор бўлишиликдан бўлак, ноинсофликнинг барча тури топилади. Мусофир савдогар унга бамисоли хотин, балки бирини аскар, бирини хотини деса бўлади. Бозор олиб сотарга фойдалию, харидорга нуқсонли молга тўла. Олиб сотар ҳар икки томондан ёлғон онт ичган даллодdir.

**Байт:**

Бу хайл одам эмаслар, яхши боқ сан,  
Эрур судинг алардин гар йироқсан.

**Шарҳи:**

Яхшилаб қарасанг, бу тоифадагилар одам эмаслар, улардан қанча йироқ бўлсанг, ўзингга фойда.

## **Йигирма саккизинчи фасл БОЗОР КОСИБЛАРИ ЗИКРИДА**

Бозордаги савдогар косиблар – Тангрига хиёнатчи ва ваъдасига вафо қилмовчиdir. Улар бир пуллик нарсани юз баробарига сотиб, мақтанадилар. Минг сўмлик молни юз сўмга олишдан заррача уялмайдилар. Чунки тўғрилик билан савдо қилиш улар учун зарар келтиради, ваъдага вафо қилиш улар учун бадкирдорликdir. Улар савдо ишида охиратни унутадилар, адолат ва инсоф тарозисини тан олмайдилар. Буларнинг ҳунари ўғил отани алдаш, фикру ўйлари қўполликларини кироман котибайндан (елкадаги икки фариштадан) яширмоқликdir.

**Байт:**

Булардин кимки дер ўзни валийдур,  
Агар билсанг яқин, бир доғулийдур.

**Шарҳи:**

Булардан қайси бири ўзини авлиё деса, агар анигини билсанг, билки бир доғули (алдамчи, фирибгар, айёр) ёлғончидир.

## **Йигирма тўққизинчи фасл САЙЁР ҲУНАРМАНД ВА САНЪАТКОР УСТАЛАР ЗИКРИДА**

Ҳунарманд ва санъаткор усталарнинг ёлғон гаплари кўп, чинлари оздир. Қилган ишларида дағаллик ҳаддан зиёда, ваъдалари эса гумон ва хаёл қилингандан ҳам ортиқроқ бетайиндир. Эр кишига юқори фазилат бўлган рост сўзламоқ – булар наздида катта айбdir.

Халойиқقا катта айб бўлган ёлғон улар наздида – улкан, бебаҳо ҳунар.

**Маснавий:**

Тонгдин оқшомға ишда санъатсоз,

Хунар атворида фусунпардоз,

Айлабон бу тарийқни варзиш

Ки, бирөвга югурттайлар иш.

Гар муаддий ғаний, йўқ эрса фақир,

Анга бози берурда йўқ тақсир.

**Шарҳи:**

Эртадан кечгача ишда санъатсозлик қиласидилар, ҳунар ишлатишда найрангдан пардоз берадилар. Шундай йўлни ҳунар қилиб олиб, бирөвнинг ишини юритадилар. Буюртмачи хоҳ бой бўлсин, хоҳ фақир уни алдашда сустлик қилмайдилар.

### **Ўттизинчи фасл МИРШАБЛАР, ЗИНДОНИЙЛАР ВА ҚОРОВУЛЛАР ЗИКРИДА**

Шаҳар ҳокими, миршаб ва қоровул ўғри ва каллакесарларнинг ҳимоячиси ва халоскоридир. Зиндондагилар гўёки дўзахга ташланганлар, зиндон посбонлари эса гўё азоб фаришталариidlар. Гуноҳкорлар занжирбанд қитлинган бўлиб, уларнинг оёқларида кишан, бўйинларида фул (темир ҳалқа). Бу кишан ва ҳалқалар дўзах занжирлари ва ғулларини эслатади. Миршаблар бозор ва қиморхоналардаги киссабурлардан чўтал оладилар. Зиндон чоҳи ўғриларнинг кўнглидек қоронғидир. У ердаги жиноятчиларнинг паришон кўнгиллари ҳамиша хавотирда.

Гуноҳкорга у ерда умиддан кўра қўрқинч кўпроқ ва бадкирдорга қайсарлик қилишдан кўра таслим бўлмоғи яхшироқ.

Ҳар гал у ердан бирөвни тортиб чиқарганларида, қолганлар қўрқувдан беҳуш йиқиладилар. Омон қайтиб келганларнинг келтирган хабарлари даҳшатли ва ташвишли. Бири “дорга осилаётганда яхши турди”, – деса, бошқаси “Бўйинни чопаётганда яхши ўтирди”, – дейди.

Бири қатл қилинганинг мардигидан таъсирланган, бири эса қатл этилганинг ўлими олдидан рубой ўқиганидан ҳайратда. Бундай даҳшатли воқеалар беадад ва бу каби ажабтур өзгеше ҳаралар беҳисоб. Амалга ҳирс қўйган миршаб гуноҳкорни тутишга ҳаракат қилади, аммо истаги ҳосил бўлгач, унинг қутулмоғи учун дуо қилади. Дунёда бу жой қиёматга ўхшайди ва маҳшаргоҳдан бир кўриниш саналади. Шаҳар зиндонидаги занжирбанд гуноҳкорлар худди ғам уйида ётган ошиқларни эслатади.

Тангри барчани бу жойларда тутқун бўлишдан асрасин ва бу манзилга тушиб қолишдан йироқ тутсин.

#### Байт:

Бир манзил эрур анда басе ранжу уқубат,  
Тушган кишига анда ўкуш дарду суубат,  
Вале ул ҳарам ичра бўлғонға хос,  
Умид улки ҳам Тенгри бергай халос.

#### Шарҳи:

Бу манзил ранжу азоб жойидир, унга тушган киши кўп азобу уқубатда қолади. Кимгаки ундей жойга тушишга тўғри келса, умид шулки, Тангри халоскори бўлсин.

### Ўттиз биринчи фасл ДЕҲҚОНЧИЛИК ЗИКРИДА

Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар (ерга дон сочувчи деҳқон ерни ҳайдаш билан ризқ йўлини очади). Агар тўғри ва ҳалол бўлса, унинг ҳўкизи Солих алайҳиссаломнинг туясидек номдор бўлади. Кўш ҳўкизи икки паҳлавон каби бўйсуниб, олдида равон юради. Иш қилмоқлиқда деҳқонга ҳамдам ва ҳамқадам бўлади. Деҳқон уларни худди Одам алайҳиссаломдек ишлатади. Олам ободлиги деҳқонлар туфайли, олам ҳалқи шодлиги ҳам улар туфайлидир. Деҳқон ерга қилган ҳаракати билан элга озиқ-овқат ва баракат келтиради. Деҳқон ҳалоллик билан дон сочса, Тангри бирига етти юзни бе-

ради. Сочган дони кўкарғунча, уни ўриб, хирмон қилиб ҳосил кўтарғунча, қурту қушлар ундан баҳраманд, дашт ваҳшийлари эса бундан хурсанд бўладилар.

Чумолилар уйи ундан обод, ёввойи эшаклар бундан шод. Кабутарлар мастилигию тўрғайларнинг шўх навоси ҳам шундан. Ўроқчининг тирикчилиги ҳам шундан. Бошоқчининг кўзи тўқлиги ҳосил бўлади, сомончи ҳам мақсадига етади. Гадойлар у билан тўқ, хонадон эса маъмур.

Мусофирга таом шундан, қўни-қўшнилар ҳам баҳраманд. Новвойнинг тандири у билан иссиқ, унфурушнинг бозори у билан қизиқ. Фуқаронинг ризқ-рўзи, фарибларнинг куч-қуввати дон биландир. Уни еган зоҳид ҳузур билан ибодат қиласди.

У билан тўйиб олган обид қаноатлилиги билан лофтуради. Дон туфайли гадойнинг халтаси нонга тўла. Шоҳнинг хазинаси эса дон туфайли инжу ва олтинга тўла.

Деҳқон дон сепганида шунча ҳикмат бор. Бундан ортигини таърифлаш маҳолдир. Унинг боғи жаннатни эслатади, полизидан рух озиқланади. Дарахтининг ҳар бири кўк осмонидек улкан, у дарахтнинг мевалари юлдуз ва юлдузчалардек.

Фақирларнинг сирка ва шинниси ўша мевалардан. Бойларнинг шароби ва газаги ҳам шу мевалардан.

Турли-туман мевалар етилгач, боғда гўзаллик ва тартиб сезилади. Бундай кишилар баҳилликдан йироқ бўлиши керак. Шоҳнинг солигини тўлашдан бош тортмаса, ўз шеригига жафо қимаса, шунда у сочган дон дурри саодат беради, сепган уруфи эвазига мева эмас, юлдуз теради.

Бундай деҳқон Одам Ато фарзанди, ундан ризқ еганлар эса шу деҳқоннинг фарзандиу, унинг ўзи Одам Атодир.

Китъа:

Кимки деҳқонлиғ айлади пеша,

Даги нон бермак ўлди анга шиор.

Бўйла кимса улувви рифъатдин,  
Одам ўлмаса одамий худ бор.

Шарҳи:

Кимки дехқончиликни касб қилса, унинг иши нон улашмоқ бўлади.

Бундай кишининг даражаси юксаклиги Одам Аточа бўлмаса ҳам ҳақиқий одамлиги бор.

### Ўттиз иккинчи фасл **БЕЗОРИ ВА РАЗИЛЛАР ЗИКРИДА**

Безори ва разилларнинг туриш-турмушлари мусулмонларники каби эмас.

Уларнинг табиатида инсонийликдан асар йўқ, ҳайвонлик ва ваҳшийлик – уларнинг шиори. Безорининг иши – пичоқ урмок, ўзи – телба ит, пичоқ у итнинг тишидир. Соғ пайтида қутурган ит, мастилигида эса ундан юзлаб итлар қочади.

Панжалари дашт йиртқичининг чангали каби ажал ништари, ўлар вақтида имон калимасининг ўрнига рубоий ўқиёди, у яхшини ҳам, ёмонни ҳам сўқади.

Чаён каби ҳар нарсага ниш уради. Ундейларда на ақл ва на дин бор, на ҳаё ва на чидам бор. Ишларида ишончсизлик ва нопоклик бор, одатлари эса bemуруватлик ва бебошлиқдир.

Шаҳардаги бу разиллар ер юзи ҳашарот-газандалари бўлиб, улардан ҳазар қилмоқ вожиб, балки фарздир.

Байт:

Халойиққа ийзо оларға сифат,  
Набий дедиким: "Уқтул ул-муъзиёт".

Шарҳи:

Уларнинг иши халойиққа озор беришдир, Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: "Азият берувчиларни ўлдиринг".

## Ўттиз учинчи фасл ФАРИБ ВА БЕЧОРАЛАР ЗИКРИДА

Жут (ҳинду қабиласи) ва лўлиларнинг ҳаракати кулгили ва усуллари тўғридир. Уларнинг думалаб айланишларида хоксорлик бор, бошларини эгиб туришларида лоқайдлик бор. Эшаклари устига тезак ортилган бўлса ҳам, ўзлари мағур, инсонийликларининг даражаси маймун кабидир. Инсонийликдан сакраб қочадилар, яхшилик ўрнига масҳараబозлик қилиб, ўз юзларига маломат эшигини очадилар. Бугун топғанларини еб, эртанинг ғамини емайдилар. Тиланганида уларга ҳеч нима бермаган кишилардан шикоят қилмайдилар. Ватан ва масканлари – хорлиқ вайронаси, манзил ва бошпаналари – хоксорлик кошонаси. Тонг отгач, эркагу хотини тириклиқ истаб, тарқаб кетадилар. Ўғил-қизлари кўча-кўйда изғиб юрадилар. Ҳар қайсиси топганини олиб келиб, оқшомда барчалари йиғилиб, топғанлари тугамагунча уйқулари келмайди.

“Эртага нима еймиз?”, деган сўзни билмайдилар. Эртасига қиладиган ишлари худди кечагидек. Бу ҳам тириклиқнинг бир йўли, агар кишининг қўлидан келса. Аммо бундай хорлик инсон такаббурлигидан яхшироқдир ва бундай адашмоқлик инсон мақтанчоқлигидан яхшироқдир.

**Байт:**

Киши агар киши ўлса, ўзин киши демагай,  
Қилурда ҳеч ишини ҳам, киши иши демагай.

**Шарҳи:**

Агар инсон чин инсон бўлса, ўзини инсон демасин, иложсиз ишни бажарса-да, мушкул ишни қилдим, демасин.

**Ўттиз тўртинчи фасл**  
**ОЖИЗ (ШИЛҚИМ) – НОТАВОН ГАДОЛАР**  
**ЗИКРИДА**

Тиланчи ва гадоларнинг кўпчилиги беғайрат ва беҳаёдир. Кундузи уйма-уй кезмоқлари шилқимлик билан халқдан бир нима ундиromoқ ва кечалари келиб ўғирламоқ учун халқ молига кўз солмоқдир. На олган неъматларига шукр қиласидар, на инъом олиб, саховат қилувчига миннатдорлик билдирадилар. Еганлари билан очкўзлардек меъдалари тўймайди, тилаган билан чанқоқ касалидек ҳеч чанқоқлари босилмайди. Қовоқ ва качкул (қовоқ идиш)лари бангилар хаёлидек тўла ва хилма-хил.

Тўрвалари эса риёкор сўфийлар кўнглидек нарсаларга мўл. Гадойнинг туғиб қўйган ақласини ювғувчидан бўлак киши очмоғи маҳол. Кўмган нарсаларини тупроқдан бошқа нарса емоғи маҳол. Кўзлари ҳирс сўзидағи "сад" ва таъманинг "аъян"и каби ва бу ҳирс ҳамда таъмадан кўнгилларида ваҳима бор<sup>1</sup>. Булар орасида ўзига "қаландар" деб от қўйган малъун, одамийлиқдан маҳрум, дев ва шайтонлардан баттарлари ҳам бор. Улар инсонийлик ва мусулмонлиқдан узоқ, одамийлиқда булардан тўнғиз ва айик яхшироқ. Уларнинг ўз шаклини ўзгартириб туриши одамийлиқдан йироқлигини, пўстинини тескари кийиб олишлари йиртқич ҳайвонларга яқинлашганини билдиради. Гадойларнинг барча тури катта-кичикка хавф туғдиради, бузуқ хаёлдек соғ кўнгилларга ташвиш келтиради.

Шеър:

Бермак бўлмас аларға инсон ҳукми,  
Ё одаму мўъмину мусулмон ҳукми.  
Фосид ахлотигаки вожибдур дафъ,  
Бўлғайму киши берай деса жон ҳукми.

<sup>1</sup> Бу ерда Ҳазрат Навоий сўз ўйини ишлатганлар: "ҳирс" сўзи охиридаги "сад" ҳарфи ёзилганда, бош қисми кўз шаклига ўхшайди. "Тамаъ" сўзи охиридаги "ъайн" – "кўз" деган маънони ҳам билдиради.

## Шарҳи:

Уларни инсон зотидан деб бўлмайди. Ёки мўъмин, мусулмон одам деб бўлмайди. Фосиднинг ахлатларини дафъ қилмоқ вожибдир, чунки буларни тирик жон ўрнида санаб бўлмайди.

## Ўттиз бешинчи фасл ҚУШЧИ ВА ОВЧИЛАР ЗИКРИДА

Қушчи овчиларга раҳбардир ва бу жамоат унга қарамдир. Шу боис унинг фармонига бўйсунади. Қўлидаги қуш эса кечаю кундуз машаққатда. Кечаси уйқуси ҳаром ва меҳнатдан ҳеч ороми йўқ. У ўз нафси учун бир гуноҳсиз махлуқнинг оёғига банд солади ва унинг кечалари азобланишидан хурсанд бўлади. Амал ишини таъма игнасидан ўтказиб, у тилсиз махлуқнинг кўрар кўзини ҳам тикиб қўяди. Мақсади у қушни ҳам овчи қилиб, ўзга жонзотларга жаллод қилмоқдир. Қушчи овчи кундузи дашту водийларда чопиб, бир неча ожизни юз макр билан алдаб, қушини уларга солади ва шу йўл билан у бечорани овлайди.

Ушлатган қушининг тепасида ўтириб олиб, сўймасдан илгари қанотини кесиб, қўлтигини ёради. Бундан ўша қотил қушчининг қорнини тўйдиради. Бундай қушларнинг бир нечтасининг қонини тўкиб, қанотини кесиб, қўлтигини ёриб, қанжирғага (тасма) боғлаб, уйига қайтади ва ўзи билан қуши қилган ишлардан қувонади. Шум нафсини қондириш учун бир-икки қадаҳ, кўтариб, ўлжасини кабоб қилиб ейди. Қолган бир нечтасини эртаси куни бегига элтиб беради. Шунинг учунки, бекнинг илтифотидан унинг кўнглида таъма бор. Ўзининг қуши таърифида айтган гаплари барчаси ёлғон, ўзини мақтаб айтганлари ҳам фирт ёлғон.

Шунча ёмонликларга сабаб бўлган хоҳ меҳнати бўлсин, хоҳ томошаси, хоҳ кабоби ва хоҳ бек инъоми бўлсин, барчаси нафс туфайлидир.

Маснавий:

Булар боиси барча нафсоният  
Ки, анда эмас дохил инсоният.  
Күнолға олиб, қайда құнса дирам.  
От арпаси ҳам, қушиға тұйма ҳам.

Шархи:

Буларнинг барчаси нафсониятдандир, уларни инсон қаторига құшиб бўлмайди. Қаерда қўноқ бўлиб ётиб қолса, пул ҳам, отига арпа ҳам, қушига озуқа ҳам ўша ердан олинади.

### Ўттиз олтинчи фасл

## ТАРБИЯТ ТОПИБ, ҲАРОМНАМАКЛИК (КЎРНАМАКЛИК) ҚИЛГАН НАВКАРЛАР ЗИКРИДА

Навкар ўз валинеъматидан эътибор кўрса, бек ва маҳдум (устоз, мударрис) идан тарбият ва иноят кўради, ҳақиқий эркаклик ва инсонийлик шуки, кўрган яхшиликлари эвазига нафақат қуллуқ ва хизматкорлик қилгай, балки ҳамжиҳатлик ва жонни фидо ҳам қилгай ва хоҳлагайким, унга жон фидо қилиб, кўрган яхшиликларининг ҳаққини адо қилгай. Ҳамиятли (ор-номусли, вијжонли, инсофли) киши хўжайини бошқа бирорга илтифот қилса, ундан шикоят қилмайди ва гина-кудурат билан гапни кўпайтириб куфрони неъмат қилмайди. Бу ишлар ҳақиқатини тушунмаслик натижаси можарога олиб бориб, бу одамийсизлик туфайли қочмоққа, охири душман эшигига боришга мажбур бўлади. Ўзини бирорга қул қилиб сотган киши югурдакдир, балки ундан ҳам пастдир. У хўб тарбият кўрган бўлсада, ўхшовсиз лоф уриб, норози бўлади. Эр киши бир ердан бошқа ерга қочса, номардлик тупроғини ўз бошидан сочибди. Бундай киши эрлик сонидан йироқдир ва йигитлик доирасидан ташқаридаидир. Зийрак, ҳушёр ҳоким олдида бундай кишилар эранлар (улуглар –

А.Т.) ишин қила олармиди? Мабодо, эранлардан гунох, содир бўлиб қолса, айби бўйнига қўйилгандан кейин, қизил юзлик қилмоқ учун унинг бўйнига тиф урадилар. Аммо унинг юзи қизиллигига сабаб, упа-эликдир ва юзи оқлигига сабаб, оқ упадир. Қари муханнас (хунаса) унинг холазодасидир. Ўзига ўхшаган қари муханнаслар уни пардоз қиладилар ва бу "келин" зебу зийнатида сеҳр кўргузгайлар ва қошини териб, ўсма қўядилар. Соқолини қирқиб, икки қулоғи ёнига гажак қилгайлар. Аммо икки юзига ўнг ва чап тарафига икки хол қўядилар.

(Бу маломатлар валинеъматига хоинлик қилган навкарларга). Салласининг печини бошига рўмол қилгайларки, гўё мастура (ўранган, беркитилган) келинга ўхшайди, лекин ўзи номастурадир. Ва кашта тикилган нафис қийиқни бошига ёпгайлар ва бу янглиф орастা қилганларидан кейин шохдор ҳўкизга тескари миндириб, шаҳар кўчаларида сазойи қиладилар. Томоша қилган одамлар таъна билан "Оламнинг тўрут иқлимига сипоҳгарлик қилиш – мол ҳайдашлиқдир", – деб киноя била фарёд қиладилар. Агар юзи қоралик уят бўлмаганида ва тили қоралик – ёлғончилик, алдамчилик, сотқинлик қилмаганларида, бўлмагандан, яъни мунофиқлик қилмаганларида эди, ҳозир улар айшу ишрат базмини қурган бўлур эдилар. Лекин бундай юзи қоранинг беобрўлиги, халқ уни янада ёмонлашни илтимос қилса-да, шунинг ўзи улар учун етарлидир.

Байт:

Бу навъ масхаралиқ элга бас дуур ҳайрат  
Ки, ўлғай эшитибон кимга бор эса ғайрат.

Шарҳи:

Кимда ғайрат бўлса, бундай масхарабозликни эшитиб, ҳайратга тушади.

## Ўттиз еттинчи фасл УЙЛАНИШ СИФАТИ ВА ХОТИНЛАР ЗИКРИДА

Кадхудолик (оила бошлиғи) бўлиш қутулиб бўлмайдиган балога мубтало бўлмоқдир. Бу давосиз мاشаққатга ва иложсиз қийинчиликка гирифтор бўлмоқдир. Уйланиш бошдан-оёқ алам ва озордур, аммо унинг кайфијатида тафовутлар ҳам бордир. Агар келин яхши бўлса, барча ҳолатларда сенга ҳамдам бўлади. Уйнинг осойишталиги ҳам, хонадон орасталиги ҳам ундандир. Чиройли бўлса, кўнгилга ёқимлидир ва солиҳа бўлса, жонга ёқимлидир. Оқила бўлса, рўзғорда интизом бўлади, уй анжомлари тартибда ва саранжом бўлади. Бу навъ жуфт кишига қовушса, иқболли хотин қўлга тушса, у яширин ғамингта шериқдир ва пинҳон дарду мешаққатингта ҳар қандай жафо тушса ҳам дардкашингдир. У кажрафтор фалақдан бошингта ҳар бало келса, кўмақдошинг бўлади. Кўнглингта ғам тушса, у ҳам ғам чекади, баданингга заифлик этишса, унинг ҳам жони ҳалак бўлади.

Агар ҳусну жамоли ўртача бўлса, унинг ҳамфикрлиги риштаси мухолифатга (тескари, зид) айланмаслиги учун эҳтиётлик ва умид-ла, у билан яшаш керак ва шунда ҳикмат ва кўмак билан тириклик – ҳаёт ўтади.

Уйланган кишининг баъзи қийинчиликлари осонлик билан битади. Аммо қийинчиликлар осонлик билан битаверса, уларнинг ташвиши ҳам чиқаверади. Бундай ҳолда, ташвишларни бартараф этишда сабр қилса ва ҳар хил воқеаларга парво қилмаса, турмуш тинч-осойишта кечади. Лекин хотин шармсиз бўлса, кўнгил ранжийди. Хотин ёмон, қабих ишлар қилувчи бўлса, ундан рух азоб чекади, тили аччиқ бўлса, кишилар кўнглини яралайди.

Ёмон ишларни қилса, эрига юзқоралик келтиради. Худо сақласинки, муросасиз жуфтлик хонадонга ҳало-кат келтиради.

Майхўр бўлса, уй ҳароб бўлади, ахлоқсиз бўлса, оиласага расвонлик келтиради.

Юқорида зикр этилган яхши хотин юз йилда бир

туғилади, юз минг кишидан битта чиқади.

Кимга шундай хотин йўлиқса, унинг тожига безак бўлсин ва бу саодат унга муборак бўлсин.

Аммо бундай тоифани Тангри таоло ноқис (кам, камёб) яратиб, зотларидан ростлигу камолотини аритибдур. Феълларини ёқимсиз ва кўп эранларни (улув зотларни; авлиёларни) улар олдида соқов ва ҳаммол қилибдур.

Касблари – фитна ва макр, афсун ва найранг эса уларнинг ниятидир. Тангри таоло берган неъматларга норози бўлади ва халқ томонидан берилган яхшиликларга кўрнамаклик қиласи.

Уларнинг динлари – қироат қилмаслик, ноинсофлик – қоидалари.

Ақлсизлигидан динида нуқсон бор, динлари йўқлиги учун ақллари барбод бўлган.

Либосларида нафсининг ифлослигидан нопоклик, кийимларидан зотининг нопоклиги билиниб турди. Ҳушёрлари жаҳолат майидан маст, мастрлари эса майпаст ва маъшуқапараст.

Кўзлари нуқул кишиларнинг айбини кўради, ҳунарлари – айб қилиш. Макру фирибда сехргар. Бегуноҳларни гийбат билан ўлимгача олиб борадилар ва begunoҳlарга ёлғондан тухматни ростга ўхшатиб юборадилар. Ҳақликларини даъво қилишлари таъсири, ботилдан қайтмоқлари мушкулдир. Тезлик билан юз қизартирмоқ уларга зийнатдир, сўз асносида юзига қора тиламаклик – уларнинг одати. Парисурат шахзода қарияга зулму бедод қиласи, қоп-қора занги ўйнашларига эса муҳаббат изҳор қиласидар. Парда ортида ўтиromoқлари – ҳийлагарлик, ясаниб отланмоқлари эса сатангликдир. Ҳийлалари ўргимчак тўридан пардапўш қилишдир ва кишига шундай пардадор керакки, у эски мешга ғоза (упа) суртгай ва қалтирайдиган бошга жига санчгай, аълоси шулки, тақдир бундай бошни ажал тоши билан янчгай.

Бу тоифадаги қари бир югурдакки, у ясанишга мойил ва арпа ҳам ея олмайдиган эшакдурки, шу ҳолида

нақшинкор тош ва жигага талабгордир. Бундай хотинларнинг эрлари уларнинг юк тортадиган эшакларидур ва ожиз, қурумсоқ қулларири, балки югурдакларидир. Бундайларнинг тавофтлари эса беҳисобдир. Бу тавофт уч қисмдур: бири авомдур (оддий халқ), бири хослардур, бири хосларнинг хосидур. Авомлари ҳайвонсифат ва йиртқичсифат; еб-ичиб ухласа, шунга хурсанд бўлади. Тоатлари – ясан-тусан, ибодатлари зийнатларини намойиш қилиш. Шиорлари – исломдан ғафлат ва мақсадлари фисқ-фасод билан шухрат қозониш. Хусусиятлари – иблислик ва девлик, одатлари – макр ва кудурат. Ўй-фикрлари – алдов ва маккорлик, тақволари – ситаму ғаддорлик. Ситаму жафо қилишда дев улар олдида занжирбанд, фасоду ҳийлада шайтон улар олдида соддалик қилади. Қариндошлар орасини бузмоқ улар учун гўё масжид қуришдек, ноҳақ қон тўкиш эса ўликни тирилтиришдек яхши ишдир.

Ишлари – юз яхшиликка минг ёмонлик, асал келтирганга найза урмоқ. Сабаби шуки, уларнинг иффат ва салоҳ (яхшилик, тузуклик) уйлари бузук, тинчлигу тақво уйлари вайрон бўлган. Уларнинг макри тўғрисида кўп олим ва донишманлар кўп жилдли китоблар ёзибдурлар. Ва ҳанузгача улар олдида ўзларини ожиз, деб биладилар. Шундай экан, бу бир неча паришон сўзлар билан уларнинг таъриф ва сифатларини тўла ёзиш имконсиздир.

Аммо хоссал-хослар буларнинг бутунлай аксиidlар. Улар ҳақшуносдирлар, тилларида ҳам Ҳақ, кўнгилларида ҳам Ҳақ зикри. Ислом уламолари улардан фойда умид қиладилар. Авлиёлар уларнинг нафасидан фойда оладилар. Пайғамбарлар ва авлиёлар уларни мақтаганлар. Муқарраб (яқин) фаришталар уларни мақтаганлар. Иффат ипларидан бошларида ёпинчиқ ва исмат (гуноҳсизлик, поклик, маъсумлик) пардасидан юзларида ҳижоб, шу ҳижобни уларнинг юзларидан Ҳақ таоло йироқ қилмасин ва зарарли шамол туфайли бу ҳижоб у юздан тушмасин.

## Ўттиз саккизинчи фасл РИЁКОР ШАЙХЛАР ЗИКРИДА

Риёкор шайх ўзини чиройли кўрсатишга уринади. Ўзи мис бўла туриб, олтинлик даъвосини қилади. Унинг ташқариси ёқимли бўлса, ичкариси ёқимсиздир. Сурати дарвешдек, лекин ичи тўла ёмонлик. Орасталиги – ёлғон, каромати эса ҳийладан иборатдир. Салласи – риёнинг юки, бошидаги ҳар бир тукда фосид хаёл бор.

Эгнидаги ямоқли тўни ранг-баранг товланиб туради. Ридоси (ридо – шайхлар, дарвешлар елкасига ёпиб ёки ташлаб юрадиган чойшаб каби нарса; дарвешларнинг устки қисми) – айбининг ёпинчиғи ва унинг ҳар бир ипини риё чархи билан йигирган. Мисвоки – таъма тишини чархлайдиган этов, тарофининг филофида эса кишиларни масхаралаш асбоби яширинган. Кўзбўяма-чилик билан тасбех ўгиради, намозни узун ўқишидан мақсад – элга тақводор бўлиб кўриниш. Кулоҳи салла учун пардоз ва салласининг узун печи – тулки думидан нишона. Бемаҳал қичқириғи ёқимсиз, худди бевақт қичқирган хўрозда кабидир. Фоғиллик билан ўқиган дуолари – шовқин-сурон, худди мастрлар базмидаги каби таралла-ялло.

Барча айтганлари – ҳийла-найранг, барча ҳаракатларида ғараз бор, тушларининг барчаси – уйдирма, уй-ғоқлиқда деганлари барчаси ёлғондир. Само рақси (дарвешлар зикр пайтида тушадиган ўйин) усулдан ташқари бўлса, шавқи завқ жазаваси таъсиридан ташқаридир. Ташқи кўринищда шунчалик дабдабали, лекин маънавиятида тамоман бўшлиқ. Бу нокас зотнинг бундай ҳаракатларидан мақсад – ўзини пок кишилардек қилиб кўрсатиш. Ҳайхот-хайҳот, уят, юз минг уят. Қизифи шуки, бу ярамастга қўл бериб, эргашганлар ҳам бор. Улар бунинг хизматида муҳлису беқарор бўлиб юришади. Бу риёкор ўз дўконини тадбир билан юритади. Ёлғондакам йифин уюштиради. Бунинг ишларидан шайтон ҳайратда, ҳаттоки, лаънати девлар ҳам нафратда.

Назм:

Фақр исми бирла мунча зарқу шайду бу риё,  
Салтанатдекдурки, қилғай подшоҳи бўрё,  
Бу агар дарвеш ўзин қилса гумон, ул подшо,  
Йўқ ажаб, иккисида йўқ турур ақлу ҳаё.

Шарҳи:

Фақирлик номи билан бунча макру майрангу риё қилгани ҳолда, у бўйранинг устида салтанат сурган подшоҳга ўхшайди. Буниси ўзини дарвеш деса, униси ўзини шоҳ деса, бунинг ҳеч қандай ажабланадиган ери йўқ, чунки ҳар иккисида ҳам ақл ва ҳаё йўқ.

### Ўттиз тўққизинчи фасл ХАРОБОТ АҲЛИ ЗИКРИДА

Харобот риндларининг вақти майхонада май ичмак билан ўтади, фикру хаёлида доим май ҳаваси, унинг бош қўяр жойи эса май қадаҳининг оғзи. У майхона-нинг қайси бурчагида базм кўрса, май ташиш баҳонаси билан ўзини ўша ерга уради. Майпараст ўз бошидан ор-номус салласини ечиб олиб, бир қултум май учун майфурушнинг оёғи остига солади. У майхона туфайли уй-жойидан ажрайди. Майхўрликка берилганлиги учун бош-оёғи юпундир. У ҳар бир май қуювчидан қадаҳ олса, ўзини Жамшиддан ҳам шавкатли ва баҳтлироқ сезади. У муғбачалар (май ташувчи) ҳуснига бутпарастдек сажда қиласи. Майхоначининг оёғига тупроқдек бош қўяди. Унинг ёқаси майпараст шўхлар қўлидан чок, яъни, йиртилган, кўнгли эса улар ишқининг тифи билан тилинган. Унинг майхонадаги иши – май тилаш, қўлида эса майхонанинг синиқ сафоли. Оёғи расволик кўчасида, боши яланг, бадмастларнинг муштларидан боши яра-чақа, қошу қабоги ҳам. Ўз вужудини ўзи ерга қориштиради. Мажлислар-

да энг қуиидан жой олади. Агар нафслари тупроқ билан тенг бўлса-да, лекин ҳимматлари олдида баланд осмон пастдек. Замон қайгуларидан кўнгли осуда, фалак ташвишларидан хотири амалсиз. На ҳаётдан, на ўлимдан қўрқади, ҳиммати олдида бору йўқ бирдай. Май идишидаги майдек аччиқ-аччиқ йиғлашдан унга шодлик юзланади. Қадаҳга қуилган майдек тубанга тушишдан хурсанд бўлади.

Майхонада бир дам ҳушёр турмайди, дунёning яхши-ёмонлигига кўз солмайди. Айтиш мумкинки, оламда бундай беғам киши йўқ. Майпараст, балки дунё зўравонлари зулмидан, шундай кун кечиришга ҳақлидир. Агар шундай бўлса, у Ҳақнинг афв ва марҳаматига лойикдир. Вужуди майхона тупроғида фоний. Умиди – Ҳақнинг карамидан абадий ҳаёт саодати. Ринд ва гадолар етишган давлат ва саодатга шоҳлар орзу ва ҳасрат билан қарайдилар.

### Рубоий:

Риндеки, фано жомини тортар пайваст,  
Дунё била охиратқа эрмас побаст.  
Ҳақ раҳмати умиди била тун-кун маст,  
Кўп ортуқроқки, зоҳиди зарқпараст.

### Шарҳи:

Йўқлик жомини пайдар-пай кўтартган риндинг дунё билан охиратта майли, қизиқиши йўқ. Чунки у Ҳақ раҳмати умиди билан туну кун маст. У фирибгар зоҳиддан кўп ортиқдир.

(Бу бобдаги майпараст риндни аҳли сулук, яъни пири муршидга байъат қилған ва шу йўлда камолга етган аҳли тариқат вакили, деб тушунса бўлади. – А.Т.).

## Қирқинчи фасл ДАРВЕШЛАР ЗИКРИДА

Дарвеш шундай кишики, у қазои қадарга рози бўлади ва агар ичида юз тикан бўлса ҳам сиртига чиқармайди. Дарвеш сидқу фано (сиддиқлардан ва аҳли фано, дунёроҳатидан кўнгил узган) йўлини тутган бўлиши керак. Ва ўзи қандай бўлса, халқ кўзига ўшандай кўрингай, унда риё бўлмагай. Такаббурлик иллатидан қаттиқ риёзатлар (нафсга қарши кураш; нафсни тарбиялаш) билан халос бўлиши керак. Нафснинг шиддатидан улуғ жиҳод қилиб қутулиши керак ва фақр (тариқат) йўлига кириши керак ва фонийликнинг омонлик уйи жамоатхонасига етиши керак.

Ҳиммати назарида барча нарсалар мосуво (нишонсиз, йўқ) бўлувчи ва биргина Тангрининг ўзи қолувчи.

Унинг ичи ташқарисига мувофиқ бўлса, ботини зоҳири билан мутаносибdir.

Агар зоҳирида ботинини яширишга ҳаракат қилса ва ундан муроди бўлса, у маломатга лойиқdir. Чунки ботиннинг соғлиги зоҳирнинг қоралигини ҳам раð қиласи.

Тўни йиртиқ дарвеш шунга ўҳшайдики, унинг хазинаси сақланадиган макон вайронадир. Сафо аҳли жаҳонда шунга ўҳшайдиларки, Фаридуннинг хазинаси вайронада тургандай. (бу ўринда "хазина" деганда дарвешнинг маънавиятта тўла қалби назарда тутилади – А.Т.).

Маъно аҳлининг ҳақиқати махфий ва аҳли суратнинг ҳақиқати даъво қилиш (яъни – дарвешлик даъвоси)dir. Даъво қилиш эса бемаънилиқdir.

Эранлар маънавий бойликларини яширибдурлар ва маломатга қолиш учун тескари қадам урибдурлар ва зоҳир биносин бузиб, ботин биносин қурибдурлар. Қазои-қадардан нима келса, рози бўлибдурлар ва олам аҳлининг қаттиқ ранж ва маломатига қолибдурлар ва чидабдурлар. Емак ва ичмақдан кечибдурлар. Ҳақ розилиги хусусида фам чекиб, қон ютибдурлар. Уларнинг ризо ва таслим мақоми – манзиллари, фано саҳроси


— оромгоҳлари. Адабу тавозе уларнинг одатлариdirки, дўсту душманга яхши муомалада бўладилар. Мана шу сифат ва одатларга эга кишини дарвеш деса бўлади.

Рубоий:

Ё Рабки, фано қушин ромим айла,  
Ромим демайинки, сайди домим айла.  
Ҳам факр тариқида хиромим айла,  
Ҳам зовияи фано мақомим айла.

Шарҳи:

Ё Раб, менга фано қушини тобе қилгин, тобе эмас, тузогимга илинтиргин. Ҳам факр (тариқат) йўлида юриши насиб этгин ҳамда фано (йўқлик; бақосизлик) бурчагини менинг мақомим қилгин.



## *Иккинчи қисм*

Яхши феңләләр ва ёмон  
хислатлар түрфисида

**Бу қисм  
үн бобдир**

## Биринчи боб ТАВБА ЗИКРИДА

Ҳақиқий тавба ёмон феъллар туфайли келадиган балонинг олдини олмоқдир ва Тангри берган тавфиқ (ёрдам, мадад, иноят) туфайли у феъллардан қутулмоқдир. Тавба гуноҳкор банданинг кўнгил кўзгусини гуноҳ зангидан тозалайди, афв сайқали билан ўша кўзгу юзини ёритади. Тавба бахтсизлик йўлининг охирни ва ҳидоят йўлининг бошланишидир. Тавба такаббурлик фафлатидан сесканмоқ ва башарият уйқусидан уйғонмоқ ва ўзининг нолойиқ аҳволини англамоқ ва беҳуда феълларини ташламоқ ва кўзга кўринмас ярамасликларни ҳис қилмоқ ва нокерак даъвалардан кечмоқ ва қабиҳ амаллар шармандалиги ва расвогарчилик туфайли келадиган хижолатдан огоҳ бўлмоқдир. Тавба – инсонга хос саркашлиқдан воқиф бўлмоқ. Инсонни тўғри йўлдан оздирувчи нафс фасодидан (ёмонлигидан, бузуқлигидан) ва кўнгил итоатсизлигидан нафратланмоқдир.

Тавба – Ҳақдан нажот тилаш вақти келганидир ва банда нафсига тобеъ бўлишни тарк этганидир.

Бу гавҳар шабчироғига ҳар ким ҳам лойиқ эмас ва бу тавфиқ шамъини ҳидоятга бошловчи Зот ҳар кимга бермас. Қайсики, соғ табиатли киши йўлдан озса ва пок зотлардан бири нотўғри йўлга кириб қолса ва қиласар ишин билмай қолса, унга ғариб ҳолат бўлиб ва ул ҳолатга шум нафс сабаб бўлиб, унга Тангри таолодан ҳидоят ва тавфиқ етгай ва уни хатосидан огоҳ қиласди. Огоҳ бўлгандан кейин ҳаётидан сиқилгай ва димогидан уят тутуни чиқиб кетгай, узрҳоҳлик билан қилган ишларидан ибо қилгай ва номаъқул ишларини тўхтатгай ва нотўғри йўлидан чиқиб, ҳақиқат йўлига киргай. Бу мартаба тариқат аҳлининг аввалги ҳолатидир ва мақсад водийсининг аввалги манзили томон қадам ташлашдир. Бу саодат Тангрининг фазлидир ва уни хоҳланган бандасига беради (Ҳаза золика фазлуллоҳ, юътихи)

маниаша'у). Қайси соҳиби давлатта бу огоҳлик етишса, ҳар саодатманд бу иқболни бир восита билан касб қилиб олади.

**Рубоий:**

Ҳақдин ангаким етти иноят вақти,  
Кўнглига ёмон феъли сироят вақти,  
Исёнифа фош ўлур ниҳоят вақти,  
Бу бўлди ҳидоятқа бидоят вақти.

**Шарҳи:**

Кишига Ҳақдан иноят вақти етса, ёмон феъллари кўнглига таъсир қиласи. Гуноҳ исёнлари фош бўлиб, уларни тўхтатиш вақти келади, мана шу ҳидоятнинг бош манзилидир.

**Ҳикоят:**

Тангри таолонинг яратиғи Шайх Абдуллоҳ Муборак, Тангри унинг сиррини муқаддас қилсин, тавбасининг аввалида тўғри йўлга киришининг сабаби шу эканки, ёшлигида бир париваш ишқига дучор бўлиб, ўзи халқ орасида мажнунсифат, кўнгли ўша париваш ҳуснига мубтало, ақл кўнгил мулкидан жудо бўлиб қолган экан.

Бир қиши кечасида маъшуқасининг девори тагида ёрининг васли умидида турар ва юзида ёрнинг хаёли билан беҳудлик аломати ва маст эдики, ҳавони тун қировининг ҳарир пардаси қоплаган ва тун қоронгулигини тонг ёруғлиги эгаллай бошлаган ва қиши шамоли билан қор кўнгли мулкига ишқ лашкари босқинидан нишона кўргизар эди ва совуқ таъсирида дараҳт япроқларини совуқ урган, лол бўлиб қолган тиллар ҳолидан афсона айтур эди (дараҳт япроқлари лол қолган тилга ўхшатилмоқда – А.Т.). Абдуллоҳ ишқ ўтининг ҳарорати туфайли бу ҳолдан хабарсиз ва уст-боши юпунлигидан қор ва қировнинг таъсирини сезмас эди.

Шу қадарки, хўроз қичқириғи ва аzon овози эши-тилгунча турди. Аз он овозини эшитгач, хуфтон намози

вақти бўлди, деб ўйлади. Тонг ёришганини кўриб, ичига қуёшдек изтироб ва қўрқинч тушди. Субҳи содик (чинакам тонг, тонг отиш пайти) нуридан кўнгли ёришди ва ҳидоят илҳоми уни огоҳ этди. Ўзига дедики: – Эй Муборакнинг номуборак ўғли ва Тангрининг қочган ва беадаб қули! Хуфтон намози қироатида агар имом узунроқ сурга ўқиса, малол бўласан ва фосид хаёл кўнглингдан ўтади (малолланасан), лекин қишининг узун тунини шум нафсинг хоҳишига шайдо ва ёмон табиатинг хоҳишига мағлуб бўлган ҳолда ўтказмоқдасан, на хуфтон бўлганини биласан, на сахар вақти бўлганидан хабардорсан.

Бу ҳолатдан унинг ичида ғалаён бошланди ва уятдан руҳи баданидан чиқиб кетай деди. Инояти Илоҳий қўллади ва тавба ҳидоятига йўлладики, риёзат ва сулукка шу даража билимдон бўлдики, Макка ва Мадинада шайх ул-машойих бўлди. Умид шуким, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло барча йўлдан озганларни огоҳлик билан азиз қилсин.

Қитъа:

Тавбаеким, анинг саодатидин,  
Бир қул ўғли бу поя касб этгай  
Ким, анга шоҳлар қул ўлғайлар,  
Мунга ўзлук била нечук етгай?!

Шарҳи:

Тавбанинг саодатидан бир қул шундай баланд даражага етди. Унга шоҳлар қул бўладилар, агар у ўзлигидан кечмаганда (Аллоҳнинг инояти бўлмаганда), бу мақомга етармиди?! (Абдуллоҳ ибн Муборакнинг оталари Хоразм туркларидан бўлиб, Марв қозисининг қули бўлган. Тақвоси туфайли қозини лол қолдиради ва қози қулликдан озод қилиб, қизини никоҳлаб беради. Шундан Абдуллоҳ дунёга келадилар – А.Т.).

## Иккинчи боб ЗУХД ЗИКРИДА

Зухд кишининг дунё орзуларидан кечмоқлиги ва нафси уларнинг ўлими заҳрини ичмоқлигидир. Ва бойлик ва мансаб хаёли риштасини кўнгилдан узмоқлигидир ва орномус бутларини синдиришга ўзини чоғламоғи ва қабул (даргоҳи Илоҳийга) умидида риёзат йўлига кирмоғидир. Ва нафснинг барча муддаоларини унутмоқлигидир. Ва шариат йўлида маҳкам турмоқлигидир. Ва тариқат водийсига дардманлик (ошиқлик) билан қадам қўймоқлигидир. Ва бошини риё билан саждага қўймаслиги, балки риёлик тоатни хаёлидан чиқариб ташламоғидир. Барча номаҳрамлар юзидан кўзини асрамоғи ва тилини барча номашрӯъ (шариатта хилоф; бемаъни) сўзлардан тиймоғидир. Ва қулоқни барча эшитиладиган нарсалардан беркитмоғи ва барча ношаръий сўзларни эшитмаслигидир.

Бундай киши оёгини ножоиз жойлардан тортади ва эл шиддат қилганда (озор берганда, қийнаганда) тилини гунг қилади. Оғзига рўза билан муҳр босгай, чунки рўза нафс хоҳишлари ва табиат тақозоси билан бўлган нафсга таллуқлиги бор нарсаларни сўндиради. Таомнинг озлиги шунчаликки, мұяссар бўлганича, қудрати етганича ибодат қилур. Ҳамиша ва давомли хилватда ва узлатда сўзсиз давом этади. Тунги намозга пайдар-пай киришади ва зикрни ҳам узлуксиз қилади. Қайси бир солиҳга бу мақом насиб этса, риёзат нури ундан нафс васвасасини аритади. Кўнгил уйига дўстлик шамъидан нур еттай ва ул нур шуъласи унинг кўнглини масрур эттай. Ибодат натижаси билиниб, риёзат фойдаси уни баҳраманд эта бошлайди. Ундей ҳолат соатдан соатта кучлироқ бўлади ва лаҳзадан лаҳзага манзил томон яқинлаша боради. Бу файз қадаҳларидан ичиб қониқмайди ва бу завқ қадаҳларидан қултум-қултум ичиб зерикмайди. Ё Раб, унинг жомидан бир қултум ичишдан маҳрумларни кам қилгин ва бу водийда оғзи қуруғонларни ул жомдин қондиргин, ё Карим, ё Раҳим.

**Байт:**

Бу талабда кимки бўлса, анга рўзи этма хирмон,  
Бу таабда кимки бўлса, анга қил васл ила дармон.

**Шарҳи:**

Кимки буни талаб қилаётган, сўраётган бўлса, уни маҳрум этма, кимки бу мashaққатни тортаётган бўлса, унга васл билан дармон бер.

**Ҳикоят:**

Аҳлулоҳларнинг етакчиси Мавлоно Шамсуддин Муидди Уча, сири муқаддас бўлсин, Жом вилоятида зикр қилинган кентда бўлар эди. Ўттиз йилдан бери зоҳир неъматларидан бебахра эди, кечалари қоим (бедор, ибодат билан машғул), йил бўйи рўза тутар эди. Бир масжидда узлатга чекинган, таҳорат қилиш учунгина ташқари чиқар эди. Одамлардан ҳеч нима олмас эди. Ҳазрати Рисолат соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Уҳуд жангига икки муборак тишлари синган эди, шу боис Мавлоно Шамсуддин ўттиз икки тишини синдириб, суғуриб ташлаган (Пайғамбарга сидқу садоқат ва муҳаббат туфайли. – А.Т.) ва ўттиз йилдан бери бир бўйра устида, бир фиштга бошини қўйиб ётар эди. Кичик Мирзо (Хусайн Мирзонинг синглиси Оқобегимнинг ўғли, дарвеш бўлган – А.Т.) алайҳир-роҳма шу вилоятдан ўтаётганида бу азизнинг мазкур сифатини эшишиб, у кишини зиёрат қилиш учун келган эди. Мавлоно шу масжидга кирганда эгнидаги хирқа ва бошида эски бўрк билан эди ва бу бўрк ўнгиб, рангини аниқлаб бўлмайдиган ҳолга келганди. Кичик Мирзонинг кўнгли юмшаб, бир ҳовуч дирҳам (пул) бериб, у шу пулларни олишини илтимос қилди. Мавлоно дебурки:

– Мен шундай ҳаётга ўрганиб қолганманки, энди ҳеч нимага эҳтиёжим йўқдир. Агар сизни розилигингиз учун олсан, менга бу пулни нима қилиш ёки уни қаерга қўйишни, нимага сарфлашни ўргатинг. Сиздан миннатдорман. Сиз карам қилиб, мени маъзур тутинг.

Кичик Мирзо бу сўзга жавоб топа олмай, йиғлаб қулоқ солиб, ер ўпид чиқиб кетибди.

Кичик Мирзонинг ўзи менга бу воқеани сўзлаб берди. Бир неча вақтдан кейин бу фақир (яъни Навоий – А.Т.) ҳам Мавлононинг хизматига мушарраф бўлиб, у зотнинг сийрати эшитганимдан ҳам ортиқроқ эканини кўрдим.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло барча талабгорларга ва орзумандларга шу гулистондан хушбўй ҳидлар ва шурайхонлардан озгинасини бўлса ҳам насиб қилсин.

Байт:

Кимки кўнглидин анинг фақр орзуси кетмагай,  
Будуур үммеким, Ҳақ они навмид этмагай.

Шарҳи:

Кимнингки кўнглидан фақр (тариқат, сўфийлик. – А.Т.) орзуси кетмаса, умид шулки, Тангри таоло уни ноумид қилмайди.

### Учинчи боб ТАВАККУЛ ЗИКРИДА

Таваккул Ҳақ йўлида восита сабабини олиб ташламок, васила ҳижобини дафъ қилмоқдур. Ва далил-ҳужжатлар воситачилигига узр айтмоқ ва сабаб ва узрсиз мусаббибига (сабабларни муҳайё қилувчи Аллоҳга) қул бўлмок. Тақдир ўйини олдида сабаб ипи чирик ва қазо машъали шуъласи олдида восита учқуни ўчиқдир. Тақдир ва қазои қадар олдида инсоннинг тадбири иш бермайди.

Таваккул аҳлиним, мақсад водийсига қадам қўйибдилар, йўл озуқаси Ҳақнинг дастурхонидан деб билибдурлар. Чинакам таваккул қилган кишининг емаги Ҳақнинг дастурхонидан ва ичмаги Ҳақнинг шарбатхонаси жомидан ва киймаги Ҳақнинг эҳсон ва икром хазинасидан. Бас, бу нарсалар унга муюссар бўлганда хушҳол ва нобуд бўлгандан малоллик келади. Дарёдан ўтишга сабабчи кема десанг, товони сувга тегмай, сув

устида юриб кетувчиларга нима дейсан ва биёбонни босиб ўтишда улов восита деб ўйласанг, бир зумда ер юзини айланиб чиқувчиларга уловнинг нима аҳамияти бор?! Шундай экан, сенинг насибангни бошқа бирор емайди ва бошқа бирорнинг насибасини сен ея олмайсан. Сенинг насибанг ўзингтадир ва бошқанинг қисмати ўзигтадир. Насибангни ўзинг хоҳламасанг ҳам еткизади, емасанг едиради.

Буни англағанлар ризқ учун ташвиш чекардан холи бўлдилар ва фароғат учун дон экишдан қутулдилар. Касбни ризқ учун восита деб билиш хатодир ва таваккали қусурлидир ва майшат учун саъй қилиш аниқ ҳалокатдир.

Тангрининг Рazzоқлигини (rizқ берувчи эканини – А.Т.) билган ризқ учун ғам емагай ва Аллоҳ ризқни тақсим қилувчи эканлигини билган озу кўпига парво қилмайди. Тангри ваҳший ҳайвонлару қушларга ризқ берган, сенга бермай қўярмиди? Файрат қилиб, азалда белгиланган қисматини ўзгартирай деган киши худди ёмғирни қўрқитмоқчига ўхшайди. Қазои қадарни қалам билан қайтарай деган, қуруқ ерда кема сурмоқчи бўлган киши кабидир. Бу ишлар кўнгил уйи ҳидоят нуридан бебаҳралар ишидир ва ботин кўзи ҳақиқат қуёшидан хиралар одатидир. Таваккул аҳли барча сабаблар воситасидан кўз юмибурлар ва "Фалятаваккал алаллоҳ" (Оллоҳга таваккул қилсин)<sup>1</sup> дарёсига чўмилибурлар ва Ҳақнигина ризқ берувчи эканини билибурлар. Ризқни едирувчи ҳам Ўзи деб билибурлар. Шак ва шубҳани хотираларидан бутунлай чиқариб ташлабурлар. Ва ҳеч қандай воситасиз таваккул биёбонига қадам уриб, мақсад Каъбасига етибурлар.

Байт:

Кимки қатъ этса таваккул қадами бирла тариқ,  
Ёғину сел анга музий эмас ва барқ-ҳариқ.

<sup>1</sup> Ҳадиси шариф.

**Шарҳи:**

Кимки таваккал билан қадам босса, ёғину сел унга мушкулчилик туғдирмайды, чақмоқ эса күйдирмайды.

**Ҳикоят:**

Шайх Иброҳим Ситнаба (сирлари муқаддас бўлсин) бир муридини олиб таваккул қадами билан Каъба томон йўлга тушдилар. Шайх муридга дедиким, сенда бирор нарса борми? Мурид деди:

— Мен таваккул қадами билан бу йўлга чиққанман.

Шайх муридга яна дедики:

— Сен ўзингни эҳтиёт қилгин. Бирор нарсанг бўлса, ташлагинки, менинг оёғим оғирлик қиляпти. Мурид дедики:

— Ковушим бор, уни боғлаб оёқقا соладиган тасма бор, биёбонда ковушнинг тасмаси узилса, боғлаб олиш учун керак бўлади. Шайх деди:

— Ковушингнинг тасмаси бутун, узилмайди. Шундай экан, ортиқча тасмани ташла.

Муриднинг ташламай чораси қолмади, заруратдан ташлади. "Қўрқувда борар эдим, — деди у. — Йўlda ногоҳ, ковушим тасмаси узилди. Узилган тасмани ковушимдан олиб ташлаб, кейин шайхга таъна қилмокчи бўлдим. Кўрдимки, ерда ковушимнинг ёнида бир тасма ётибди. Тасмани ковушимга бойлаб, шайхимга етиб олдим ва қачон тасма узилса, қарасам ўша ерда бошқа тасма ерда ётар эди. То Каъбага етиб боргунча шу ҳолат қайтаришлар эди. Бу ишда менинг таваккулим дуруст бўлди". Таваккул аҳли Ҳақ йўлини шу тариқа ёритибдурлар ва бошқа нарсани восита қилишни бутунлай кўнгилдан чиқарибдурлар.

**Қитъа:**

Таваккул чун дуруст эрмас муҳолдур,

Анга наълайннинг ортуғ широки.

Дуруст ўлғач, йигилса ганжи Қорун,

Йўқ ул дам роҳравнинг ҳеч боки.

Шарҳи:

Таваккулинг дуруст бўлмаса, ковушнинг ортиқча тасмаси ҳам заарлидир. Таваккулинг дуруст бўлса, ёнингда Қорун хазинаси бирга бўлса ҳам зарари йўқдир.

### Тўртинчи боб ҚАНОАТ ЗИКРИДА

Қаноат ибодатга етгудек қувват ҳосил бўлгунча еб-ичиб кун ўтказмоқдир ва бошқа барча ҳою ҳавасларни хаёлдан чиқармоқлиқдир. Ва бенаволик билан нафсни қийнамоқ ва шаҳвоний ҳисларни рад этиш билан чалажон қилмоқ. Қаноат бир чашмадурким, суви олинган билан қуримайди ва бир хазинадурки, сочилган билан камаймайди. У бир экинзорки, уруги иззат ва шавкат ҳосилини берар ва дарахтдурки, шохи эҳтиёжсизлик ва ҳурмат келтиради. Қаноат инсон кўнглига равшанлик келтиради ва кўз ундан ёруғлик касб этади.

Қаноатли дарвешнинг қуруқ нони, таъмагир шоҳнинг ноз-неъмат тўла дастурхонидан яхшироқдир.

Қаноатли фақирнинг ёвғон умочи (умоч – қаттиқ хамирни сувга увалаб пиширилган суюқ овқат), олғир бойнинг новвоту ҳалвосидан яхшироқдир. Шоҳ шундай кишики, олмайди, лекин беради. Гадо шу кишики, сочмайди-ю, лекин теради. Кимки қаноатни одат қилиб олса, шоҳлик-гадолик ташвишидан қутулади. Гарчи унинг тирикчилик уйи тор бўлса ҳам, ҳар қанча муболага қилсанг, ўринлидир. Қаноат бир қўргонки, унга кирсанг, нафс ёмонлигидан қутуласан ва тоғ чўққисидурки, унга чиқсанг, дўсту душманга муҳтоҷлиқдан қутуласан. Қаноат хоксорлиқдурки, натижаси баландлик ва муҳтоҷ бўлмаслиқдир, натижаси эҳтиёжсизлик. Қаноат экиндин, унинг уруги – бойлик, дарахтдир, меваси эса муҳтоҷ бўлмаслиқдир. Қаноат аччиқ майдир, лекин нашъаси шодлик; қаттиқ йўлдир, аммо манзили қувончли.

Қаноатда қанча аччиқ роҳат ва фароғат бўлса, унинг акси — тамаъда шунчалик разолат ва тубанлик бор.

Хасис кишининг дўсти тиланчи ва нокасдир (паст, пасткаш; баҳилдир), разолат уларнинг феъл-авторига мосдир. Уларнинг муносабатида кишиларни камситиш ва енгилтаклик бордир. Кимдаки бу сифат мавжуд бўлса, бундай кишини халқ ёмон кўради.

Тамаъ туфайли нокаслик ва разиллик авж олади, одамийлик эса завол топади. Қаноатсиз кишилар ор-номус уйини куйдирувчи бир ўтдир, иззат-хурмат хирмонини совургучи ва улуғворлик шамъини ўчирувчи бир елдир. Тамаъгир кишиларнинг бирор нима олишга ўчлиги, худди еб тўймаснинг таомга очкўзлигига ўхшайди. Бириники тубанлар ҳаракати бўлса, бириники ҳайвонлар одатидир.

Қаноат бир жавоҳирким, элни бу икки балодан қутқарди ва халқни бундай оғатдан халос этади.

Тамаъгирлик ва нокаслик шундай ёмон феълки, гўёки икки ёқимсиз эгизакдир, иккаласи эса ёмонларнинг ёмонидир. Буларнинг бири нокас ва бирининг иқболи паст, шунинг учун иккаласининг моҳияти бирдир.

Мухбири содик (рост хабар олиб келувчи) Муҳаммад (с.а.в.) шундай дебурлар: **“Оллоҳ қаноатни азиз қилган бандасига, тамаъни эса хор қилган бандасига берибдур”**.

**Рубой:**

Ҳар кимки қаноат тарафи нисбати бор,  
Барча эл аро тавозуъу иззати бор,  
Улким тамаъу ҳирс била улфати бор,  
Яхши-ямон ичра зиллату нақбати бор.

**Шарҳи:**

Кимнинг “қаноат” деган хислати бўлса, унинг барча эл орасида иззату ҳурмати бор. Кимнинг тамаъю ҳирс билан ошнолиги бўлса, яхши-ёмон ичидаги хорлигу баҳтсизлиги бор.

### **Ҳикоят:**

Илоҳий сирлардан воқиғи Шайх шоҳ Зиёратгоҳий (Оллоҳ сирини муқаддас қиласин) ибодат фароғати учун қаноатни одат қилиб олди ва Зиёратгоҳ қасабасида маскан тутди. Ва халойиқ назр-ниёзига парво қилмади ва султонлар инъом ва эҳсонига назар солмади. Ҳақирик мероси бўлган ҳовлисига дараҳт ва экин экди. Ўз муборак қўли билан экин сугорар ва дараҳтларни теша ва арра билан бутар эди. Шу тариқа қаноат билан кун кечирап ва Тангри ибодатига машғул эди. Бу қаноатнинг натижаси “азза ман қонаа” ҳукми билан (қаноат қилган азиз бўлади) шу ерга етдики, Ҳирот дорус-салтанатидан султонлар ва дин уламолари ва тариқат машойихлари ул бузруквор ҳузурига борар эдилар ва остонасининг тупроғини ўпиш билан фахрланар эдилар ва унинг эккан буғдоидан бўлган нонни ва унинг дастурхонидаги мевалардан нимаики қўлларига тушса, қўзларига суртиб, қўйинларига солиб, табаррук билиб, шаҳардаги аҳли аёллари ва болаларига берар эдилар ва ундан еганлар жаннатдан умидвор бўлур эдилар. Қаноат натижаси бундан ортиқроқ бўлмайди ва курсандлик боғчасининг райҳони бундан тароватлироқ бўлмайди.

### **Қитъа:**

Жаҳон ичра кўп сунъ кўргузди Сонеъ,  
Эмасдур киши турфа андоқки қонеъ.  
Кишидин талабсиз фино ҳосил этмак,  
Яна жудға бўлмамоқ ҳеч монеъ.

### **Шарҳи:**

Яратувчи Парвардигор жаҳонда кўп ажойиб нарсаларни яратди. Лекин қаноатли кишидан кўра ажабтоворроқ киши йўқдир. Зеро, қаноатли киши меҳнат қилмасдан, талаб қилмасдан бой бўлади, ҳатто саховат килишига ҳам ҳеч монеълик бўлмайди.

## Бешинчи боб САБР ЗИКРИДА

Сабр нафсоний истаклар ва жисмоний лаззатлардан ўзини чиқармоқ ва ибодат мاشаққати билан нафсини ҳибс қилмоқ ва риёзат қаттиқлигига қадамни событ қўймоқлиқдир. Ҳақ йўлида кескин ҳаракат қилмоқ ва яхши-ёмондан ҳар нима эшитса, чидам билан сабр қилмоқлик керак. Сабр аччикдир, лекин фойдали, қаттиқроғдир, лекин у зиён-захматни дафъ қилгувчи. Қайси номурод сабр этагига қўл уриб, муродига етмади экан? Ва сабр туфайли қайси гирифткор кўнгилнинг мушкули ечилмади? Сабр – роҳат-фароғат қалити ва тутунлар ечими. Сабр дўстдир, лекин сухбати зерикарли, аммо муродга еткизувчи. Сабр узоқни кўзлаган улфатдир, аммо у охирда истакка етказувчи. Сабр секин юрадиган уловдир, аммо манзилга элтувчиidir. Сабр оғир қадам босувчи туядир, лекин бекатта олиб борувчи.

Сабр – аччиқ сўзлаб, таъбни хира қилувчи насиҳатчи, лекин у туфайли охирида мақсад ҳосил бўлади. Дориси аччиқ табиб, бемор ундан озорланади, аммо охирида сиҳат топади. Ишқ аҳли сабр ҳақида гап кетса чўчийдилар, лекин ниҳояти васлдан умидвор бўладилар, ҳижрон азобидагилар ундан нафратланадилар ва охири васлга эришадилар. Сабрнинг қафасида жон булбулига на хомушлик фойда беради, на наво, на нола. Сабр мажлисида руҳ тўтисига на сукут фойда беради, на фарёду на фифон. Сабр саҳросида фароғату изтиробнинг фарқи йўқ. Биёбонида дам олиш нимаю, югуриш нима – бари бир. Ёрнинг фироқида куйганлар сабр туфайли ўлимдан ҳам фам емайдилар, куймоқдан ҳам фам емайдилар. Сабр ҳажр шамидек қоронги ва узун, аммо охири висол тонги, ҳаж йўлидек оғир ва йироқ, аммо ниҳояти иқбол Каъбасига олиб боради.

Ҳар балога гирифткор бўлган, жони хавф остида қолган одамнинг ҳаёти сабр туфайли озод, ҳар ноумиднинг тушкун руҳи сабр туфайли қувват топади. У –

ошиқларга мараз (касаллик, дард, иллат) ва беморларга ҳалокатли заҳар. Соғлом одам унинг азобидан бемор, ҳис-туйгулар унинг уқубатидан бекор. Руҳ сабр туфайли иллатли, кўнгил унинг қаттиқлигидан тоқатсиз, беҳаловат. Йўли сахросида зулмат ва офат, Хизрдек уни босиб ўтганга охири оби ҳаёт чашмаси насиб этади. Сабр шиддатини тотиб кўрганлардан бири ҳазрат Аюб алайҳиссаломдирлар ва қийинчиликларга бардош берганлардан бири Муҳаммад алайҳиссаломдирлар.

**Байт:**

Ажаб ранжеки андин саъб йўқ, ранж,  
Вале чеккан кишининг баҳраси ганж.

**Шарҳи:**

Сабр шундай ажиб қийноқки, ундан ортиқ азоб  
бўлмайди,  
Лекин у азобни чекканинг мукофоти бойлиқдир.

**Ҳикоят:**

Бир нотавоннинг кўнглига бир гулюзнинг ишқи тушди ва у тухмат билан зиндонга гирифтор бўлди. Тухматни бўйнига олиши учун тортмаган азоби қолмади. Аммо у кўнглидаги маҳфий сирни тилига чиқармади. Охири бир кун аскарлар арқон билан зиндондан судраб чиқардилар. Уни бошдан оёғигача шунчалик урдилар, бир қучоқ ўтин майдаланиб кетди. Бошдан оёғигача жароҳат бўлди. Барча аъзоларининг териси ёрилди. Таёқ аъзосини шу ҳолга келтирдики, унинг бадани қон туфайли лолазор бўлди. Мазлум асло гапирмади ва икрор ҳам бўлмади. Ниҳоят, у золимлар азоб беришдан чарчадилар ва ўртадан судраб чиқариб, ноилож қўйиб юбордилар. Инсоф билан айтганда, тўгри қилдилар. Зулм қилганлар йироқлашгандан кейин у йигит оғзидан майдаланиб кетган танга чиқарди. Одамлар уни кўриб, сабабини сўрадилар. Унинг жавобидан маълум бўлдики, золимлар калтаклаётганда одамлар ичида унинг ёри ҳам бор экан. Бир чеккада унинг ҳолига

қараб турган экан. У азоб чекаёттанды, танга тишлари орасыда экан. Калтак зарбидан тишлари қисилганды, танга майда-майда бўлиб кетибди. Ёрнинг қараб турганини сезиб, бу азобларга сабр қилган экан. Ёр бу аҳволни билди ва меҳр ва шафқат билан бошига келиб, ширин сўзлар айтиб, яраларига малҳам қўйди. Ширин сўзлар билан мажруҳ, танига жон киргизди. Йигит ҳеч хаёлида йўқ, тушига ҳам кирмаган давлатга муяссар бўлди ва хаёлига келмаган саодатга эришди. Бу баҳт барча қийинчиликларни сабр-чиdam билан енгтани туфайли эди ва бунга азоб-уқубатга сабр қилиш туфайли эришди.

Байт:

Кимки ҳар шиддат аро сабру таҳаммул айлади,  
Баҳт аниңг нишини нўшу хорини гул айлади.

Шарҳи:

Кимки мусибатларга сабру тоқат қилса, баҳт унинг заҳрини болга, тиканини гулга айлантиради.

### **Олтинчи боб ТАВОЗЕ ВА ОДОБ ЗИКРИДА**

Тавозе (камтарлик) кишини халқнинг муҳаббатига сазовор қиласи. Ба одамлар уни дўст тутадилар. Тавозе дўстлик гулшанида тоза гуллар очирали ва ў гулшандан дўстлик ва улфатчилик гулларини сочади. Тавозе мутакаббир душманга мулоимлик томон йўл кўрсатади, гердайган душман кўнглида инсонийлик завқини қўзғатади. Қайта-қайта кўрсатилган тавозе ҳаёсиз манманни уят чегарасига бошлайди ва инсофсиз душманни ёмонликдан қайтаради. Тавозели киши барчадан яхши ва барча халойикдан ёқимли, аммо мансабдорлардан яхшироқ ва беҳожатлардан ёқимлироқдир. Ундей киши ўз тенгдошлари ичидага таҳсинга лойик, каттаю кичикни ром қиласи. Саховат қилмай элни шод этади ва эҳсон қилмай кишини ғамдан озод қиласи.

Адаб кичик ёшлиларни улуғлар дуосига сазовор қиласи ва у дуо барокатидан умрбод баҳраманд бўлади.

Кичиклар меҳрини улуғлар кўнглига солади ва у муҳаббат кўнгилда абадий қолади. Кичикларни кўзга улуғ қилиб кўрсатади. Ва феъл-аворидан халқ улуғворлик кўради. Халқ томонидан беҳурматлик эшиги ёпилади ва одамни ҳазил-мазаҳдан ва масхараланишдан сақлайди. Одоб одам табиатига инсонийлик ва шу манзилдан унга ором баҳш этади.

Одобдан кичикларга шунча манфаат бўлса, катталарга нечоғлик эканини тасаввур қилинг. Одоб ва тавозе муҳаббатга зеб-зийнатдир, акси эса дўстликка путур етказади. Одоб ва тавозе дўстлик ойнасига жило беради ва икки томондан ёруғлик бағишлайди.

Тавозе ва одоблilarга халқ таъзим ва ҳурмат билан қарайди ва одоб уругини эккан жавоҳир ҳосилини олади. Халқ билан муносабатда яхши хулқли бўлишнинг ҳосиласи шундай ва акси бўлса, ўртадаги муҳаббатга халал етади. Икки томондан ҳам хулқ чиройли бўлса, адаб ва тавозе мукобилида иззат ва ҳурмат ҳосил бўлади. Қандай яхшики, дўстлар орасида шу каби сұхбат ва сұхбатдошлар орасида меҳрибонлик бўлса. Бундай аҳил, иттифоқ, муҳаббатли, одобли бўлиш дўстлар учун саодатдир.

Агар зоҳирда дўстлик соғ бўлса, дунёда бу баҳтиёрлиkdir. Агар дўстлик Тангри ризоси учун бўлса, умид улки, охират азобидан қутулса. Тангри учун бўлган дўстликда "Ат-таъзиму ли амрилаҳ" — "Таъзим — Оллоҳ амрига" давлатига восил бўлади. Агар халқ дўстлиги учун бўлса, "Аш-шафқату аъло холқиллаҳ", яъни "Шафқат Оллоҳнинг яратиқларигадур" давлати восил бўлади.

Бундай олий мартабага лойиқ зотлар шундай бўлиши керакки, фақр давлатига мувофиқ (аҳли тариқат) ва мулојим бўлиши керак. Аксинча, мутакаббир, худбин ва ақлсиз жоҳил бўлса, бундай саодатдан маҳрумдир.

**Байт:**

Ақлу ҳикмат ишидур бўйла маошу ойин,  
Қайда топқай муни ҳар нафспарасту, худбин.

**Шарҳи:**

Бундай ишлар ақл ва ҳикмат эгалари насибасидир.  
Нафспараст худбинлар бунга қайдан ҳам эришсин-  
лар?!

**Ҳикоят:**

Хабар берувчи ровийлар ва тарихдан хабардорлар шундай ривоят қилибдурларки, бир ов чоғида елдек от чоптирган Хусрав Парвезнинг шоҳлик тожидан қиммат-баҳо гавҳар йўқолди. Ҳамманинг хаёли овда бўлгани учун буни ҳеч ким сезмай қолди. Овдан кейин Мадойинга қайтдилар. Шунда тожнинг гавҳари тушиб қолганини билдилар. Ҳалойиққа жар солдилар ва гавҳарни қидира бошладилар. Чунки у гавҳарнинг баҳоси мамлакат хиро-жига teng эди. Шунинг учун уни топганга катта инъом ва мукофот ваъда қилинди. Ҳалқ бу инъом ва мартабага эга бўлиш орзусида уни ахтарар эдилар. Иттифоқо, бири ғофил ва бири огоҳ икки ҳамроҳга учрадилар. Ғофил жоҳиллиги туфайли кеккайган, огоҳ эса одоб ва тавозе туфайли улуғвор эди. Улардан бирининг оти жаҳонгашта Мудбир ва иккинчисининг оти йигитлар марди Муқбил эди. Улар шу биёбондан ўтиб, шаҳарга кириш ниятида борар эдилар. Булар ҳалиги гавҳарни ахтариб юрганларга йўлиқдилар ва уларнинг бошлиғи билан учрашдилар. Мудбир такаббурлик билан гердайиб, ўтиб кетди. Муқ- бил эса инсонийлик юзасидан у бошлиққа одоб ва тавозе билан энгашиб, салом берди ва шу ондаёқ оёғи остида ётган гавҳарни кўрди ва дарҳол олиб, ўпиб, ҳурмат билан бошлиққа тақдим этди. У эса ваъда қилинган муко-фотнинг мутасаддиси эди. У Муқбилни ўзи билан олиб, шаҳарга қайтди ва бўлиб ўтган воқеани Хусравга айтди. Хусрав Парвез хушҳол бўлиб, Муқбилга ташаккур-лар айтди ва ҳаддан зиёда эҳсон билан уни мукофотлади.

Адаб кичик ёшлиларни улувлар дуосига сазовор қиласи  
ва у дуо барокатидан умрбод баҳраманд бўлади.

Кичиклар меҳрини улувлар кўнглига солади ва у  
муҳаббат кўнгилда абадий қолади. Кичикларни кўзга  
улуг қилиб кўрсатади. Ва феъл-атворидан халқ улуғвор-  
лик кўради. Халқ томонидан беҳурматлик эшиги ёпилади  
ва одамни ҳазил-мазаҳдан ва масхараланишдан сақлай-  
ди. Одоб одам табиатига инсонийлик ва шу манзилдан  
унга ором баҳш этади.

Одобдан кичикларга шунча манфаат бўлса, катталар-  
га нечоғлик эканини тасаввур қилинг. Одоб ва тавозе  
муҳаббатга зеб-зийнатдир, акси эса дўстликка путур ет-  
казади. Одоб ва тавозе дўстлик ойнасига жило беради ва  
икки томондан ёруғлик бағишлайди.

Тавозе ва одоблиларга халқ таъзим ва ҳурмат билан  
қарайди ва одоб уругини эккан жавоҳир ҳосилини ола-  
ди. Халқ билан муносабатда яхши хулқли бўлишнинг  
ҳосиласи шундай ва акси бўлса, ўртадаги муҳаббатга  
халал етади. Икки томондан ҳам хулқ чиройли бўлса,  
адаб ва тавозе муқобилида иззат ва ҳурмат ҳосил бўла-  
ди. Қандай яхшики, дўстлар орасида шу каби сухбат  
ва сухбатдошлар орасида меҳрибонлик бўлса. Бундай  
аҳил, иттифоқ, муҳаббатли, одобли бўлиш дўстлар учун  
саодатдир.

Агар зоҳирда дўстлик соф бўлса, дунёда бу баҳтиёр-  
лиқдир. Агар дўстлик Тангри ризоси учун бўлса, умид  
улки, охират азобидан қутулса. Тангри учун бўлган  
дўстлиқда "Ат-таъзиму ли амриллаҳ" – "Таъзим –  
Оллоҳ амрига" давлатига восил бўлади. Агар халқ дўст-  
лиги учун бўлса, "Аш-шашфқату аъло холқиллаҳ", яъни  
"Шафқат Оллоҳнинг яратиқларигадур" давлати восил  
бўлади.

Бундай олий мартабага лойиқ зотлар шундай бўлиши  
керакки, фақр давлатига мувофиқ (аҳли тариқат) ва му-  
лойим бўлиши керак. Аксинча, мутакаббир, худбин ва  
ақдсиз жоҳил бўлса, бундай саодатдан маҳрумдир.

Байт:

Ақлу ҳикмат ишидур бўйла маошу ойин,  
Қайда топқай муни ҳар нафспарасту, худбин.

Шарҳи:

Бундай ишлар ақл ва ҳикмат эгалари насибасидир.

Нафспараст худбинлар бунга қайдан ҳам эришсинглар?!

### Ҳикоят:

Хабар берувчи ровийлар ва тарихдан хабардорлар шундай ривоят қилибдурларки, бир ов чогида елдек от чоптирган Хусрав Парвезнинг шоҳлик тожидан қимматбаҳо гавҳар йўқолди. Ҳамманинг хаёли овда бўлгани учун буни ҳеч ким сезмай қолди. Овдан кейин Мадойинга қайтдилар. Шунда тожнинг гавҳари тушиб қолганини билдилар. Халойиққа жар солдилар ва гавҳарни қидира бошладилар. Чунки у гавҳарнинг баҳоси мамлакат хирожига teng эди. Шунинг учун уни топганга катта инъом ва мукофот ваъда қилинди. Халқ бу инъом ва мартабага эга бўлиш орзусида уни ахтарар эдилар. Иттифоқо, бири ғофил ва бири огоҳ икки ҳамроҳга учрадилар. Ғофил жоҳиллиги туфайли кеккайган, огоҳ эса одоб ва тавозе туфайли улуғвор эди. Улардан бирининг оти жаҳонгашта Мудбир ва иккинчисининг оти йигитлар марди Муқбил эди. Улар шу биёбондан ўтиб, шаҳарга кириш ниятида борар эдилар. Булар ҳалиги гавҳарни ахтариб юрганларга йўлиқдилар ва уларнинг бошлиғи билан учрашдилар. Мудбир такаббурлик билан гердайиб, ўтиб кетди. Муқбил эса инсонийлик юзасидан у бошлиққа одоб ва тавозе билан энгашиб, салом берди ва шу ондаёқ оёғи остида ёттан гавҳарни кўрди ва дарҳол олиб, ўпид, ҳурмат билан бошлиққа тақдим этди. У эса ваъда қилинган мукофотнинг мутасаддиси эди. У Муқбилни ўзи билан олиб, шаҳарга қайтди ва бўлиб ўтган воқеани Хусравга айтди. Хусрав Парвез хушҳол бўлиб, Муқбилга ташаккурлар айтди ва ҳаддан зиёда эҳсон билан уни мукофотлади.

Мудбир гердайгани туфайли ўша шаҳарнинг ҳаммомига гўлах (ўт ёқувчи) бўлди.

Муқбил эса одоб ва тавозе шарофатидан мақсад гавҳарини топди ва шоҳ гулзоридан баҳра олди.

Байт:

Мутакаббир кезибон шаҳрда хору мардуд,  
Мутавозиъни ғаний айлади дурри мақсуд.

Шарҳи:

Мутакаббир шаҳарда хору зор кезади,  
Тавозеълини эса мақсад гавҳари бадавлат қилади.

### **Еттинчи боб ЗИКР ШАРҲИДА**

Зикр – кўнгилда Ҳақ ёди билан машғул бўлмоқ ва тил билан Ҳақнинг муборак исмини айтмоқ. Баъзилар тил билан айтиш шарт эмас, лекин кўнгил Унинг ёди билан машғул бўлмоғи ва Ундан бошқанинг ёдидан холи бўлмоғи керак, дейдилар. Ва у машғуллик "Ма холақаллоҳ" яъни, "Оллоҳнинг яратиғи" фаносидир ва яратилган нарсалар – Холиқининг боқийлигиdir. Нафий калимаси "Ла илаҳа" бўлибдур, мосиваллоҳни (Оллоҳдан ўзгани) унутмоқ ва исбот калимаси "Иллаллоҳ" билан кўнгилни овутмоқдир ва машғул тутмоқдир. Ва бу машғулликнинг охири зикр этувчининг зикр этилган Зот қаршисида йўқ бўлмоғидур ва бу пайтда на тилга ҳожат на баён этишга зарурат бор. Тил сўзлашдан бехабар, сўзда эса оҳангдан асар ҳам йўқ. Бундай ҳарамга бутунлай маҳрам бўлмоқ ҳар қандай хаёлни инкор қилмоқ ва (Ҳақдан ўзга) бору йўқ барча нарсани, узоқдаги ғойибни ҳам яқиндаги ҳозирни ҳам фоний деб билмоқдир. Ўзини бору йўқлик хаёлидан қочирмоқдир ва асл мақсад йўлида қадам урмоқ, ўзидан ҳам, бегоналардан ҳам ёт бўлмагунча, бу асл мақсуд билан ошно бўлмоқ имконсиздир. Ва бору йўғидан холи бўлмагунча бундай ҳаёт зилолига тўйиб бўлмас. Бу дарёга кириб, гавҳар из-

ламоқчи бўлса, нафасни асрамоқ керак ва бу ҳарамга (хос жойга) йўл топиб, маҳрамлик (хизматкорлик) хоҳласа, дам урмаслик керак.

Шоҳ сирини асрой олмаганинг боши кетади ва ғайрат ва сиёsat тифи унинг вужудидан тутун чиқариб юборади. Бу эса май ичиш туфайли кайфияти ўзгариб, кўнгил бетоб бўлиши ва бу хилдаги мастиликнинг ёмонлигидандир.

**Рубоий:**

Майхона жамъики эрур бодапараст,  
Зоҳир май ичгандин ўлурлар бадмаст.  
Мингдин бир эмас бу ҳақиқат майидин,  
Ичган ани охсум ўлса тонг йўқ пайваст.

**Шарҳи:**

Барча бодапарастлар майхонада бўлурлар,  
Зоҳирий май ишиб маст бўладилар.  
Бу мастилик Ҳақиқат майининг мингдан бирича ҳам эмас.  
Ҳақиқат майини ичган ҳақиқий маст бўлса ажаб эмас.

**Ҳикоят:**

Тангри таолога яқин зотлардан Хожа Абдулоҳ Ансорий (сири пок бўлсин) дедиларким: Мансур Ҳаллож айтган сўзни мен ҳам айтдим. У ошкор этди, мен эса яширдим. Яширганим учун менга тождорлик, ошкор этгани учун унга дорга тож бўлмоқлик насиб этди. У ҳануз хом эди ва шу боис авж қилиб, ошкор этиши ноўрин эди. Мен ул сўзни анжуманда изҳор этаман ва изҳор этишда қатъий тураман ва такрор этаман. Ҳеч ким менга ҳеч нима дея олмайди, чунки сўзимни маъноси ўша бўлса ҳам, аммо айтилиш услуби бўлакча. Аҳли суратлар суратга назар соладилар ва аҳли маънилар маънодан баҳра оладилар. Илоҳо, бу огоҳлар оёғи тупроғидан биз гумроҳларнинг қоронғи кўнглига ёруғлик ва хирадашган кўзларига равшанлик етказ.

**Байт:**

Ҳамул күхлүл-жавоҳирни кўзимга тўтиё айла,  
Ул иксири саодатдин вужудим кимиё айла.

**Шарҳи:**

Мана шу жавоҳир сурмасини кўзимга тўтиё қил, у оби ҳаёт саодатидан вужудимни кимиё қил.

### **Саккизинчи боб ТАВАЖЖУҲ ЗИКРИДА**

Таважжух Ҳақ субҳонаҳу таолога юзланмоқ ва У томонга бурилмоқдир. Ва ҳалқдан тааллук (боғлиқлик) ишини узиб, Ҳаққа юзланмоқлиқдир. Ҳақдан ўзгага боғлайдиган барча орзулардан юз ўтиргай ва Ҳаққа боғлиқ ишлар билангина шуғуллангай. Шундайки, дунё ва охират саодатини таклиф қилсалар, сиддиқлар ва пайғамбарлар мартабасидан хабар берсалар ҳам, солик (дарвеш) у томонга асло назар ўқини отмагай ва кўнглига у мартабаларни қабул ёки рад қилишни келтирмагай. Агар Ҳаққа таважжух вақтида юзига ўқлар келса, асло кўзини юммагай. Агар у ўқлар бир кўзига келиб тегса, иккинчи кўзини ҳам туттгай. Агар шу туришда тош ёғса, бошини яширмагай ва бошига муҳофаза қалқонини тутмагай. Агар унга даҳшатли шер юзланса, бир чумолича бўлмайди ва агар маст фил учраса, унинг учун фил ҳам бир, пашша ҳам бир. Бало сели келса, унга нам етмагай. Ва оғат шамоли эсса, бир тола мўйини ҳам эголмайди. Фаддор чархнинг фитналиқ юлдузлари унинг учун зар билан безалган бир кўк варакдир. Ҳодисалар чақмоғи унинг учун ел учирган сариқ гулнинг япроғига ўхшаш нарса.

Заррин қуёш унинг учун заррадан ҳам кичик ва хоксор, тўлқинланиб турувчи денгиз эса унинг назарида бир қатрадан ҳам кичик ва унинг таважжухига хеч қандай тўсиқ йўқ, унинг назари тушган дарёлар суви сокин бўла олмайди. Ва бу мақом соликнинг сиддиқ-

лигига (ростгўйлигига) далилдир ва ихлосига гувоҳдир. Ва ошиқлиги йўлида яқдил эканига шубҳасиз далилдир ва бир сўзлигига гувоҳ, ва шавқи чексиз эканига содик, гувоҳ, ва муҳаббати ниҳоятсиз эканига мувофиқ далил.

### Маснавий:

Таважжух, бирла ҳинду саъй этар чоғ,  
Тушурур кўк ёғочдин тоза яфроғ.  
Кашаф айлаб таважжух, байзасифа,  
Ёрат кўз бирла босмай косасифа.

### Шарҳи:

Таважжух билан саъй этган ҳинду,  
Кўк ёғочдан тоза баргларни туширади.  
Тошбақа тухумига таважжух, айлаб  
Кўзи била косаси томон босмай боради...

### Ҳикоят:

Бир меҳнаткаш гулханий (ҳаммомга ўт ёқувчи) кўнглига хуршидваш (офтобжамол, қуёш каби) бир шаҳзоданинг ишқи тушди ва бу ишқ ҳароратида қони қуруқшади ва руҳи танасидан чиқиши ҳолатига яқинлашиб қолди. Ақл-у ҳуши ихтиёридан чиқди ва Мажнуни шайдолик ҳолатига тушди. Ёш болалар тош отиб уни қувлар эдилар. Унинг оғзидан шаҳзоданинг исми тушмас ва унинг кўнгли шаҳзоданинг зикри билан шод бўларди.

Болаларнинг тош отишидан безор бўлиб, қочиб, ўзи ёқсан гулханга юз қўяр эди.

Шаҳзоданинг ишқи бу гўлаҳини халқ орасида машҳур қилди. Бу ҳолат шаҳзоданинг қулоғига етди. Шундайки, пок ишқнинг хосияти шаҳзоданинг кўнглини жазб этди. Шаҳзодаи паривашда девонасини кўришга рағбат пайдо бўлди. Сайр қилиб юриб, отини ўша гулхан томон бурди. Муродига етолмай ётган девона истагини кўрди. Назар солиш ва таважжух (юзланиш) туфайли гўлахи шундай беҳудликка етди, гулхан ўти бошидан оёғигача куйдирди.

Бундай таважжух, (юзланиш)нинг асл моҳиятидан бехабар одамлар етиб келиб, ўтни ўчиргунча ундан на ҳабар қолди, на асар.

Қотил шаҳзода девонанинг ҳолига йиғлаб фуссага ботди. Қизиги шундаки, ўзи ўлдириб, ўзи аза тутди.

Байт:

Мажозий ишқда шундоқ таважжух, айла хаёл,  
Гар ўлса ишқи ҳақиқийда кўр не бўлғай ҳол!?

Шарҳи:

Мажозий ишқ одамни шундай аҳволга солган бўлса, ҳақиқий ишқда не ҳол бўлишини ўйлаб кўр.

### *Мусаннифлар иловаси*

Ҳазрат Навоий Ҳақ таолога бўлган таважжух, (юзланиш), муҳаббатнинг нақадар юксак маънавий мартаба эканини тушунтириш мақсадида бу ҳикоятни келтиргандар. Ҳикоятда инсоннинг инсонга бўлган покиза, саимии мұхаббатидан сўз юритилмоқда.

«Тасаввуф таълимотига кўра, маъшуқ яъни илоҳий мазҳар, моддий жисмдан холи деб қаралади, унинг жинси ва ёши (аёл ёки эркак, кекса ёки навқирон эканлиги) аҳамият касб этмайди. Шу ўринда буюк сўфий Шамс Табризий ва соҳир нафас шоир Жалолиддин Румийларнинг мұхаббатини эсга олиш кифоя» (Қаранг: Дилнавоз Юсупова. Ўзбек мұмтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Тошкент: «Тамаддун», 2016).

### **Тўққизинчи боб РИЗО ЗИКРИДА**

Ризо – ўз хоҳиши ва нафси ризосидан кечмоқ ва Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ризоси жомидан қултумламай, бир йўла сипқориб ичмоқдир.

(Ризо – ўз нафси хоҳишидан қутулиб, Тангри розилиги учун саъй қилиш. – А.Т.)

Ўз кўнгли хоҳишлиарини ўлдириб, ҳақиқий маҳбуба ризоси билан тирилмоқдир. Бу мақом соликнинг улуғ мақоми ва энг юксак даражаси шу сабабданки, солик йўлнинг аввалида фақирлик ва ҳақирлик (ҳурматсизлик) мақомида бўлган, ҳақирнинг талаби ҳам, ризоси ҳам ҳақир бўлур. Ўз нафси розилигини бутунлай фано (йўқлик) ўтига отди ва Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ризоси билан ўзини тузатди. Мосиваллоҳ (Оллоҳдан ўзга, чалғитадиган нарсалар) ифлослигидан халос бўлди, «вал мутахаллиқу биахлоқиллоҳ» (Оллоҳнинг хулқларини ўзлаштирганлар) сифати билан сифатланди. Бу мақом ажойиб мақомдурки, агар бу дунёда хоҳ хитой нақшини кўрсин, хоҳ исломийни кўрсин, буларнинг барчасини Наққоши азалнинг яратиги деб билгай ва ҳар бирини, ўз ерида назар солмай, тасаввур қилгай.

Жаннат боғларидан шод бўлиб, дўзах тутунидан табиати хира бўлгай. Мусо алайҳиссалом таърифида муболага қилмайди. Иброҳим Халиуллоҳ билан Намруди Мардуд (рад қилинган) ораларидағи мухолифат эшигини берк кўргай. Яратилиш боғида хоҳ бошига гул ёғилсин, хоҳ оёғига тикан санчилсин, бу ишлар чаманзор боғбони ихтиёридан деб билиб, бошини ҳам яширгмагай, оёғини ҳам тикандан олиб қочмагай. Ва дўст розилиги учун жонини фидо қилгай ва агар яна жон тиласа, тирикликни унинг ризоси учун тилагай ва агар унинг ризоси учун ўлиш керак бўлса, унинг ризоси учун жон бергай. Ҳақ ризоси учун ўзининг истагини йўқ қилмоғи керак ва ўзлигидан нишона қолмаслиги керак ва ўзида ўз ризосидин асар қолмаслиги керак. Ҳақдан агар фаффорлик (кечириш) ҳосил бўлса, унга ёқимли ва агар қаҳрига қолса ҳам барибир – Ҳақни дўст тутаверади. Ярасига найза санчилса, малҳам деб билади ва малҳам етса, бағри ярасига ғанимат билади.

Байт:

Рози ўлса, гар ёмон, гар яхши бўлса жилвагар,  
Сунъи килкидин мусаввардур чу ҳар янглиғ сувар.

Бундай таважжух (юзланиш)нинг асл моҳиятидан бехабар одамлар етиб келиб, ўтни ўчиргунча ундан на хабар қолди, на асар.

Қотил шаҳзода девонанинг ҳолига йиғлаб фуссага ботди. Қизифи шундаки, ўзи ўлдириб, ўзи аза тутди.

Байт:

Мажозий ишқда шундоқ таважжух айла хаёл,  
Гар ўлса ишқи ҳақиқийда кўр не бўлғай ҳол!?

Шарҳи:

Мажозий ишқ одамни шундай аҳволга солган бўлса, ҳақиқий ишқда не ҳол бўлишини ўйлаб кўр.

### *Мусаннифлар иловаси*

Ҳазрат Навоий Ҳақ таолога бўлган таважжух (юзланиш), муҳаббатнинг нақадар юксак маънавий мартаба эканини тушунтириш мақсадида бу ҳикоятни келтирганлар. Ҳикоятда инсоннинг инсонга бўлган покиза, савимий муҳаббатидан сўз юритилмоқда.

«Тасаввуф таълимотига кўра, маъшуқ яъни илоҳий мазҳар, моддий жисмдан холи деб қаралади, унинг жинси ва ёши (аёл ёки эркак, кекса ёки навқирон эканлиги) аҳамият касб этмайди. Шу ўринда буюк сўфий Шамс Табризий ва соҳир нафас шоир Жалолиддин Румийларнинг муҳаббатини эсга олиш кифоя» (Қаранг: Дилнавоз Юсупова. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Тошкент: «Тамаддун», 2016).

### **Тўққизинчи боб РИЗО ЗИКРИДА**

Ризо – ўз хоҳиши ва нафси ризосидан кечмоқ ва Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ризоси жомидан қултумламай, бир йўла сипқориб ичмоқдир.

(Ризо – ўз нафси хоҳишидан қутулиб, Тангри розилиги учун саъй қилиш. – А.Т.)

Ўз кўнгли хоҳишлини ўлдириб, ҳақиқий маҳбуба ризоси билан тирилмоқдир. Бу мақом соликнинг улуг мақоми ва энг юксак даражаси шу сабабданки, солик йўлнинг аввалида фақирлик ва ҳақирлик (хурматсизлик) мақомида бўлган, ҳақирнинг талаби ҳам, ризоси ҳам ҳақир бўлур. Ўз нафси розилигини бутунлай фано (йўқлик) ўтига отди ва Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ризоси билан ўзини тузатди. Мосиваллоҳ (Оллоҳдан ўзга, чалғитадиган нарсалар) ифлослигидан халос бўлди, «вал мутахаллиқу биахлоқиллоҳ» (Оллоҳнинг хулқларини ўзлаштирганлар) сифати билан сифатланди. Бу мақом ажойиб мақомдурки, агар бу дунёда хоҳ хитой нақшини кўрсин, хоҳ исломийни кўрсин, буларнинг барчасини Наққоши азалнинг яратиғи деб билгай ва ҳар бирини, ўз ерида назар солмай, тасаввур қилгай.

Жаннат боғларидан шод бўлиб, дўзах тутунидан табиати хира бўлгай. Мусо алайҳиссалом таърифида муболага қилмайди. Иброҳим Халиуллоҳ билан Намруди Мардуд (рад қилинган) ораларидағи мухолифат эшигини берк кўргай. Яратилиш боғида хоҳ бошига гул ёғилсин, хоҳ оёғига тикан санчилсин, бу ишлар чаманзор боғбони ихтиёридан деб билиб, бошини ҳам яширмагай, оёғини ҳам тикандан олиб қочмагай. Ва дўст розилиги учун жонини фидо қилгай ва агар яна жон тиласа, тирикликни унинг ризоси учун тилагай ва агар унинг ризоси учун ўлиш керак бўлса, унинг ризоси учун жон бергай. Ҳақ ризоси учун ўзининг истагини йўқ қилмоғи керак ва ўзлигидан нишона қолмаслиги керак ва ўзида ўз ризосидин асар қолмаслиги керак. Ҳақдан агар ғаффорлик (кечириш) ҳосил бўлса, унга ёқимли ва агар қаҳрига қолса ҳам барибир – Ҳақни дўст тутаверади. Ярасига найза санчилса, малҳам деб билади ва малҳам етса, бағри ярасига ғанимат билади.

Байт:

Рози ўлса, гар ёмон, гар яхши бўлса жилвагар,  
Сунъи килкидин мусаввардур чу ҳар янглиғ сувар.

**Шарҳи:**

Кишининг бошига хоҳ ёмон, хоҳ яхши иш келса, ўша ишга рози бўлсин, чунки оламдаги барча сувратлар Яратувчининг қалами билан чизилган.

**Ҳикоят:**

Авлиёлик дарёсининг гавҳари ва ҳидоят осмонининг ёруғ юлдузи, Оллоҳнинг шери ва ғолиб Амир ул-мўъминун Али ибн Абу Толиб розиёллоҳу анҳу ва каррамаллоҳу важҳаҳу (Оллоҳ, ундан рози бўлсин ва юзини мукаррам қилсин) ризо мақомининг таърифида ва соликнинг розилик билан сифатланиши тўғрисида қоғоз юзига орифларча қалам урибдур ва нозик маънолар ёзибдур. Ризо мақомидаги комил инсон ўз ризосини Ҳақнинг ризосига мувағиқ қилганининг шарҳи шудурким, агар десаларки, чап кўзингнинг хонаси Хайбар эшигининг остонаси бўлсин ва эшик очилиб, ёпилганда одамлар ўша ердан юрсинар. Эшигтувчи ризо туфайли ўзининг фикрича иш тутмагай ва ғоятда тавозе учун чап кўз ўрнига ўнг кўзини тутмагай. Агар шундай қилса, унга насиб қилган қазога қаршилик қилган бўлур ва ризо мақомига мос келмас. Ризо мақомида ўзини ва ўзлигини нобуд қилган кишига чап кўзни хор, ўнг кўзни азиз тутмоқлик тўғри эмас. Ва буни хору буни азиз қилиш борасида яхши ёмоннинг фарқига боргай. Ризо шарти шуки, амрига итоат қилгай ва бу ширин мева валийлик бофининг дараҳтидан бўлиб, бу лазиз мева (rizo мақоми) ҳидоят шажараси (дараҳти)нинг меваси бўлгай.

**Байт:**

Валоятларда бўлгай мевалар кўбу таъму ҳолатлиф,  
Вале қайси валоят ичра бўлгай мунча лаззатлиф.

**Шарҳи:**

Авлиёликнинг мевалари кўп, таъмиҳам турли-туман, лекин ризо мақомидаги солик ўз нафси розилигидан Оллоҳ тақдир этган нарсаларни устун қўяди ва бошига тушган мусибатлардан лаззат олади.

## Ўнинчи боб ИШҚ ЗИКРИДА

Ишқ порлоқ юлдуздир, башарият кўзининг нури зиёси шундан ва товланиб турувчи гавҳардир, инсоният тоғининг зийнати ва баҳоси шундан. Ишқ толе қуёшидир. Қайгули кунлар тиканзори ундан гулшанг айланади. Ва тўлин ойдир ва қоронги кўнгилларни ёритувчи. Ишқ кенг денгиздир, ҳар тўлқини юзлаб ақлу ҳуш кемасини фарқ қиласди, у баланд тоғдир, ҳар чўққисининг ўткир қирраси минг зуҳду тақво бошини учиради. Куйдирувчи шуъладир, кўп кўнгил ва жонларни хаشاқдек ёқади ва ўтли чақмоқдир, кўп дилларни алангаси билан кул қиласди. Конхўр аждаҳодур, оламни домига тортмоқ нияти ва қаҳрли подшоҳдур, мақсади ҳар доим олам аҳдини қатлиом қилмоқ. Ва ҳар қанча қон тўксса-да, чарчамайди. Ва ҳар қанча қон ютгани билан қониқмайди. Ишқ яшиндур, ақлу дин хирмонини куйдиради, у бўрондур, куйганларнинг кулини кўкка совуради. Шунчалик ўжарки, унинг олдида шоҳ ҳам, гадо ҳам teng. Шундай золимки, зулми олдида фосиқ ҳам, покдомон ҳам бир хил. Ошиқнинг кўнглига маъшуқаннинг севгисини солгувчи ҳам ишқ ва бир жилва билан ҳаётини барбод қилгувчи ҳам ишқдир. Ва ошиқ шундай балонинг гирифтори ва шундай оғатга беихтиёр йўлиққан, шундай тўфонда фарқ бўлган ва шундай чақмоқнинг оловида куйган, шундай ҳийлагарга енгилган ва бу янглиғ девкирдорнинг (шафқатсизнинг) мафтуни. Ошиқ шундай қотилнинг найрангига учган ва бу янглиғ қонхўрнинг қўлида ҳалок бўлувчи ва турлик бало қўзғатувчи йўлида дарманд.

Ишқ тогининг зулмидан азобланганларнинг бири Фарҳоддир ва жунун саҳросининг бечораларидан бири Мажнундир.

Коронги кеча девоналаридан бири – парвона ва гулистон ҳавосининг тўзимсизларидан бири девона булбулдир. Юраги яхшилик ўти билан ёнувчиларнинг бири

— Хусрав Дехлавий ва ишқ майхонасининг дардманд намояндаларидан бири — Абдураҳмон Жомий бўлиб, уларнинг қабрлари нурли бўлсин. Уларнинг йўлидан юриш бизга ҳам насиб этсин ва биз ҳам уларнинг ортидан борайлик.

Байт:

Ки то бўлғай булар бир-бирлари бирла қарин бўлсун,  
Самандарлар киби ишқ ўти ичра ҳамнишин бўлсин.

Шарҳи:

Тоабад булар бир-бирларига яқин бўлсинглар,

Самандарлар (афсонага кўра оловдан пайдо бўлган, ўтта чидамли ҳайвон) каби ишқ ўти ичра бирга бўлсинглар.

Бу таъриф қилинган ишқ ва бу баён этилган ошиқлар Маъшук туфайлигина тириқдурлар ва зикр қилинган ҳолларга мансубдирлар. Ва ул Маъшук хусндан иборатдурким "Инналлоҳа жамилуң юҳибб ул-жамола" (Батаҳқиқ Оллоҳ гўзалдур ва гўзалликни севади. – Ҳадис) бундан хабар бергай, ишқ бу эътибору улуғворлик, иродава ихтиёри мавжудлигига қарамай, ҳусннинг ҳашаматли ва назокатли саройида бир ночор хизматкор ва заиф бир кулдир. Ҳар қачон ҳусн султони гўзаллик ниқобларидан чиқиш тараддудини кўрса ва ўз юзини очиб, жилва билан табассум қилса, ҳижрон азобида қийналиб ётган ошиқнинг кўзи ёр нури акс этган ойнадек чараклаб, ҳайронлик билан боқиб қолади. Ишқнинг жасур сеҳргари, у ойна орқали ўзини кўнгил уйига ташлайди. У кўнгил уйини хароб этиб, ақлу ҳуш каби нарсаларига қўзғолон солади.

Шуниси маълум эмаски, ҳусн султонининг золим ясовули аҳволи нима кечади ва аҳволлари унинг шиддатли азобидан қаергача боргай? Шунга қарамай, ўша мамлакат асиirlари ва у диёрнинг ўлим ва талон-торож кўрган халқи унинг гўзалиги майидан ўzlаридан кетиб, маст-аласт ва Маъшук жамолининг томошасидан волаю

ҳайрон бўлиб, унинг завқи билан ақлдан озиб, мафтуну таслим бўлаверадилар.

Ҳусн шоҳи у мамлакатни сехр билан эгаллагач ва у мулк аҳдини зулм ва талон-тарож билан асир эттагч, ҳусн султони ўзининг жилваланиб турган жаннат фазосидан қоронғи хилват ҳарамхонасига кирса, нур зулмат пардаларига томон юрса ва жамоли қуёшини қора ниқоб булути билан яширса, мулк аҳдининг уни кўриш ва томоша қилиш умиди барбод бўлса, шундай дод-вой солиб, тўполон кўтарадиларки, гўё қиёмат бўлгандек.

Уларнинг фарёдлари золим фалаккача чиқади ва айланувчи осмонга етади. Бу даҳшатли аҳвол азобини сўз билан тушунтириб, ёзмоқ билан тасвирлаб бўлмайди. Бу азобни ўзи кўрмаган киши билмайди ва бу даражага етмаган одам ишонмайди.

Ҳижрон ва фироқ деб шуни айтадилар.

### *Ишқ уч қисмга бўлинади.*

**Биринчи қисми** оддий одамлар ишқи бўлиб, халқ орасида машҳур ва кенг тарқалган. Дейдиларки, - фалон киши фалончига ошиқ бўлибди. Бу хилдаги одамлар кимгадир ошиқ бўлиб, изтироб чекиб, шунинг хаёли билан юрадилар. Бу тариқа ишқ жисмоний лаззат ва шахвоний нафс билан чегараланиб, олий даражаси шаръий никоҳ билан хотима топади. Ва барча мусулмонлар учун шаръий никоҳ суннатdir ва рухсат этилгандир. Ва пастроқ даражасида паришонлик ва ташвишланиш ва кўнгилсизлик ва нохушликлардирки, уни сўзлаш беодоблик ва баён этиш беҳаёлиkdir.

**Иккинчи қисм.** Бу хослар ишқи бўлиб, бу хос ишққа мансуб кишилар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва у пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий Махбубнинг жамолидан баҳра олади.

Ишқ аҳдининг покбозлари (истараси иссиқ, ёқимлилари; садоқатли ошиқлари) ва завқ-шавқ аҳдининг назм битувчи ва афсонага пардоз берувчилари, қадимда ўтган шеърият ўрмонининг арслони ва ишқ оташхонасининг

самандари ва завқу шавқ водийсининг пок йўловчиси Амир Хусрав Дехлавийдурким, унинг нафаси пок, ҳар бир сўзию лафзи пок ва ундаги маънолар ҳам пок.

У ўзининг шеърлари билан ишқ аҳлининг орасига фавро, завқу ҳол анжумани даврасига ҳаяжон ва можаро солди. Яна сўзи поку, кўзи пок ишқ аҳли ичра ягона ва бу тоифанинг беназир ва миллат ва диннинг фахри бўлиши Шайх Ироқийдурким (шайх Фахриддин Иброҳим Ироқий) ишқ билан сифатланган ва "Ламаъот" китоби пок маънолар таркибига киради.

Ва булардан кейин икки дунёни бир дов (қиморга пул тикиш) билан ўйинга тиккан қиморбоз тахлит покбоз (истараси иссиқ, ёқимли; чин, ҳалол ошиқ; ҳалол ўйновчи) ва ишқнинг фонийлик майхонасида ҳақиқат майдан маст бўлган риндалар (аҳли диллар) сирдоши, миллат ва диннинг қуёши хожа Ҳофиз Шерозийдур.

Дунё ва охиратни бир "оҳ" билан ўртаган пок ошиқлар имоми ва ерда ва фаришталар оламида сайр қилувчиларнинг шайх ул-исломи ҳазрати пири муршид, миллат ва диннинг нури ҳазрат Абдураҳмон Жомийдур (Оллоҳ қабрини мунаввар қилсин). У кишининг васфи шеъриятидан юқори бўлса ҳам, лекин шеъриятнинг ҳар бир услубида беназир эдилар. Назмларида ҳар бир байт билан оламга ўт соглан эдилар. Шеърларида ҳар бир байт билан дард аҳлининг жони ва кўнгил оламини куйдирган эдилар. Яна у ҳазратнинг муҳаббат жомидаги қуйқумни ичганлар ва у кўрсаттан йўлдан юриб, фонийсифат бўлганлардан бири, дарду ишқ ҳақида туркий тилда ифодалаб, турклар орасида ҳароратомиз ва сортлар орасида оғат қўзғаттан бир киши ҳам бор (Бу ўринда Ҳазрат Навоий ўзларини назарда тутмоқдалар. — А.Т.).

Юқорида номлари зикр қилинганларнинг сўз айтиш ва шеър ёзишдан мақсади ишқни таърифлашдир. Барчаларининг шавқи ва дарду ҳасратининг алангаси, ожизлик билан ёлворишлари, ишқнинг дарду бало чақмоги тафти билан куйиб-ёнишларидан мурод ўзларини ҳам шу ишқقا мансуб қилмоқ, балки ишқ йўлида мағлуб

бўлганини билдиримоқ. Буларнинг мақсадлари ишқ оламида ошиқликнинг оғир азобини, маъшуқининг ҳаддан ортиқ гўзаллигини таърифлашдан иборат. Ҳар бирида ошиқ ва маъшуқнинг ажаб ҳолатларига, фариб хаёлларига, чексиз қизиқ воқеаларга, ниҳоясиз ранж-машаққатларга дуч келинадики, буни тасвирламоқ, албатта, зарурдир. Масалан, маъшуқ ҳусни жамоли тенгсизлиги, нозу истифноси беҳадлиги ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар. Ошиқнинг аҳволи шунга мувофиқ бўлиши керак. Ошиқнинг дарду шавқи бепоён, ожизлигу куйиб-ёнишининг чексизлиги ва шунга тааллукли бор воқеаларни ҳам тасвирлаш керак.

Ошиқ билан маъшуқнинг бир-бирига муносабати ва яқинлиги, касб-ҳунарининг соҳаси ва тарбиятидан юзага келган ҳол ва натижаларни ҳамда юз берган қийинчиликлар тўғрисида ёзиш жоиз бўлиб, булар ҳақида китоблар ва жилд-жилд асаллар яратилганда ҳам, ишқни тўла тасвирлаш ва бу ҳақдаги мақсадни бошдан-оёқ қаламга олиш имконсиз, балки узрлидир.

Ва жаҳон бозорининг favfosi ҳам, дунёда бор ҳамма нарсаларнинг савдохонасидағи шовқин-сурони ҳам ишқ туфайлидир. Бусиз инсон камоли жонсиз танага, башариятнинг лафзу иборалари гул варайхонсиз чаманга ўхшайди. Агар сўзнинг назм лаззатидан ҳарорати бўлмаса ва шеърнинг ишқ ҳароратидан куйиши бўлмаса, уларни нурсиз шам ва бошлиқсиз тўда, деб билинг. Хуроса шуки, шеърий сўз — шу мазмунда тараннум қилиши лозим. Бундан ўзгача бўлса афсонадир. Асл сўз — ишқ ҳақидаги сўз. Кўнгилда ҳаёт нашъаси бўлса, бу ишқнинг ўзиdir.

Байт:

Сўзки маънисида ишқ ўти нишони бўлмағай,  
Бир таҳарруксиз бадан онглаки, жони бўлмағай.

Шарҳи:

Сўзнинг маънисида ишқдан нишон бўлмаса,  
Уни ҳаракатсиз қолган жонсиз бадан деб билгин.

### **Ҳикоят:**

Мажнуннинг ишқ ўти ҳижрон туфайли аланга олди. Заиф баданини бу ўтнинг ҳарорати куйдирди. Ҳар хил муолажа қилдилар, фойда бермади. Касали кучай-иб, иситма пасаймади. Мажнун ўлар ҳолатга келганда, кимдир Лайлини бундан хабардор қилди. Лайли бу ха-барни эшитиб, паришон бўлиб, ўз девонасининг ҳолини билиш учун хат ёзди. Бир киши хатни Мажнунга етказга-нида, унда жон асари қолмаган эди. Шу пайт Лайлининг номасини ўқиётгандарида bemor уни эшитаётганини ва таъсиrlанаётганини сездилар. Ҳар гал нома қайта ўқил-ганда, жон киргандек бўлар эди. Мажнуннинг аҳволига ҳар қандай дуо ва тумор, дори-дармоннинг таъсир қи-лиш даври ўтган эди. Лекин Лайлининг хати Мажнунга дуо ва тумор ўрнини босди.

Бемор сиҳат топиб тузалгунча, хатни такрор ўқиб турди. Соғайгач эса тумор қилиб, бўйнига тақиб олди.

Ишқ ўтидан Мажнуннинг касали тузалди ва у сўз такроридан бадани қувватга кирди.

### **Байт:**

Ошиқقا гарчи заъфу маразлиқдуур мизож,  
Маъшуқ зикри ул маразифа эрур илож.

### **Шарҳи:**

Агарчи ошиқнинг мижози заиф ва bemordir,  
Аммо маъшуқни эслashi унинг касалига даводир.

**Учинчи қисм** – сиддиқлар ишқи бўлиб, улар Ҳақ-нинг жамолини очиқ кўриш истаги билан куйиб ёнади-лар. Талаблари шудир. Улар Ҳақни кўз билан мушоҳада қилиш умиди туфайли ўзни унутиш даражасига етган ва бундан ҳам ўтиб, фано мақомини ҳосил этгандирлар (ҳа-лок бўлиш даражасига етгандирлар). Агар ҳодисалар шамоли осмон гулшани варагини учирса, улар бундан беха-бар ва агар юлдузлар гулбаргларини ҳар томонга совурса,

уларга заррача таъсир қилмайди. Уларнинг ҳислари (сезги аъзолари) Маъшуқ жамолининг тажаллиёти ташвиши билан, завқлари беҳисоб ишқнинг ҳужуми туфайли ишдан чиққан. Ўзлари етишган ҳолдан уларнинг назарларини авлиёю анбиёлар (набийлар, пайғамбарлар) етган мақом ҳам қайтара олмайди ва муқарраб фаришталар томон назарларини солмайдилар. Ҳоллари Маъшуқ жамоли мушоҳадаси (кўриш) талабида ва машғулотлар ҳам унинг мулоҳазаси билан ва кўнгиллари висол майи насибасидан беҳуш ва маст. Кетма-кет тажаллий нуридан аъзолари шикастланган. Руҳлари висол бодасидан бошқа нарсани хоҳламайди ва Ҳақ мушоҳадасидан бошқа нарса билан кўнгиллари ором олмайди. Мана шулар ишқда аввалдан муродига етган ва "Инда маликин муқтадир"<sup>1</sup> (қудратли подшоҳ ҳузурида) мақомида ором топдилар ва бу тоифани восиллар (эришганлар, етишганлар) дебдурлар, ишқдан мақсади ҳосил бўлганлар.

### Ҳикоят:

Ҳаж шарафига етишган машойих ва авлиёларки, дуоси ижобат бўладиганлар Арафотда муножот қилиб, ҳар қайсилари ўз истагини изҳор қиласр ва ҳаммаларининг ўз тилаклари бор эди. Барчаларининг дуоси шу эдики: "Илоҳо, бизга тавфиқни ҳамроҳ қил ва Ўз ҳақиқатингдан огоҳ қил".

Ва соликлар қутби ва орифлар сultonи, ирфон тариқида авлиёларнинг сарбаланди Шайх Абу Сайд Харроз (Оллоҳ сирини азизу муқаддас қилсин) оғзида сукут мухри бор эди ва жамоли тажаллиётта фарқ бўлган ва ҳайратда тураг эди. Кўзини осмонга қаратиб эди. Бирор дедики:

— Ё Шайх, бу маҳал дуо қилиш маъқулдир ва барча машойихлар дуога машғулдирлар. Сен нечун дам урмайсан ва дуо отини ижобат майдонга сурмайсан? Шайх дедики:

— Бу халойиқ сўраган нарсанинг барчасини Ҳақ менга

<sup>1</sup> Қамар сураси, 55-оят.

берибдур ва бундан ортиқроғини күнглім уйіда берибдур. Үндан нима сүраб дуо қиласы?! Улар огоҳлик тилайділар, менга эса у сифат берилған. Бир вақтлар ғафлатғолиб бўлиб, ўз ҳолимга келгани бир оз муҳлат бор эди, тўсатдан Ҳақнинг тажаллийси таъсиридан бетобу ожизман (Тажаллий – Ҳақ жамолининг акси, жилваси – А.Т.) ва у оғир юкнинг остида хасдек ожизманким, ёрнинг жамоли ҳайратидан ўз ҳолимдан хабарим йўқ ва ўзлигимдан асар йўқ эди.

Ишқнинг юқори даражаси шу ергачадур ва ошиққа васлнинг ниҳояти шу сўзни дейишчадир. Булар ошиқлардурким, Ҳақ таолонинг даргоҳида қабул аҳлидурлар, буларни Тангрига ошиқ деса бўлади, маҳбуб деса ҳам бўлади, Ҳақ жамолига талабгор деса ҳам бўлади, матлуб деса ҳам бўлади.

#### Рубоий:

Бу ерга етурса бандасин лутфи илоҳ,  
Таҳқиқ билур ҳар кишиким бор огоҳ,  
Ким, топмас анинг оллида мавжуд сивоҳ,  
Ул қолдию, Тенгри қолди, Аллоҳ-Аллоҳ!

#### Шарҳи:

Бандасини шу даражага Тангри еткизса,  
Қаршисида Оллоҳдан ўзгани кўрмайди.  
Ўзи қоладиу, Тангри қолади, Оллоҳ-Оллоҳ,  
Киши огоҳ бўлса, буни тасдиқлайди.



# *Үчинчи қысп*

*Хар хил фойдалы  
маслаҳатлаф ва мисоллаф  
(хикматлаф, танбехлар)*

Салтанат аҳларининг ўринсиз мағурланишига даво Тангри таолонинг ҳокими мутлақ эканлигини мулоҳаза қилмоқ ва кибрга мубталоликнинг иложи Унинг улуғлиги ва азамати ҳақида фикр юритиш бўла олади.

Агар киши саодатманд олим бўлса, нодонлар сўzlари ҳам унинг учун аҳамиятли ва ибрат бўлади. Агар у бесаодат жоҳил бўлса, олимнинг сўзини эшитишдан ор қиласи.

Ҳақиқатан, жоҳилликдан ҳам бадбаҳтроқ нима бор дунёда? Ўзига бино қўйиш нақадар аҳмоқлик, ўз сўзи га бино қўйиш нақадар баҳтсизликдир. Оламдаги барча одамлар ўзларини ўзлари севадилар ва ўз сўzlари ўзларига жуда ёқимли туюлади. Ва башарият жинсида бўлган бу сифат – уларнинг жоҳиллигига далилдир ва нафслар эса беихтиёр шу даъво билан машғулдирлар.

## ТАНБЕХЛАР

### 1-танбеҳ

#### Оlam va одам

Шундайки, нафсига бўйсунган кишининг манзили нафсониятдир. Ҳеч ким ўз кўнглига ғам тиламайди ва ўз нафсини қийнашни истамайди. Аммо ўзга бир азиз зотни беҳад хор бўлганини кўрса, ўзига озгина қийинчилик бўлганча ҳам таъсирланмайди. Бир азизнинг шаънига қаттиқ етганчалик ҳолни ўзига раво кўрмайди. Барча учун ўзи ўзгадан азизроқ, ўз сўзи ўзгаларнидан маъқулроқ. Одам оламдаги яхшиликларни ўзига раво кўради, аммо буни ўзгаларга раво кўрмайди.

### 2-танбеҳ

#### Сурат ва сийрат

Ўзини кўрсатмоқ учун ясанган эркакларнинг намойиши хотинларнинг безанмоқ учун оройиши кабидир. Гарчи бу ҳолат иккаласига ҳам номуносиб бўлса-да, лекин эркаклар учун безанмоқ кўпроқ шармандалиkdir. Ҳар ким ўзини кўрсатиш ва безаниш касалига мубтало, бу эса уларнинг ўз-ўзларини яхши кўришларига далилдир.

Тутуриқсиз сўзлари билан кулгига қолган шоир ўзини Саъдий ва Хусравдан ортиқ деб билади.

Котиблар борки, уларнинг ёзган хати қарғанинг хунук оёғидан ҳам хунукроқ бўлгани ҳолда, ўз хатини Жаъфар ва Азҳар (машҳур хаттотлар) хатидан гўзал, деб билишади. Солган суратидан одам қўрқадиган сувраткаш ўзини Абдулҳай ва Монийдан кам эмас деб ҳисоблайди. Китоб безовчининг хитойча нақши хато ва фарангчаси бесўнақай, лекин ўзини Аторуд (китобат аҳдининг ҳомийси, юлдуз номи)га ўхшатади. Ҳар ҳунарманд ўз ҳунарини мақтаб, муболага қиласди, бу эса ўз нафсининг хоҳиши туфайлидир. Тортишувчиларнинг мадрасада қий-чув қилишлари ҳам манманлик белгисидир. Униси бунинг сўзини рад қиласа, буниси унинг даъвосини қайтаради. Ҳар қайсиси ўз сўзини ўзи маъқуллайди.

### **3-танбех**

#### **Нажот йўли**

Ўзига бино қўйган киши – ақлсиз. Ўзига оро берувчи – беор, сатанг. Истиғно қилувчи киши – алданган, мутакаббир – малъун. Шаҳватпарамт – нафсига мағлуб. Фақат ўзини ўйловчи – бутпарамт. Бу балолардан нафсни фақат фано (нафсни ўлдириш) кутқаради ва у кишини бу ҳалокатлардан эсон-омон олиб ўтади.

### **4-танбех**

#### **Кўп гапирган кўп адашади**

Фано аҳли (нафсининг ғолиблари) кўп гапиришни рад қиласдилар ва кўп эшитишни истайдилар ва маъқул кўрадилар. Эшитмоқ ақлни бойитади ва кўп гапирмоқ саёзлатади. Кўп гапирган кўп адашади ва кўп еган эса кўп ийқилади. Тан bemорлигининг сабаби – кўп емоқ ва қалб bemорлигининг сабаби эса кўп сўзламоқдир. Кўп сўзлаш – сўзга мағрурлик, кўп емоқ эса нафсга бўйсунмоқдир. Одам учун бу сифатлар бефойда ва барчаси худпарастликка оиддир.

## **5-танбек**

### **Худбинлик хунук қилик**

Үзига бино қўйиш – бадбаҳтлик ва бунинг фарқ ва даражалари бор. Худбиннинг ҳар бир қилган иши ўзига яхши кўринади. Лекин бу хунук қилиқда фарқ кўпдир. Лекин биз қисқартириб уч қисмга бўламиз.

#### **Биринчи қисм:**

Ўзининг аҳволи ва феъли, ҳар бир қилган иши ўзига маъқул кўринади.

#### **Иккинчи қисм:**

Шундайки, худбиннинг барча хаёли ва аҳволи, қилган ёқимсиз ишлари ўзига маъқул, ёқимли ва чиройли кўринади. Ўз ярамас ишларини яхши деб мақтайди. Ўз хунук башарасини Ҳазрати Юсуф алайҳиссаломга тенглаштиради. Ва "анкар ал-асвот" – энг ёқимсиз овоз бўлган ўз овозини Юсуф Андигонийга (шоир, машҳур созанда хонанда. – А.Т.) ўхшатади. Ўзининг мазмунсиз байтини Салмон (форс шоири. – А.Т.)нинг гўзал байтларига тенглаштиради. Бемаъни ва беҳуда гап-сўзларини буюк аллома Замахшарийнинг "Кашшоф" номли Қуръон тафсиридан ортиқ, деб гумон қиласди.

Ҳақ таолонинг ҳеч бир амрига бўйсунмайди ва шайтоннинг барча буйруғини бажо келтиришдан чарчамайди. Ўз хаёлида ўзи доно ва чечан ва ҳар номаъқул иши ўзига маъқул ва яхши, май ичишга ўч, бадмастлик – унга одат, унинг сұхбатига гирифтор бўлганинг қутулмоғи осон эмас. Унинг номуборак базмига дучор бўлган унинг ёқимсиз ҳаракатларидан безор бўлиб жонидан тўяди. Мажлисида ўринсиз буйруқлар берганида унинг буйруқларини бажариш ҳам бир машаққат бўлса, ўзини кўриш минг азоб. Унинг мажлисига гирифтор бўлган туриб кетмоқчи бўлса, унинг бир тўда муттаҳамлари бунга тўсқинлик қиласди. Улардан бир амаллаб қутулиб чиқса, дарвозабони тўсқинлик қиласди. Бунинг тузофига илинган шундай балога қоладики, бундан қутулиш учун ўлимни

кўзига тўтиё қиласи. Шунда агар бирор “сени ўлдириб, шундан қутқараман” – деса, жонини фидо қиласи. Агар қутулса Румда ҳам, Фарангда ҳам тўхтамай қочади.

Шугина эмас, агар ўша худбин жаннатда базм қурадиган бўлса, ўша жаннатта ҳам қадам босмайди. Бу бадкирдор мутакаббир ва ярамас ифлоснинг палид мажлисида ўтиргандан кўра зинданда ўтирган яхшироқ. Унинг бадбўй мажлисидан ҳожатхона яхшироқ ва покизароқдир. Бу худбин кекириб юборса ёки орқасидан ел чиқариб юборса, бу қилиғи ўзи учун ниҳоят гўзал, унинг уятсиз қилиқлари шундай завқли кўринадики, унинг бад ахлоқини кўрганлар ва эшитганлар, унинг овозини ёқимли ва ҳиди фойдали деб, унга миннатдорчилик билдирадилар. Бу бадахлоқликни унга ҳеч ким айтолмайди, мабодо айтса ҳам, у одамга қулоқ солмайди. Бордию эшитса ҳам, ҳақ гапни нотўрига чиқаради. Бу “шариф зот” ўз қилиғи хунуклигини тан олмайди. Аксинча, унинг камчилигини айтган одамни изза қиласи ва қасд олишни ният қиласи.

Шундай ярамас хулқли киши шу даврда ҳам, ҳозир ҳам бор. Шу каби ўзини азиз билувчилар ора-сира кўриниб турадилар, замон аҳли сабр қилсалар, уларнинг барчасини билиб оладилар. Уларнинг баъзиси мазкур шарҳдан кичикроқ ва баъзиси улуғроқ. Баъзилариники кўпроқ. Буларнинг кўпчилигига бу эзилган камина ҳисобсиз яхшиликлар килганман. Эвазига эса беҳисоб зулм ва беҳад озорлар кўрганман. Лекин кўрмасликка олиб, айбларини кечирганман. Тангри уларга инсоф берсин. Мен мазлумни ва менга ўхшаган бечораларни уларнинг зулмидан халос этсин. Бу зикр қилинган феъл ва ёзилган иллатлар худбиннинг кўпчиликка нисбатан ўзини устун ва қилиқларини ёқимли деб билганидан ҳамда ўз жиловини шайтоний нафснинг қўлига бериб, нафсига қурбон бўлиб қолганининг касофатидир. Барча ёмон феъллар шунинг натижасидир. Бу феъллардан қутулиш учун камтарин ва фоний бўлиш (нафсни ўлдириш – А.Т.) талаб қилинади.

**Қитъа:**

Кишики топса фано кўраси ўтиға гудоз,  
Агарчи зотида юз навъ қалби ғашлиқ бор,  
Вужуди олтуни ул қалбу ғашдин айрилибон,  
Не жавҳарий ани кўрса топар тамом иёрга.

**Шарҳи:**

Агар киши фонийлик қўраси (ўчоқ, оташдон) ўтида эриса, зотида юз хил ғашлик бўлса ҳам вужуд олтини қалбдаги ғашлиқдан айрилиб, жавҳаршунос-заргар кўрса, унинг соғ олтин эканини кўради.

**Учинчи қисм:**

Бу навъ ишда ҳаддан ташқари беқарорлиқдур. Бу ҳам уч хил бўлади.

Биринчи хили бу зикр қилинган ишда ҳаддан ташқари беқарорлик қилмоқ ва ғоятда чегарадан чиқмоқки, бундай кишининг бошида салтанат даъвоси пайдо бўлгай ва у бош бу ният билан барбод бўлгай. Шу каби ақли қисқа нодонлар ўзларини шарифу азиз тасаввур қилиб, бу калтабинлар ҳақиқий азизу шариф умрни тарк қилдилар ва хорлик билан сиёсат дорига осилдилар ва тож хаёли билан бошларини тарк этдилар ва йўқлик мамлакати тахтгоҳига (охиратга. — А.Т.) кетдилар.

Иккинчи хили бу жамоатдан худписанд (манман, худбин) ва мутакаббрирроқ. У гурухларким, нубувват (пайғамбарлик) даъвоси майдонига от сурдилар ва бу фосид (бузук) ҳаёт билан хаёл қалъаси буржига байроқ тикдилар ва мўъжиза кўрсатиш даъвосини қилдилар ва бемаъни ёлғонларга ваҳий либосини кийгизиб, жило бердилар. Ва ҳар хоин ва каззобки, бу даъвони қилдилар, пайғамбарлар арвоҳларидан уларга жазо ва расвонлик етишди. Дўзахга етмасдан бурун баъзиларини куйдирдилар ва баъзиларини сўйдирдилар ва кулини кўкка совурдилар ва уларнинг фитнаси ўтини ўчирдилар.

Учинчи хили булардан ҳам фафлатлироқ ва лаънатга лойикроқдирларки, улар нотўғри даъво йўлини туттадилар.

ган эдилар. Мададсиз Фиръавн ва рад қилинганд Намруд шундайлар тоифасидан.

Яна шуларга ўхшаш беадаб ва беҳаёларки, саҳву хатоларни қилдилар, оғизларига тош бўлсин ва тупроқ бўлсин. Мумкин эмас ишни даъво қилдилар ва даъволари устида ёлғон сўз қилдилар. Охири тенги йўқ Тангри таоло (унинг шериги ҳам йўқ, ўхшashi ҳам, туғилмаган ҳам, фарзанди ҳам йўқ, яккаю ягонадир, бешубҳа) файрати илоҳий ва чексиз ғазаби билан уларга ҳам кўп расвониллар насиб этди ва асфаласофилинга кетиб, ишлари шу ерга етди.

Байт:

Заррадин минг қатла камракким, қуёшлиқ урса лоф,  
Кимки бўлса заррае ақли билурким, дер газоф.

Шарҳи:

Қуёшлиқ лофини урган асли заррадан минг  
катла камроқдир,  
Кимнинг заррача ақли бўлса, бу даъвони  
ёлғон деб билади.

## 6-танбех

### Икки илоҳий тамойил

Субҳаноллоҳ, Унинг даргоҳи на қадар кенг ва юксакдурким, у ерда филнинг хартуми пашшанинг хартумига бас келолмас. Не ажабки, саркаш ақл ҳайрон ва илмнинг боши эгиқдирки, бир кишининг юз бош фили бор эди, яримта пашшанинг нишидан забун бўлди (енгилди, мағлуб бўлди). Бу даъвога Қуръондаги "Асҳоби фил" воқеаси ва "Абобил қушлари" далилдир.

(Мусаннифлар иловаси. Ўқувчиларга Ҳазрат Навоий назарда туттган воқеа тушунарли бўлиши мақсадида "Тафсири Ҳилол" китобидаги қуйидаги иқтибосни беришни мақсадга мувофиқ деб билдик.)

## ФИЛ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 5 оятдан иборат.

«Фил» сураси машҳур Фил воқеаси ҳақида сўз юритади. Бу қиссани ҳамма яхши биларди, ҳатто, араблар тарихларини ҳам ушбу ҳодиса бўлиб ўтган йил билан белгилашарди.

Қиссанинг муҳтасари қуидагича: Ҳабашистон (Эфиопия) Яманни босиб олгандан сўнг, Ҳабашистон подшоси Яманга Абриҳа ал-Ашрам исмли шахсни ҳоким этиб тайинлади. Абриҳа барча ҳабашистонликлар қатори насроний динида эди. У Яман пойтахти Санъо шаҳрида жуда дабдабали, серҳашам черков қурдириб, унга «ал-Қалийс» деб ном берди. Арабларни Каъбадан буриб ўз черковига ҳаж қилдирмоқчи бўлди. Барча уринишлари пучга чиққандан сўнг, ниятига куч ишлатиш йўли билан эришмоқчи бўлди. Каъбани бузиб ташлаб, ҳаммани ўз черковига буришни қасд қилди. Шу мақсадда катта аскар тўплади, урушга керак бўладиган барча нарсаларни олди, арабларнинг қалбига даҳшат солиш учун кўплаб филларни ҳам олди ва Маккага қараб юрди. Йўлда ҳеч қандай қаршиликка учрамай Тоиф шаҳри тарафидан Маккага яқинлашиб, ал-Миғлас деган жойга аскари билан келиб тушди. Сўнгра, Маккага одам юбориб, у ернинг улуфини олиб келишга буюрди. У бориб Қурайш қабиласи раҳбари, улуғи Абдулмуттолибни етаклаб келди. Абдулмуттолиб гавдали, хушбичим, серсавлат, викорли одам эди.

Абриҳа уни кўриб қойил қолди ва тахтидан тушиб унга пешвоз чиқди. У билан бирга гилам устида ўтирди ва таржимонга:

«Сўрагин, менда нима ҳожати бор экан?» — деди. Абдулмуттолиб: «Аскарлар менинг икки юзта түямни ҳайдаб кетишибди, шуларни қайтариб берсанг», — деди. Абриҳа таржимонга:

«Унга айт! Келганингда сени кўриб қойил қолган эдим. Сўзингни эшитиб ҳафсалам пир бўлди, сенинг ва

ота-боболарингнинг дини бўлган Каъбани бузгани келиб турибман-у, сен уни сўрамай, ўзингнинг икки юзта туюнгни сўраяпсан», деди.

Абдулмуттолиб:

«Мен туюнинг эгасиман, Каъбанинг ҳам ўз эгаси бор, ҳимоя қилиб олади», деди.

Абриҳа:

«Мендан ҳимоя қилолмас», деди.

Абдулмуттолиб:

«Ўз билганингни қилавер», деди. Унга туяларини қайтариб беришди. Абдулмуттолиб Макқага қайтиб, одамларни тоқقا чиқиб кетишга буюрди. Ўзи бир неча киши билан Каъбага борди ва ҳалқасини ушлаб туриб, илтижо қилиб дуо қилди. Сўнгра улар ҳам тоқقا чиқиб кетишди.

Абриҳа аскару филларини тўплаб, Каъбани бузишга юрмоқчи бўлди. Лекин филлар ётиб олиб, ҳеч ўринларидан турмади. Бошқа тарафга буришса, фил тезлаб борди, лекин яна Макка тарафга буришса, ётиб олаверди. Шу пайт Аллоҳ таолонинг иродаси билан тўп-тўп қушлар учиб келиб, душманлар устидан тош ташлай бошлади. У тошлар кимга тегса, шу жойида ўлаверди. Аскар қирилди. Абриҳанинг жасади узилиб-узилиб туша бошлади. Уни кўтариб Санъогача олиб боришди ва у ўша ерда вафот этди.

Аллоҳ таоло бу сурада барчага ўз қудратини ва мўжизасини эслатмоқда. Кимки Аллоҳга, Унинг динига қарши чиқса, оқибати нима бўлишини таъкидламокда.

### *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*

**1. Роббинг фил соҳибларини нима қилганини билмадингми?**

Яъни, албатта, яхши биласан.

**2. Уларнинг макру ҳийласини зое кетказмадими?**

**3. Ва уларнинг устига тўп-тўп қушларни юбормадими?**

**4. Лойдан пиширилган тошларни отадиган.**

**5. Бас, уларни қурт еб ташлаган ўсимликка ўхшатиб юбормадими?**

Уламолар ривоят қилишларича, бу улкан ҳодиса Пайғамбаримиз Мұхаммад солаллоҳу алайҳи васал-лам дунёга келишларидан эллик күн олдин бўлиб ўтган экан. Бўлган барча мўъжизалар шу зотнинг шарофатларию баракотларидандур. Кўпгина тарих китобларида, Мұхаммад алайҳиссалом «Фил йили»да туғилганлар, дейилишининг сабаби ҳам шу.

### **7-танбеҳ**

#### **Оллоҳнинг сифатлари**

Ҳар нарсаки боқий эмас экан, у мақтовга лойиқ эмас. Ҳар нарсаки, ўзига ўхшашга муҳтоҷ бўлса, у илоҳликдан ташқаридир. Тангри таоло ҳеч кимга ўхшамас ва ҳеч ким Унга ўхшамас. Шундайки, Тангри одамга ўхшамайди ва одам Тангрига ўхшамайди. Ҳар соҳада инсоннинг иши Тангрининг ишига ўхшамас. Унга на замон ва маконнинг даҳли бор ва замону макон Ундан холи эмас. Яъни Тангрининг макони йўқ ва у ҳамма вақт ҳамма ерда мавжуд. На холи ер ва на тўла ер Унинг макони. Лекин холи ерда ҳам, тўла ерда ҳам мавжуд. Кибриёлик ва улуғликнинг асоси Холиқи (яратувчи) Жаббордур. Бу сифатга у лойиқ ва бу сифатга У сазовордур (Буюклиги юксак ва неъматлари умумий бўлган бир Оллоҳдан ўзга Илоҳ йўқдир.)

### **8-танбеҳ**

#### **Худпарастлик ва будпарастлик**

Такаббурлик – шайтоннинг иши ва манманлик – нодоннинг иши. Мутакаббир Тангрининг дўстлари олдида таънага қолган ва Тангри қошида рад қилинган ва лаънатланган. Худбиннинг иши элга маъқул эмас. У ўз илмига мағрур, аммо олимлар олдида айбдор. Тангрининг қаҳрига учраган, худпарастликдан бутпарастлик яхшироқ.

### **9-танбеҳ**

#### **Эҳсон – улуғ неъмат**

Яна бир улуғ амр борки, у эҳсон ҳақидадир ва бу ҳақда кўп гапирилган. Масалан, "Инсон яхшиликнинг

қули" дейилган ҳадис шулар жумласидандир ва "Эҳсоннинг мукофоти ҳам эҳсон" ояти ҳам бунга далил. Барча мазҳабларда ва барча миллатлар қошида событдурким, яхшиликка мукофот яхшилиқдур. "Оллоҳ сенга қандай яхшилик қилган бўлса, сен ҳам шундай яхшилик қил" деб Ҳазрат Расулуллоҳ (с.а.в.) айтибдурлар. Инсон учун бундай сифатга эга бўлмоқдан улуғ мартаба йўқдур. Пайғамбар ва авлиёлар, ҳакимлар ва уламолар барчалири шуни таъкидлаганлар ва ҳеч ким буни инкор этмаган ва одамлар бундан яхшироқ йўлни билмайдилар.

Эҳсон сифатини охират саодати деб билгин, уни фитна ва офат яъжуж-маъжужидан сақладиган девор, деб бил.

Инсоният боғининг энг гўзал дараҳти эҳсондир ва одамийлик хазинасининг энг бебаҳо гавҳари ҳам эҳсондир. Барча ёқимли сифатлар ва таҳсинга лойик хислатлар эҳсон туфайли юзага келади. Барча яхшиликларнинг жамъи эҳсондур ва ҳақиқатан эришиладиган барча яхшиликлар эҳсон туфайлидир.

Қитъа:

Ажаб сифат эрур эҳсонки, ҳар шариф сифат —

Ки, келса жинси башардин анга эрур дохил.

Жавоҳир англа сифот они жавҳарий қафаси —

Ки, бордур анда қаю бирни истасанг ҳосил.

Шарҳи: Эҳсон шундай ажойиб бир сифатдурки, инсониятдан ҳар қандай яхшилик келса, унга дахли бор.

Уни жавоҳирлар қафаси деб билгинки, у ердан қайси бирини изласанг топилади.

## 10-танбех

### "Жафоларким, менинг жонимга етмиш..."

Аммо бу замон ва давронда ё замон ўзгариши ва унинг нуқсонлари ёки давр ва замон аҳлидаги ақл ва инсонийликка етишган ёриқ туфайли бу варақ тескари ўтирилган ва бу ҳукм акс-тескари натижа бергандир. Яхшиликнинг жавоби — қўполлик, одоб билан қилинган

хушмуомаланинг жавоби – кеккайиш, такаббурлиқдан бошқа муносабат кўрмайсиз.

Бирога бир хизмат (яхшилик) қилсанг, жавобига ўн зарба ейишга тайёр турмоқ керак. Кимгаки бир тавозе кўрсатсанг, сен минг қўполлик ва дилсиёҳликка ҳозир бўлмофинг керак. Бирони олқишлигудек бўлсанг, унинг кўп қарғишига учрайсан. Бирони бир мақтасанг, ўн марталаб ёмонлаб ҳам қутулмайсан. Бирога бир қадаҳ май тутсанг, қадаҳ-қадаҳ қон ютмофинг керак. Ҳар қанча хизмат қилиб, эвазига жабр-жафо кўрганинг ҳолда, яна сендан хизмат кутадилар, ҳар қанча вафодорлик кўрсатиб, кўз олдида ранж-машаққат тортсанг, сендан яна қуллуқ тамаъ қиладилар. Ҳар вафо эвазига юз жафо чекмасанг, сен гуноҳкорсан ва ҳар меҳр-муҳаббатингга минг дарду амал кўрмасанг, сенг хонавайронсан. Уларга жон фидо қилсанг, сендан яна жонинг билан ташаккур изҳор қилишингни кутадилар. Агар бу ишни адо қилсанг, яна такрор жон фидо қилишини талаб этадилар.

Уларнинг юз муддаоларини бажарсангу, биттаси қолса, бошдан оёқ айбдорсан. Минг-минглаб орзуларини юзага чиқарсангу, биргина узр орага тушса, бутунлай бебахтсан. Ёмонлик қилганларида минг карра ёлвориб илтижо қилсанг, улар учун сендан ёмонроқ киши йўқ. Дўст сифатида жонингни бермасанг, уларнинг кўнгли учун ноҳақ қон тўкишга рози бўлмасанг, улар сенинг қонинг тўкилишига розилик берадилар. Доим истаган ишларини ўз вақтида қилсангу, бир қатла нуқсон рўй берса, сенинг умр бўйи қилганларингни ҳаммаси пучга чиқади. Ҳар доим олмоқ – улар учун ҳунар, олганларидан юздан бирини қайтармоқни эса хаёлга келтирмайдилар.

Меҳнат ва машаққатларига чидасанг, отинг бефаросат, буюрганларидан бир озини унутсанг, зоти паст, деб тухмат қиладилар. Барча молингни уларга фидо қилсангу, бир гал эсдан чиқарсанг, лақабинг – бемурувват, қилган жабру жафоларинг эвазига жон бермасанг, номинг – беномус. Бошларидан гул сочсанг, улар юзингта тикан санчадилар. Агар гул сочишни тўхтат-

санг, бафингга чўкиртак ёғилур. Ҳамиша ёлворганларга муомалали — нозу фироқ, ситамлари эвазига эса ҳар замон лутфу карам қайтишини истайдилар. Қайси бечора бу зулмкашлар қўлига тушса, ва бу жабр-ситамчиларга хизматкор бўлса, булар жафосини ўша жафокашлар жонидан сўра ва ситамларининг жароҳатини ўша мажруҳларнинг бағридаги захмлардан кўр.

**Қитъа:**

Жафоларким, менинг жонимга етмиш даҳр ҳалқидин,  
Бири куффордин келмас асир ўлғон мусулмонга.  
Не бедодиким, истарлар қилиб сўнгра ўкуш тухмат,  
Даги юкларлар охир бу жафокаш зору ҳайронга.  
Бу бедод аҳлидин гар жон бериб маҳлас эрур мумкин.  
Қилиб жонни фидо, биллаҳки, миннат қўйғамен жонфа.

**Шарҳи:**

Замон ҳалқидан менинг жонимга етишган  
жафоларнинг  
Бириси ҳам кофирларга асир бўлган мусулмонга  
етишмас.  
Қанчалар зулм қилиб, сўнгра тухматлар тўқиб,  
Охирда уларни бу зору ҳайрон жафокашга юклайдилар.  
Бу золимлардан агар жонни бериб ҳалос бўлиш  
мумкин бўлса,  
Худо ҳаққи, бажонидил бу жонни фидо қиласдим.

## **11-танбех**

### **Саховат ва ҳиммат бобида**

Саховат инсоният боғининг серҳосил дарахти, балки у дарахтнинг фойдали мевасидир. Саховат одамийлик мулкининг мавж уриб турган денгизи, балки у сермавж денгизнинг бебаҳо гавҳаридир. Саховатсиз одам — ёмғирсиз баҳор булутига ва ҳиди йўқ мушки анбарга ўхшайди.

Мевасиз дарахт ҳам биру, ўтин ҳам бир. Ёғинсиз булат ҳам биру тутун ҳам бир. Саховатсиз одамдан гавҳарсиз

садафнинг фарқи йўқ. Дурсиз садаф билан қуриб қолган тошбақанинг фарқи йўқ. Бахил жаннатга кирмас, ҳатто, қурайшларнинг саййиди бўлса ҳам ва сахий дўзахга кирмас, қора ҳабаш бўлса ҳам. Сахий гўё булатдир, унинг иши хирмон-хирмон дон, балки хазина бойлигидир; бахил эса гўё чумолидир, дон-дун териб, ташигани-ташиган.

Саховат фақат ҳиммат аҳлида бўлади ва бу улуғ сифат покиза кишиларга хосдир. Одам бир бадан бўлса, ҳиммат унинг жонидир. Ҳимматлилардан олам аҳли учун юз минг шараф ва шукуҳ етишади. Ҳимматсиз киши – эр сонида эмас. Жонсиз баданни ҳеч ким тирик демас.

Олий ҳиммат одам – балаңдпарвоз лочин. Беҳиммат эса сичқон овловчи калхатдир. Шунқорнинг маскани шоҳнинг билагидир. Калхатнинг жойи ўлимтикнинг сассиқ бадани ва суягидир. Арслоннинг мақсади ов қилиб, оч йиртқичларни тўйғизмоқ, сичқоннинг ҳаракати эса дон ўғирлаб, тугун ахтармоқ. Ҳиммат эгаси қашшоқ бўлса ҳам тубанлик қилмайди. Ҳимматсиз одам хазина топса ҳам буюкларга teng келмас. Чинор дарахти мевасиз бўлса ҳам унинг юксаклигига нуқсон етмайди. Ер остида яширин хазинанинг тупроққа фойдаси тегмайди.

Ҳимматли кишиларнинг даражаси юксакдир, аммо сахийликнинг даражаси бир неча баробар юксакдир.

Исроф қилиш саховат эмас, ўринсиз совуришни ақлли кишилар сахийлик демайдилар. Ҳалол молни куйдирганни девона дейдилар, ёруг жойда шам ёқсанни ақлдан бегона дейдилар. Мақтаниш учун мол бермоқ – ўзини ўзи кўз-кўз қилмоқ ва бу билан ўзини сахий деб аташ беҳаёлик. Кимки ҳалқقا кўрсатиб эҳсон қилса, у – пасткаш, сахий эмас. Тилагандан сўнг бериш ҳам саховатдан эмас, қистов натижасида бергандан кўра бермаган яхшироқдир. Битта кулчани иккига бўлиб, ярмини оч одамга берганни сахий деб, ўзи емай ҳаммасини муҳтож одамга берганни ахий (ошна, биродар, дўст)<sup>1</sup> деб билгин.

<sup>1</sup> Ахийлар – XII-XIII асрларда Онадўлида вужудга келган “ахийлик” диний-ижтимоий ҳаракати аъзоси бўлиб уларнинг олий мақсади одамларга хизмат қилиш, муҳтож ва мискинларга ёрдам беришдан иборат бўлган.

## **12-танбек**

### **Саховат қандай қилинади?**

Хұнарларни (яхшиларни) топмоқ едирмоқдир ва айбларни ёпмоқ эса кийдирмоқдир.

Зарур вақтида берилған эски чопон ва бўз тўн – саховат, бемаҳал берилған зарбоф чопон – ярамаслик. Таомим увол бўлмасин, десанг – едир, либосим эскирмасин, десанг – кийдир.

Саховат қилиш йўлини шу айтилган гаплардан англа, аммо олижаноблик ва мардлик расмлари бундан бўлакчадир.

## **13-танбек**

### **Карам ва мардлик тўғрисида**

Карам – бир жафокашнинг оғир юкини кўтармоқ ва юкни мاشаққатидан уни қутқармоқ. Карам – бирорнинг тиканлик юкини кўтармоқ ва тикан санчилишидан гулдек очилмоқ ва шу қилган иши ҳақида қайта оғиз очмаслик. Ҳеч қачон миннат қилмаслик ва асло юзига солмаслиқдир. Карам сифати "Акрам ул-акрамин", яъни карамиларнинг карамлиси Тангри таолодир. Соҳиби карам киши Ҳақнинг бу сифатига тобеъ кишидир.

Ҳозирги пайтда карам сабзавоти сабзавотфурушнинг дўқонидан бошқа ерда топилмайди ва меҳр гули (куёш) осмон гулшанидан ўзга ерга очилмайди. Карам инсон табиатида ноёб ва балки йўқдир, шу боисдан карам аҳлини кўз илғамайди, ҳатто, тополмайди.

## **14-танбек**

### **Ажиб жавҳар**

Карамдаги "к" ҳарфини гўё "кимё" сўзининг бошланишидан олибдурлар ва "р" ҳарфини "симурғ" сўзи орасидан ва "мим" ҳарфини хўблар (яхшилар) оғзидан тутибдурлар. Бу жавҳарни олам аҳлидан тилаш, қуёшни заррадан тиламак билан баробардур, энг кичик Сухо юлдузидан осмонни тилаш билан баробардур.

## **15-танбex**

### **Муруват тўғрисида**

Камёблиқда муруват карамнинг уруғ-аймоғидир. Балки эгизак туғишганидир. Буларнинг иккиси ҳам одамийлиги йўқ, халқнинг бевафолигидан хабардор бўлгач, булардан қочиб, йўқлик дунёсига сафар қилибдурлар. Соҳиби карам у гўзал, қимматбаҳо бойлиқдан айрилишини тўғри иш деб билмайди.

Ва муруват соҳиби у шариф хулқидан айрилмайди.

Карам билан муруват иккаласи қаерда бўлса ҳам Тангрининг паноҳида бўлсин, иззат ва ҳурмат маконидан ўрин олсин.

## **16-танбex**

### **Вафо тўғрисида**

Вафо шундай сифатдурким, карам ва муруват уни халқ орасида тополмай ахтариб, йўқлик мамлакати томон кетибдурлар. Жаҳон гулшани вафо гули зийнатидан маҳрум бўлиб қолган ва башарият гули вафонинг муаттар ҳидларидан айрилган.

Дунёнинг қоронғи тупроқхонасини вафо шамъи ёритмай қўйди ва замон эса бевафолар кўнгли билан улфатлашмоқда.

Вафонинг наргис гули давр чаманига кўз солмайди ва кишиларнинг кўнгил фунчсида кўролмаслик ва ҳасаддан ўзга нарса топилмайди.

Вафо шундай бир покиза маҳбубки, у табиати ва кўнгли пок бўлмаган кимсага ром ва улфат бўлмайди. Вафо шундай бир пок зот матлубки, у зоти тоза, табиати пок бўлмаган одамга яқинлашмайди ва унга рағбат кўрсатмайди. Вафо – шундай асл гавҳарки, у инсоният тожини безайди.

Лекин дунёда вафога лойиқ инсон йўқдурки, бу унинг бошидаги тожида гавҳар бўлиб, порлаб турса. Аммо олам элида одамийлик йўқдир, шуни унутмаслик керакки, вафо ҳаё билан пайваста, ҳаё ҳам вафо билан вобастадир.

## 17-танбех

### Вафо билан боғланган ҳаё зикрида

Карам билан муруват ота ва онадирлар. Вафо ва ҳаё икки эгизак фарзандлардир. У иккисида қанча равшаник ва софлик бўлса, бу икковида ҳам шунчалик жипслик ва яқинлик бор. Ҳар бир юракда ҳаё бўлса, у ерда вафо ҳам бор ва ҳар масканда агар униси топилса, бу ниси ҳам топилади.

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Агар кимда бу икки сифат бўлмаса, унда имон ҳам йўқ. Агар кимда имон бўлмаса, унда одамийлик ҳам йўқ. Умр вафосиз бўлса, ундан умид кўзини ёритиб бўлмас. Маҳбуб бевафо бўлса, ундан абадий висол тамаъ қилиб бўлмас. Эранлар (авлиёлар) ахли вафодор ва хотинлар бевафо. Комилларда ҳаё бўлади ва ноқислар – беҳаё. Вафо билан ҳаё оламнинг қоронги жойидан ўтиб, йўқлик оламидан ўрин олганлар. Шундай қилиб, улар ўзларини бир-бirlари билан овутибдилар. Қолган вафосиз ва бевафолар уларни унутибдурлар. Кимга вафо кўрсаттан бўлсан, ундан юз бевафолик кўрмагунча қутулмадим. Ким билан бир меҳр-муҳаббат ила муомалада бўлдим, минг жабру жафо тортмагунимча ундан халос бўлмадим.

### Байт:

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим,  
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

### Шарҳи:

Кимга бир вафо қилсан, ундан юз жафодан бўлак нарса кўрмадим,

Кишиларга юз меҳр кўрсатиб, улардан минг дарду балодан бошқа нарсани кўрмадим.

### Давр бевафоларининг жабридан дод!

Ва замон беҳаёлари зулмидан фифон ва фарёд. Токи олам бор экан, бу ўтда ҳеч ким менчалик ўртамас. То бевафолик бор экан, ҳеч ким мен каби бу алангада

ёнмас. Замон кишилари бевафолигидан бағримда тиканлар бор ва давр халқи беҳаёлигидан кўксимда жароҳатлар бор. Булар ҳақида ёзай десам, бардош менга вафо қилмайди. Барчасини қаламга олай десам, бунга Нуҳ алайҳиссаломнинг умри ҳам етмайди. Ҳақ уларга инсоф ва раҳмни восил қилсин (насиб айласин, етказсин), ё бу маҳрум жафокашга (яъни, Навоийга) сабр ва чидам ато қилсин.

Байт:

Ё марҳамат ул хайли ситамкораға бергил,  
Ё сабру таҳаммул мени бечораға бергил.

Шарҳи:

Ё у ситамкорларга раҳм-шафқат ҳиссини бергин,  
Ё мен бечорага сабру бардош бергин.

### 18-танбех

#### Ҳилм зикрида

Ҳилм (мулойимлик; жазо беришга қодир бўлатуриб ўзини босиш, ғазаб вақтида вазмин бўлиш, оғир босиқлик) инсон вужудининг хушманзара мевалик боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой тоғидир. Ҳилмни ҳодисалар дарёсида одамийлик кемасининг лангари, деса бўлади ва уни инсоният тарозуси тошига посанги, деса бўлади. Ҳилм Оллоҳ бандасининг қимматбаҳо либосидир ва у либос эгасининг энг чидамли кийимиdir. У ёмон нафсни дайди шамол учирishiдан асрайди ва иккиюзлама мунофиқларнинг беҳуда ҳаракатидан ҳимоя қиласи. Ҳилм туфайли инсон халойиқнинг иззатхурматига сазовор бўлади. Ҳилм туфайли катталардан кичикларга илтифот ва марҳамат етишади. Катта кишилар ёшларни масхара ва кулги қилса, улар қошида ўзи шунча обрўсиз ва бачкана туюлади. Ёшлар ҳам катталарга нисбатан ҳазил ва енгилтаклик қилса, уларнинг олдида уятсиз ва эътиборсиз бўлади. Бу давр боғининг хас-хашак каби одамлари, шамолдек бетайин, енгилтак

кишилари олдида ҳилм ахли гүё оғир табиатли ва ёмон феълли деб камситилади. Уларнинг ўзлари эса қуюндеқ тупроқни ҳавога тўзитадилар ва енгил табиатлари билан гүё бошлари кўкка етади. Тоғ жуссасини оёқ ости қилмоқ — одатлари, дала-даштлардаги зарраларни ҳавога совурмоқ — буларнинг салобатлари. Бундай одамлар ел каби ҳар бир эшикка киришдан ор қилмайдилар, ўтдек куйдиришдан ўзга ишни билмайдилар. Ел гарчи лоланинг тожини учирса ҳам, у тоғнинг қоялари камариға қандай таъсир қила оларди? Ўт тоғ этагидаги хашакларни куйдириши мумкин, лекин у қуёш алангасига бас кела олармиди?

Ҳаққушнинг босиқлик билан зикр айтиши олдида қалдирғочнинг bemalol сайрамоғи малоллик келтирур. Донишманд киши Қуръонни тиловат қилиб турганда пасткаш кишининг елпифич билан варақни совурмоғи хафалик келтирур. Ел агар кўкка етса ҳам, барibir у енгил ва қадрсиздир. Тоғ агар тупроқقا ботса ҳам салобатлидир. Ел-тўзон орасида ўтда ёнадиган хас-хашаклар бор. Тоғнинг ичида эса шоҳ тожига қадаладиган чўғ каби қизил лаъл бор.

**Байт:**

Оғирлик вазнидиндур селдин ғамсиз Ҳирий тоғи,  
Енгиллик фартидин барбод эрур қомғоқ яфроғи.

**Шарҳи:**

Ҳиро тоғи оғир бўлганидан, уни сел босса ҳам ташвиш чекмайди.

Камғоқ (ёйик) ўсимлигининг япроғи енгил бўлгани учун у шамолда тўзғиб кетади.

### **19-танбех**

#### **Яхшиларга эргашмоқ шарофати**

Тангри дўстларининг ҳикоят ва ахлоқларининг ривояти шундай афсонадурким, улар ухлаган кўнгилини уйғотади ва шундай таронадурким, қотган кўзни йиғлатади.

ди. Яхшиларга эргашмоқ итни поклар чегарасига элтди (асҳоби Каҳфнинг ити – А.Т.) ва ёмонларга яқинлашмоқ – пайғамбар авлодини жаҳаннамга тортди (Нух, алайҳиссаломнинг тўртинчи ўғли – А.Т.)

### **20-танбех**

#### **Ботин кўзи кўр бўлса...**

Кимнинг ботин кўзи кўр бўлса, у Тангрининг дўстларини кўра олмайди. Кимнинг тавфиқ оёғи чўлоқ бўлса, у Тангри йўлига югурда олмайди. Агар киши подшоҳнинг амалдори бўлса ҳам, унинг иши юришиши Оллоҳнинг иноятига боғлиқдир.

### **21-танбех**

#### **Ҳақдан иноят бўлса...**

Агар Ҳақдан иноят бўлса, қулларнинг қули шоҳларнинг шоҳи бўлади, агар Тангри қўлламаса, шайхларнинг шайхи ҳам оламнинг қора сиёҳидир. Луқмони Ҳаким бир қул эди. Оллоҳ ҳикмат ва пайғамбарлик билан унинг бошини кўкка етказди. Шундай қуллардан Жолутда мингларча бор эди, Оллоҳ ғазаб ва сиёсат тифи билан уларнинг бошини ерга туширди.

### **22-танбех**

#### **Зарар кўрмайин десанг...**

Мазлумга яхшилик қилсанг, золимдан омонлиқда бўласан. Агар зўрлардан зарар кўрмайин десанг, кучсизларга фойда етказ. Ақли бор одам кишилар билан душманлашишдан қочади ва одамлар билан дўстлашиш учун келишувчилик эшигини очади.

Арининг ғувиллашида найза санчиш хавфи бор, асаларининг ғувиллашида эса асалга мұяссар бўлиш имкони бор.

### **23-танбех**

#### **Саодатманд йигит**

Саодатманд шундай йигиттурки, у шаҳватга майл қилмайди. Ёмонликка берилган қарининг қўлидан эса ҳеч иш келмайди.

## **24-танбех**

### **Дард аҳлининг нафаси**

Дард аҳлининг нафаси бир ўтдирки, қаттиқ кўнгилни юмшатади ва дийдаси қаттиқ одамни йифлатади. Куйганларнинг дами шундай елки, у манманлик хашагини соvuради ва жаҳолат тупроғини супуради. Ошиқнинг вазифаси — ялиниш-ёлвориш, ишқнинг далили эса куйиш, ёнишдир.

Парвонанинг одати — куймоқ, ўртамоқдир. Булбул эса зору нола билан таскин топади. Кечаси ялтирайдиган қурт, росмана ёруғликни бермайди. Капалак парвона ишини қилолмайди.

**Байт:**

Киши ўзни ясағон бирла бўлурму ошиқ,

Субҳи козиб ёрумас, ўйлаки субҳи содиқ.

**Шарҳи:**

Киши ўзини зўрлаган билан ошиқ бўлармиди?

Алдамчи тонг ёруғи чин тонг ёруғидек бўлармиди?

## **25-танбех**

### **Фонийни унут**

Бебақо нарсаларга кўнгил боғлаш хатодир. Ундан ўзга барча нарсалар завол топадиган Зот, Биру бор "Лам язал ва ло язал"дур (Азалий ва абадийдур), шунинг учун Унинг ишқини маҳкам тут. У Боқий зотдан (Оллоҳдан) бошқа барча фонийларни (йўқ бўлувчи, битувчиларни) унут.

**Байт:**

Анинг ишқин берк тутмоқ керак,

Яна бору йўқни унутмоқ керак.

**Шарҳи:**

Унинг ишқини маҳкам тутмоқ керакдир,

Яна ундан ўзга барча нарсини унутмоқ керакдир.

## **26-танбек**

### **Ошиқнинг ҳоли**

Мажозий ишқда бир маҳбуб бўладики, киши унинг ишқида ўзидан айрилиб мағлуб бўлади. Ҳақиқий ишқда бекарор бўлган ва унинг таажаллиёти зарбаларидан беихтиёр бўлган киши эса ҳаяжон ва изтиробда шунга яраша бўлиши лозим. Ўзидан айрилиш ҳам шундок бўлмоғи керак.

**Байт:**

Саҳонинг ошиқи чун нола этгай,  
Қўёшнинг ҳолиға кўрким, не етгай.

**Шарҳи:**

Суҳо (Хулкар)нинг ошиғи нола қилганда,  
Қўёшнинг ҳолини кўрким, нима ҳолда экан?

(Суҳо қўёшдан кичик бўла туриб, унинг ошиғи шунча нола қилганда, шундай қўёшнинг ошиғи ҳолини айтмаса ҳам бўлаверади.)

## **27-танбек**

### **Ишқ бир ўтдир...**

Дўст дийдорини кўришни истасанг, ошиқ бўл ва агар ўзлигинг бунга йўл қўймаса, сен Унинг ошиқлари атрофифа бўл. Агар сенда ишқ ўтини кўриш ҳаваси бўлса, ишқнинг бир учқуни сен томон учса, басдир.

**Қитъа:**

Ишқ бир ўтдурки, онинг шуъласидин бир шаар,  
Тушса гардун пардасида ўртар андоқким ҳарир.  
Сенки, жисминг парда торидин дағи бўлғай наҳиф,  
Тушса ул янглиғ чоқин тургайму ул тори ҳақир.

**Шарҳи:**

Ишқ бир ўтдирки, агар унинг шуъласидан бир учқун  
Осмон пардасига тушса, уни майин ҳарирдек ўртайди,  
Сенинг жисминг тори эса ана шу парда ишидан ҳам нозик.

Агар унга ўшандай чақин тушса, бечорагина жисм торинг туармиди?

## **28-танбек**

### **Боқий умр эгалари**

Кимки эранлар (авлиёлар) хизматига умрини сарфласа, бу дунёда умри ўтса ҳам, абадий ҳаётига – охиратига етарли захира бўлади. Ўзингни шундайлардан узок тутма, бошинг кетса ҳам, шу муддаони унутма. Умр бевафодир, лекин эранлар ҳаёти (абадий ҳаёт) боқийдир.

**Назм:**

Эранлар хизматидин чекмагил бош,  
Агар бошингга гардундин ёғар тош  
Ки, гар ул тош била бошинг ушалгай,  
Саодат хаттидур, гар захми қолгай.

**Шарҳи:**

Эранлар хизматидан бош тортма  
Агар бошингга осмондан тошлар ёғса ҳам.  
Гарчи у тошлар билан бошинг ёрилса ҳам,  
Бошингдаги жароҳат изи саодат белгиси бўлади.

## **29-танбек**

### **Хатарли йўл**

Валинеъмати (яъни соҳиби, хожаси, эгаси)нинг айбина ахтарувчи қул, гўё пирига муртад бўлган муриддур ва отасига ҳаромзода ўғилдур. Муридга пир ҳаққи бор. Ўғлида отанинг, талабада устознинг ҳаққи, бамисоли бандаларга Қодири Қаюм ҳаққи кабидир.

**Маснавий:**

Кимки ато амрига қўймас бўюн,  
Пир ила маҳдум ишин дер ўюн,  
Билки, чекар Тенгри йўлидин оёқ,  
Тенгри била оқ бўлар, пир-ла оқ.

**Шарҳи:**

Кимки ота амрига бўйин товласа, у пир билан устоз ўртасидаги ишни ҳам ўйин дейди. Кимки Тангри кўр-

сатган йўлдан тойса, билгинки, у Тангрига ҳам оқ бўлар, пирга ҳам.

### **30-танбех**

#### **Чин дўстликнинг шарти**

Кимки бирор билан дўст бўлса ёки дўстлик даъвосини қилса, у ўзига раво кўрмаганни, дўстига ҳам раво кўрмаслиги керак. Баъзи нарсаларни ўзига раво кўрса ҳам, дўстига раво кўрмаслиги керак. Кўп мاشаққатларни чеккан одамнинг руҳига, албатта, алам етади. Аммо у бундай мешаққат дўстининг бошига тушишини асло раво кўрмайди. Мабодо хаёлига келтиргудек бўлса, даҳшатдан у кишининг ҳаёти сўнади.

#### **Қитъа:**

Ёл улдурки, ҳар нечаким ўзига  
Истамас, ёриға ҳам истамагай.

Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,  
Ани мунда шарик айламагай.

#### **Шарҳи:**

Ёр улдирки, ўзига раво кўрмаганни

Ёриға ҳам раво кўрмагай.

Ўзи ёри учун ўлмоққа тайёр эса-да,

Лекин ёрини бу ишга шерик қилмагай.

### **31-танбех**

#### **Тан мулкининг сultonи**

Кўнгил – бадан мулкининг подшоҳи. Кўнгилнинг саломатлиги баданинг ҳам саломатлигидир. Унинг нотоблиги эса бунинг ҳам нотоблигидир. Демак, кўнгил бадан мулкининг эгаси, шоҳлар шоҳидир.

Баданинг соғлиги ва касаллиги кўнгилнинг соғ ёки касаллигига боғлиқдир.

Мамлакатнинг обод ва харобалигий эса шоҳнинг адолати ёки зулмига боғлиқдир.

Подшоҳ — мамлакат баданининг жони, кўнгил — бадан мулкининг султони.

Байт:

Мулк учун солим керактур хусрави кишварпаноҳ,  
Тан учун ул узвким, бўлди бадан мулкида шоҳ.

Шарҳи:

Мамлакат осойишталиги учун соғлом подшоҳ керак.  
Тан учун бадан мулкининг шоҳи бўлган аъзо (кўнгил)  
керак.

### 32-танбех

#### Шоҳга хос хислатлар

Шоҳ лутф ва марҳаматли ҳамда қаттиққўл сиёсат-  
дон бўлиши керак. Аммо ҳар бири ўз ўрнида яхши-  
дир. Шоҳга дўст билан душманни фарқлаш учун кўп  
мулоҳаза ва ўткир фаросат керак. Ёрни афёрдан (бош-  
қалардан, бегоналардан) ажратмоқ учун кўп тажриба  
ва зийраклик керак. Зеро, шоҳнинг сиёсатидан ҳамма  
хавфда ва Унинг марҳаматидан барча умидвор бўлиши  
керак. Шоҳ ўзини халойиққа камтар бир одам сифати-  
да кўрсатмоғи лозим.

Дўст ва душманнинг асл башараси кўрингунча, ному-  
носиб ишлар содир бўлиб қолиши мумкин.

Байт:

Ногаҳон гар бетааммул сурса бир ҳукми аниф  
Ким, заиф андин қавий ёхуд қавий бўлғай заиф.

Шарҳи:

Агар шоҳ ўйламасдан бирор нотўғри ҳукм чиқариб  
кўйса,

Кучли заифлашиб, заиф эса кучли бўлиб қолиши  
мумкин.

### **33-танбек**

#### **Аввал ўила...**

Тутуруқсиз ҳукм бирони нобуд қилса, кейин бундан пушаймон қилғандан нима фойда?

Ёки ўйламасдан бирони олий даражага күттарса, кейин унинг номуносабигини билиб қолиб, яна пастга туширса, бу ўз шаънига заарлидир.

**Байт:**

Тааммул мунда вожибдур бағоят  
Ки, бўлмағай бу навъ иш бериоят.

**Шарҳи:**

Бунда ўйлаб иш қилиш ғоятда вожиб (шарт, мухим)дир,  
Токи бу хил иш риоясиз (юз-хотирсиз, эҳтиётсиз, андишасиз) бўлмагай.

### **34-танбек**

#### **Душманга муносабат**

Подшоҳ душманга шундай сиёsat қилиши керакки,  
дўст ҳам ундан ҳайиқиб турсин.

Ва мухолифларга шундай сиёsat кўрсатиши керакки,  
маслақдошлар ҳам хотиржам бўлишмасин.

**Байт:**

Керакмас мухолифга анча инод  
Ки, қилғай мувофиқни беэътимод.

**Шарҳи:**

Душманга қаттиқ зулм қилмаслик керак,  
Токи тарафдорлар ҳам ноумид бўлмасинлар.

### **35-танбек**

#### **Умри беҳуда ўтувчилар**

Фосиқ олим, билгинки, ўзига золим донишмандир.  
Бахил бой эса нодондирки, у ўз зиёнини кўзловчи. Бу икки тоифа умрини бекорга ўtkизади ва гўрга ҳасрату

армон олиб кетади. Чунки буларнинг бири илм ўрганиш учун қанча мاشаққат тортса-да, лекин илмига амал қилмади. Иккинчиси мол-дунё йифиш учун кўп овора бўлди-ю, уни нимага сарф қилишни билмади.

**Китъа:**

Олимеким, илми эрди беамал,  
Ё фанийким, молига бухл эрди ёр.  
Ўлдилар юз ҳасрату армон била,  
Элга бўлди ишларидин эътибор.

**Шарҳи:**

Илмига амал қилмаган олим,  
Ёки молига баҳиллик қилган бой  
Юз ҳасрат ва армон билан ўлади.  
Уларнинг ишлари халқ учун ибрат бўлади.

### **36-танбех**

#### **Озорнинг бир тури**

Ёмонларга лутфу карам қилмоқ, билгинки, яхшиларга зарар етказмоқ ва озор бермоқдир. Мушукни парвариш қилмоқ, кабутар учун оғатдир. Шоқолнинг ёнини олмок, билгинки, товуқни тухумини қуритмоқдир.

**Байт:**

Бўрини қўзи била қилган семиз,  
Кийик жамъу хайлиғадур раҳмсиз.

**Шарҳи:**

Бўрини қўзи билан семиртирган одам кийик тўдала-  
рига ҳам раҳмсиздир.

### **37-танбех**

#### **Илм ва бойлик**

Илм ўрганмоқ — динни мустаҳкам қилмоқ учун, аммо бойлик орттиromoқ учун эмас. Саховатсиз бой бамисоли ёмфирсиз булатга ўхшайди. Илмига амал қилмаган олим эса устига китоб ортилган ҳайвонга ўхшайди.

**Байт:**

Ҳаммол нафис раҳт ила гар урса қадам,  
Йўқ нафъ анга ғайри музд бир-икки дирам.

**Шарҳи:**

Ҳаммол қимматли юк ташиса ҳам, унга бундан иш  
ҳақи сифатида бир-икки чақадан бошқа наф, яъни фой-  
да тегмайди.

### **38-танбех**

#### **Бахил ва ҳасадчи**

Бахил одам молини асраш учун қаттиқ азоб чекади.  
Ҳасадчи эса ўз ярамас феъли туфайли тинч яшай ол-  
майди. Униси ўзига ўзи берган азобдан қийналади. Бу-  
ниси эса ўз қилиғидан дард чекади.

**Байт:**

Анга молининг ҳифзи ранжу ано,  
Мунга феълининг зишти дарду бало.

**Шарҳи:**

Унисига молини сақлаш — азобу уқубат,  
Бунисига ярамас феъли дарду балодир.

### **39-танбех**

#### **Баҳам кўрилган бойлик**

Киши ўз молидан қанча фойдаланса — ўзиники. Қан-  
ча асраса, ўзганикидир. Шундай экан, заҳмат билан топ-  
ганингни ўзингдан аяма. Дўстлар билан меҳнат қилиб,  
топганингни душманлар учун асрама.

**Байт:**

Мол улдурким, эл андин топса баҳр,  
Душман андин топса, тенгдир нўшу заҳр.

**Шарҳи:**

Мол шуки, эл ундан бахра олгай,  
Душман ундан фойдаланса, заҳару асал тенг бўлиб қолгай.

#### **40-танбех**

##### **Оқил одамлар**

Ақлли одамлар подшоҳлар марҳаматига ишонч билдирмайдилар. Донишманд кишилар тентакларнинг гапсўзларига ишонишни ўринли демайдилар. Зоро, подшонима қилса, ихтиёри унинг ўзиададир. Тентак эса беихтиёрдир. Шундай экан, ақлли одам иккисидан ҳам эҳтиёт бўлиши яхшидир.

**Байт:**

Ул чу соҳибихтиёр ўлди-ю, бу – беихтиёр,  
Иккисида жазму ҳикматнинг хилофи ошкор.

**Шарҳи:**

Униси – ихтиёр эгаси, буниси эса ихтиёрсиз,  
Лекин иккисида ҳам ақл билан ҳикматнинг  
тескариси бор.

#### **41-танбех**

##### **Фурсатни ғанимат бил**

Ҳар бир қийин иш, мол сарф қилиш билан осонлашади. Агар шуни қилмасанг, жонинг хатардадир. Мол сарфлаш билан қутулишни ғанимат бил ва ҳар қачон саломатлик томон юриш қил.

**Қитъа:**

Дирам била бўла олса зарарни қайтармок,  
Хато эрур киши ул ишда айламак таътил.  
Анинг паноҳига кир, Тенгрини паноҳ айлаб,  
Ва лек айла бу хайр иш қилурда кўп таъжил.

**Шарҳи:**

Пул билан зарарни қайтариш мумкин бўлса, бундай ишда киши сусткашлик қилиши хатодир. Тангрини па-

ноң айлаб, айни вақтда бу хайрли ишни бажариш учун тез ҳаракат қылғын, шошилгин.

#### **42-танбек**

##### **Алдама ва алданма**

Хар бир ишдан фойда күттанингда, уни бажариш чоғида машаққат тортасан. Агар таъбингда иккиланиш пайдо бўлса, сен шундай йўлни тутки, машаққати озроқ ва озори камроқ бўлсин. Дунёга алоқадор ишни бўшроқ тут, охират иши фойдани тасаввур қилиб, ўзингни овут. Нодон насиҳатида хато бўлиши аниқдир ва душман насиҳатида фириб бўлиши аниқдир. Ундан алданиб қолмава бунисига ўзингни алдатма.

Байт:

Хуштур хиради кўп эл сўзига кирмак,  
Не бозий емак хушу, не бозий бермак.

Шарҳи:

Ақли кўпни сўзига кирмоқ яхши,  
Лекин алданмоқ ҳам, кишиларни алдамоқ ҳам яхши эмас.

#### **43-танбек**

##### **Икки йўл**

Нафсингдан сенга зулм етса, надомат эшигини оч ва Тангри паноҳига қоч. Ва тавба этагига қўл ургинда, шутавба устида мардонавор тургин.

Қитъа:

Нафси кофардин неким етгай санга,  
Тавба айлаб, тавбада мардона бўл.  
Йўл икидур, журм бирдур, тавба – бир,  
Ул йўл ар боғланди, очуғдир бу йўл.

Шарҳи:

Бераҳм, тийиқсиз, инкор этувчи, саркаш нафсингдан сенга зулм етса, тавба қилиб, шу тавбангда собит туриб, мардонавор бўл.

Йўл иккитадир: бири – гуноҳ, бири – тавба, биринчи йўл беркилса, иккинчиси очилади.

#### 44-танбех

##### Зулм ва сабр

Агар нафси баддан (бировдан) – сенга зулм етса, сен шукрни вожиб бил ва Тангрига ҳамд айтгинки, золим сен эмассан.

Мазлумликка мубтало бўлиш золимлик балосидан яхшироқдир.

Байт:

Киши минг зулм агар чекса, керакким бўлмаса қонеъ,  
Вале бир зулмга минг навъ керакким англаса монеъ.

Шарҳи:

Кишига агар минг зулм етса ҳам қаноат қилиб, шукрни бажо келтириши керак. Лекин ўзи бировга бир зулм етказмоқчи бўлса, буни қилмаслик учун ўзига мингта тўсик, қўйиши керак.

#### 45-танбех

##### Ёлғон даъво

Замон одамларидан кўра ўзини соф кўнгилли, деб ўйлаган киши ёлғон айтади ва ошиқлик даъво қилганинг сўзи ҳам ёлғондир. Чунки софдилликни даъво қилувчи кишида бу сифат кўринмайди. Бу замон аҳлида ошиқликнинг йўқлигига улардаги юраксизлик сабаб. Ва бу кўнгил сен хаёл қилган кўнгил эмас. Соф кўнгилли киши бундай юракни кўнгил демас (бу ерда юраксизлик деганда риёзатдан қочиш назарда тутилмоқда – А.Т.).

Байт:

Ҳам ани дажжол топиб, ҳам наби,  
Исо била teng бўлурми маркаби?

**Шарҳи:**

Дажжол ҳам соҳибдил бўлаверса, набийлар ҳам соҳибдил бўлаверса, унда Ийсо алайҳиссалом ўз маркаби – эшаги билан teng бўладими?

#### **46-танбех**

##### **Кўнгил – маърифат боғи**

Агар бир парча хушбичим гўшт кўнгил бўлса ва агар бу қон боғлаган фунча кўнгил жуссаси бўлса, баҳорда гул тупидек юракли киши топилади, деб хаёл қилиб бўлмайди.

Аммо бундай кўнгилни кўнгил деб бўлмайди. Чунки уларда куйиб ёниш йўқ. Кўнгил маърифат боғидан ваҳдоният (танҳолик, якка – ягоналик; борлиқда Оллоҳдан бошқа барча нарсани фоний деб билмоқ) райҳонининг эсган шабадасидир ва руҳоният гулистонидаги ошно гулларнинг ҳидидир.

Хусн малоҳатини идрок қилувчи ҳам кўнгил ва ишқ ўти алангасида ёнувчи ҳам кўнгилдир. Яхшиларнинг гўзал юзига кабоб бўлгувчи ҳам у, жамол латофати хазинасига гадолик қилувчи ҳам удир. Ишқ мамлакатининг ободлиги унинг селдек оққан ёшидан ва шавқ шабистони ёруғлиги унинг шуъласи ёруғлигидан ва аҳли диллар кўнгли шу ишқ шуъласи нуридан ёруғ ва улар шу шуъла нуридан айримасинлар ва риёкор зоҳидлар гуруҳига яқинлашмасинлар.

**Байт:**

Мени бедилга, ё Раб, бу кўнгулни тутқил арzonи,  
Они мендин айирма, доги менсиз тутмағил они.

**Шарҳи:**

Ё Раб, менга шундай кўнгилни лойик кўргин,  
Уни мендан айирма, уни ҳам менсиз қолдирмагин.

## **47-танбех**

### **Тил жароҳати**

Кимки бироннинг кўнглини қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга ҳам аччиқ тил заҳарли найзадек санчилади. Кўнглига теккан тил найзасининг жароҳати битмайди. У жароҳатта ҳеч нарса малҳам бўла олмайди.

Агар кўнгилда тил найзасининг жароҳати бор экан, унга фақат яхши сўз ва ширин тил малҳам бўла олади. Мулойим сўз ваҳшийларни улфатта айлантиради. Афсунгар афсун билан илонни инидан чиқаради.

Байт:

Хусну жамолсиз киши ширин калом эса,  
Сайд айлар элни нукта фасоҳат била деса.

Шарҳи:

Хусн-жамоли йўқ одам ҳам ширин сўз бўлса, гўзал ва ширин сўз билан элни ўзига ром қиласди.

## **48-танбех**

### **Тилга ихтиёrsиз – элга эътиборсиз**

Тилга ихтиёrsиз – элга эътиборсиз. Беҳуда сўзлайдиган эзма – кечалари тонг отгунча тинмай ҳуродиган итга ўхшайди. Ёмон тилли кимса эл кўнглини жароҳатлайди. Ўз бошига ҳам офат келтиради.

Нодоннинг ваҳшатли ёлғонга томоқ қирмоғи эшакнинг сабабсиз ҳанграшига ўхшайди. Ширин сўзли одам юмшоқлик билан ёқимли сўз айтади. Кўнгилга тушмоғи мумкин бўлган юз фам унинг ширин сўзи туфайли дафъ бўлади. Сўзда ҳар қандай яхшиликнинг имкони бор, шунинг учун дебдурларки, нафаснинг жони бор. Исо алайҳиссалом нафас билан ўликка жон киргизди, гўё нафаси ўликка жон бўлар эди.

Ўзи хунук, гапи беъмани, овози ёқимсиз одам қурбақага ўхшайди. Аҳли саодатларнинг баҳти, толейи баланд азизларнинг руҳга жон бағишловчи манбаси ҳам ширин сўздир, ёмонликларни пайдо қиласиган Наҳс юлдузининг чиқадиган жойи ҳам тилдир. (Наҳси асфар

— Миррих (Марс) сайёрасининг номи бўлиб, қадимги Рим мифологиясига кўра, у уруш ва қон рамзи ҳисобланган. — А.Т)

Тилини тия олган киши донишманд ҳакимдир. Сўзга эрк берган одам — беандиша ва пасткаш. Тил ширин ва ёқимли бўлса, яхши.

Тил билан дил бир бўлса, яна ҳам яхши.

Тил билан дил инсондаги энг яхши аъзолардир. Бўстонда гулсафсар, гулғунча ва райҳонлар энг ёқимли гуллардир.

Одам тил туфайли бошқа ҳайвонлардан имтиёзлидир. Инсоннинг бошқалардан афзаллиги унинг тили орқали билинади.

Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлса, у тилнинг офатидир. Баъзилар тили шириклиги туфайли Исо алайҳиссалом каби сўзлайдиган бўлди.

Ҳусайн Мансур мирзо тили тезлигидан дорга осилди.

Байт:

Ҳар неча бийми ҳажр сўзи ошиқ ўлтуур,  
Вуслат башорати яна жисмiga жон берур.

Шарҳи:

“Ҳажр”, яъни “Ҳижрон” сўзининг даҳшати ошиқни ўлдиргани билан

Висол ҳақидаги хабар унинг жисмiga яна жон бағишлияди.

#### 49-танбех

#### Ширин тил фазилатдир

Тил шириклиги кўнгилга ёқимлидир, мулоимлиги эса фойдалидир. Чучук тил аччиққа айланса, кўпчиликка бунинг зарари тегади. Қанддан май тайёрланса, ҳаром бўлади. Ширин сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир. Болалар учун ширинсўз одам, ҳалвофуруш каби севимлидир.

**Байт:**

Хуш сўзга ким ўлса маству беҳуш,  
Шарбат аро заҳрни қилур нўш.

**Шарҳи:**

Яхши сўзга ким маству беҳуш бўлса,  
Шарбат ичидаги заҳарни ҳам ичиб юборади.

### **50-танбех**

#### **Ёлғончининг оқибати**

Агар кимки ёлғон сўзласа, ёлғони фош бўлгач, уялиб қолади. Ёлғонни чиндек қилиб гапиравчи сўзамол худди кумушга олтин қопловчи заргар кабидир. Ёлғон афсоналар уйқуни келтиради. Ёлғончи уйқуда гапиравчи кабидир. Ёлғон сўзловчи фафлатдадир. Сўзнинг бир-биридан фарқи кўпdir. Лекин ёлғондан ёмонроқ тури йўқdir. Ёлғон гап билан вақтини ўтказувчи одам, ҳеч афсусланмайди, балки кишиларни алдагани билан фахрланади. Ёлғончи гўл одамни топса, уни ёлғон гапи чинлигига ишонтирса, у муродимга етдим, дейди. Ёлғончи – Ҳақ олдида гуноҳкор, ҳалқ олдида эса шарманда. Бундай наҳснинг юзи ёмонлик томон бурилган бўлади. Бундай наҳс бундай қутлуғ уйдан нарироқ бўлсин.

**Байт:**

Ул кишини қутлуғ эвдин ташқари сурмак керак,  
Қутлуғ эв дунё туур, яъники ўлтурмак керак.

**Шарҳи:**

Ундай кишини қутлуғ уйдан ташқарига ҳайдаш керак,  
Қутлуғ уй шу дунёдир, демак, уни (ёлғончи) ёлғончини ўлдирмоқ керак.

### **51-танбех**

#### **Ёлғон – катта гуноҳ**

Кимки ёлғон сўзини бировга тўнкаса, ўз қора юзини ёғга булагай, ёлғон улуғ гуноҳдир. Ёлғон озгина бўлса

ҳам катта гунохдир, у агар миқдори озгина бўлса ҳам ўлдирувчи заҳардир.

**Байт:**

Захрнинг оз эса миқдори доти муҳлиқдур,  
Игнанинг нўти заиф эрса, доти кўр қилур.

**Шарҳи:**

Заҳарнинг миқдори оз бўлса ҳам ўлдиради,  
Игнанинг учи заиф бўлса ҳам кўр қилади.

### **52-танбех**

#### **Чақимчи – ўтга тутантириқ**

Кимки у ердан бу ерга гап ташиса, бироннинг гуноҳ юкини ўз бўйнига олган бўлади. Чакимчилик ҳатто чин сўз бўлса ҳам, ёқимсиздир. Энди хаёл қилки ёлғон бўлса, чақимчи хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик бўлсин, дўзах ўтига тутантириқ бўлади.

**Байт:**

Ким сўзни териб айтгувчи оғзиға бергай,  
Молик ани дўзах ўтининг дудига бергай.

**Шарҳи:**

Кимки сўзни териб, чақимчига бергай,  
Хақ таоло уни дўзах ўтининг тутунига солгай.

### **53-танбех**

#### **Дунёнинг таърифи**

Кимки ўзининг бақувват эканини изҳор қиласерса, билингки, Ҳақнинг нақадар қудратли зот эканини билмас экан. Одамки ўзини қувватлиман деб хаёл қилади, лекин билмайдики ўзи ел келса учиб кетадиган тупроқдир. Дунё ҳодисалар уйидир ва унга кўнгил боғламоққа фафлат сабабдир. Олам умр каби бевафодир, унинг давлатига кўнгул боғламоқ ҳатодир.

## **54-танбex**

### **Тириклик ғаниматдир**

Умринг эрталабгача етиб борадими, номаълум, балки шу бугун оқшомгача нима бўлиши ҳам маълум эмас. Инсон зоти борки, охират дунёсига кеттувчилардир. Бир неча кун тириклик ғаниматдир.

Бу фоний дунёни беш кун ғанимат бил ва боқий дунёнинг узун йўли учун тадоригингни қилгин. У йўлнинг яроғи солиҳ амаллардир, ундан сўнгра Ҳақнинг лутфидан умидвор бўлмоқлик.

Тангрининг қабулига лойиқ қилинган амалларнинг Тангри тавфиқ беришига дахли бор. Бироқ қилган амалингга эътимод қилиб (суяниб) қолма, чунки Ҳақ, ўз фазлу карамига олмаса, бефойда.

## **55-танбex**

### **Тўрга тушган қуш**

Қуш то хом хаёлга бормагунча, овчининг тўрига илингмайди ва сайёднинг тўрию сочган донига майл қилмагунча, унга ажал қафаси очилмайди.

## **56-танбex**

### **Тоқатдан ташқари ишдан қоч**

Подшоҳлар даргоҳидан узоқ, хоқонлар базмидан йироқ бўлиш, балки буларни яқинига йўламаслик яхшироқдир. Булардан қоч, чунки тоқатдан ташқари ишдан қоч дейдилар. Кўнгли тусаган ишни қиласиган кишининг олдига ўз ихтиёри билан яқин борган одам ўзини балога гирифтор қиласиди.

Шоҳнинг роъйи келса (хоҳишига қараб), айб ишлар унинг олдида хунардир, хоҳласа, ҳар маъқул иш унинг олдида гуноҳдир. Бундай зот хизматини ўз ихтиёри билан қиласман деган киши маркаб(миниладиган ҳайвон) дир. Киши фойдаланиш учун шер асрайдими? Яхши хосиятга эга бўласман деб, заҳар ичадими? Подшоҳлар хизматини қилиш учун жасорат кўрсатмоқ, — ўз ҳаёти ипини ўз қўли билан узмоқ ва ичиш учун заҳар сўра-

моқдир. Уларга яқин бўлишни истамоқ, ўз ўлими учун бало тифини раво кўрмоқдир. Уларнинг кулишлари чақмоқда ўхшайди. Ёруғлиги эътиборсиз бўлган чақмоқ, куйдиргандан, танадан асар қолмайди.

**Қитъа:**

Чоқин ёруғлиги мадди самодин арзгача,  
Замона тули ики лафз ўқурғача етмас.  
Вале не ергаки тушти қатиф ва гар юмшоқ,  
Бериб они сувға то етмагай қарор этмас.

**Шарҳи:**

Чақмоқ ёруғлиги осмондан ергача етади,  
Икки сўз айтгунча давом этади, холос.  
Аммо қаттиқ ё юмшоқ ерга тушса,  
Уни барбод қилмагунча тинмайди.

**57-танбех**

**Исинишнинг усули**

Шоҳларнинг кайфияти ва хулқини ўргангандонишманлар, уларни ўтга ўхшатибдурлар. Ўт одамга узоқдан наф етказади, ундан фойдаланиш учун четроқда бўлган афзал. Гулхан ўтига четроқдан туриб исинган маъқул. Ичига тушганини дарҳол куйдиради. Ақлли одам ўтнинг яқинида бўлиши тўғри эмас. Ундей балодан ҳазар қилмоқ лозим.

**Байт:**

Ўтдин исинурғача овуч оч,  
Куйдиргудек англасанг, кейин қоч!

**Шарҳи:**

Ўтдан исинмоқ учун кафтигни тут,  
Куйдиришини англасанг, узоқроққа қоч.

## 58-танбек

### Подшоҳлар зикрида

Баъзи саховатли ва матонатли ва иқболли подшоҳлар мақтовлар дарёсига ботибдурлар ва уларни кўприкка ўхшатибдурлар. Шу маъно биланки, кўприк махлуқотларнинг оғиру енгил юкини кўтаради. Уларни сув заҳматидан ва балчиқнинг машаққат ва фализлигидан қутқаради. Ва баъзилар фикр қилиб подшоҳ даргоҳини тўқайзорга ўхшатибдурлар. Шу муносабат билан-ким, барча ҳар хил ҳайвонлар ва инсонлар чорвалар ва йиртқичлар, балки саноқсиз ваҳшийлар ва қушларга паноҳ ва оромгоҳ беради, емак-ичмак билан таъминлайди. Баъзилар унинг фойдаси оммага ва инъоми ошкора дебдурлар, шу хосиятлари учун уни қуёшга ўхшатибдурлар, яъни шаҳар ва биёбонларни ёритиб, вайронай ободонларга ундан ёруғлик етади. Ва баъзилар уни буюк ва фойда етказувчи ва баланд мартабали дебдурлар. Бу муносабатлар билан уни булат дебдурлар, яъни қора тупроққа дурлар сочади, учлик тиконда гуллар ундиради. Ва баъзи турк донишмандлари ва бу қавмнинг оқилу доноси ўз хулосалари билан сўз айтибдурларки, уни бўз кигизга ўхшатиб масал айтибдурлар, яъни сув билан тупроқдан юзига нима келса, сабр билан ўзига сингдиради. Агар найза санчсалар ёки тикон санчсалар суғургандан кейин юзидан азобнинг асари кўринмайди, яъни ўзига олмайди. Агар икки мухолиф гуруҳ икки тарафга тортсалар, икки гуруҳга ҳам майл қилиб, қўл тортсалар яна ўз ҳолига келади. Яна жинсини васф қилишда муносиб нарсаларга ўхшатибдурлар. Аммо сўзни қисқа қилиб, узилиб кетишидан қўрқиб, мавзуузайтирилмади ва сўзни кўп айтилмадиким, бу зикр қилинган юз одил подшоҳнинг сифати ва барча зикр қилганларнинг сифати подшоҳимизнинг олдида мингдан бирга нисбатдур. Озгина фикр юритган англайдики, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло номи зикр қилинган подшоҳга ер устидан қарор берсин. Унга салтанат осмони чўққисидан жой берсин, токи шикаст топғанлар

иши унинг ёрдами билан битсин ва ийқилганларга ундан ёрдам қўли чўзилсин.

Омин, ё Роббал оламин.

Байт:

То қамардур, отига наъл ўлсун,  
То қуёшдур, бошига лаъл ўлсун.

Шарҳи:

Хилол унинг отига тақа бўлсин,  
Куёш эса унинг бошига лаъл бўлсин.

### 59-танбех

#### Қўнгил хазинасининг калити

Ёлғончи – унугтувчи, андиша ва эҳтиёждан четда турувчи. Ҳар кимнинг сўзи чин бўлмаса, ростгўйлар кўнглига маъқул бўлмас. Ёлғончи ўзининг ёлғонига бир-икки марта ишонтиради, кейин нима қиласди? Ёлғончилиги маълум бўлгач, расво бўлади. Унинг сўзига халқ ишончи йўқолади. Қўнгил хазинасининг қулфи тил ва у хазинасининг калитини тил деб бил.

Байт:

Қўнгул ҳолати сўз дегач билгуур  
Ки, махзанда дур ё садафрезадур.

Шарҳи:

Қўнгилни ҳолати сўзлагандаги билинади,  
Унинг хазинасида дур борми ёки садаф синифи?

### 60-танбех

#### Мўътабар ва муҳтасар сўз

Чин сўз – мўътабар, яхши сўз қисқа – муҳтасар. Кўп сўзловчи – зериктирувчи, такрор-такрор гапиравучи – ақлдан озган. Айб изловчи – айбли, киши айбини гапиравучи – ўзига ёмонлик соғинувчи. Тўғрилик билан қаровчи – покиза назарли. Кишиларнинг яхши томонларини кўрувчи – тўғри назарли. Кимнинг миясида ил-

лат бўлса, сўзида мантиқ бўлмайди. Мияси соғлом бўлса, гап-сўзи ёқимли ва хатосиз бўлади. Сўзида паришонлик — ўзида пушаймонлик. Агар сўз гўзаллик зийнати билан зийнатланмаган бўлса, унга тўғрилик безаги етарлидир. Ёлғончининг гапи қанчалик чиройлик бўлса, шунчалик қабиҳдир. Чин сўз қанчалик бетакаллуф бўлмасин, сўзловчи учун афсусланиш йўқдир. Гул либоси йиртиқ бўлса ҳам зиёnsиз, садаф хунук бўлса ҳам инжу учун нуқсонсиз.

Ёлғон сўз шеърдан бошқа ерда номақбул ва ёлғонни айтувчи ақлсиздир.

Байт:

Сўз ичраки ёлғон эрур нописанд,

Чу назм эттилар, қилди доно писанд.

Шарҳи:

Сўз ичидағи ёлғон гаплар номаъқулдир,

Агар у шеърга айланса, донога ҳам маъқул бўлади.

(Бу ўринда шеърдаги муболага назарда тутилмоқда. — А.Т.)

## 61-танбех

### Жоҳиллик жафоси

Нодон — эшак. Балки эшакдан ҳам тубанроқ. Эшакка ҳар нима юкласанг, кўтаради ва қайси томонга бошлисанг юраверади. Ақл ва тамиз даъвоси йўқ. Бермасанг оч, берсанг тўқ. Бир бечора юк ташувчиидир, ўтин ташувчи, балки дон-дун ҳам ташувчи. Нодон эса бу сифатлардан холи, зоти билим либосидан маҳрум. Нодоннинг иши тақаббурлик, кеккайиш. Хаёлида юз хил бехуда ташвиш. Нодоннинг барча бемаъни ишлари ўзига маъқул, барча ёмон ишлари ўзига мақбул. Унинг кўнглида одамларга юз хил озор бериш хаёли бор. Жоҳиллигидан халқа минг зарар етказиш йўлини ўйлади. Эшакнинг ҳанграшидан қулоқقا озор етади. Бундан бўлак нима айби бор? Эшак тегирмондан уйингга ун келтиради. Унни пишириш учун ўтин келтиради. Эшакнинг меҳнатлари миннатсиз, унинг азоблари кулфатсиз.

Нодонни эшак десанг хафа бўлади. Эшакка яхши десанг ҳам, ёмон десанг ҳам барибир.

Байт:

Бирида мунча ҳунар ул бирида мунча уюб,  
Қайсининг хўб эканин аҳли хирад билгай хўб.

Шарҳи:

Бирида бунча ҳунар, бу бирида бунча айб,  
Қайси бири яхши эканини ақллилар яхши биладилар.

## 62-танбех

### Абадий давлат

Шариат — тўғри йўлдир, унда хоҳ кечаси юргин, хоҳ кундузи юргин. Шундай тўғри йўлки, унда адашмоқдан қўрқмай, ваҳимага тушмаса бўлади. Кимки шу йўлга равона бўлса, икки дунё саодати унга лозим (насиб) бўлади. У йўлдан чиққан адашди, тўғри юрган мақсадга етди.

Ҳар соликким (аҳли тариқат) мақсадга етибдур, шу йўлдан чиқмагани учундир. Адашиб чиққанлар яна тавба қилиб, шу суннат йўли бизга фойда берди, — дейдилар.

“Фастақим кама умирта” (эй Мұҳаммад, сиз ва сиз билан тавба қилганлар ўзингизга буюрилган тўғри йўлда бўлингиз оятининг (Ҳуд, 112) мазмуни шу эди. Шариат йўли қилдан ингичка, қиличдан тездир. Кимки шу йўлни босиб ўтса, ўша киши эранлардан (комил инсонлардан. — А.Т.). Кимки шу тўғри йўлдан юра олмаса, жаннатда насибаси кавсару ҳур бўлмас.

(Яъни аҳли суннат мазҳабидан ташқари оқимларга қўшилса, жаннатдан насибаси бўлмайди, - дейилмоқчи — А.Т.)

Байт:

Жоддайи шаръ била кимки ўзин туз қилди,  
Давлати сармад анга ҳар сонидин юз қилди.

Шарҳи:

Кимки шариатнинг йўлидан юриб, ўзини тузатиб олса,  
Абадий давлат унга ҳар тарафдан юзланаверади.

## **63-танбех**

### **Шукр ва узр боиси**

Надомат қилмайдиган фосиқ — шум, надомат қила-диган саодат аҳли олдида мазлум (Яъни нафс туфайли ўзига ўзи зулм қилган). Тақвою, фисқ элга Худонинг тақдиридир, аммо иккаласини бирдек кўрмоқ нодонлик-дир.

Тақводор бўлса — шукр қилмоқ керак, исёнкор бўлса, узрхоҳлик керак. Тавфиққа эришганларнинг надомат белгиси шудир.

Ҳар фисқки, пушаймонлик ўтини алангалатса, ўша ўт гуноҳлар этагининг ҳўлини қуритади. Гуноҳ қилиб, пушаймон бўлиш, тавфиқнинг нишонаси, зухду тақво қилиб, шунга мағрурланса, бу шайтоннинг афсонаси.

Бундай зухд худбин, мутакаббир шайхнинг иши. Пушаймонлик эса Тангрига ҳожатманд кишининг иши. Бу бири абадий саодатга захира бўлади (яъни гуноҳга пушаймонлик). Яна бири тақво — абадий бирликка зийнат бўлади (яъни Тангри билан).

#### **Маснавий:**

Ҳар зухдки, ужб анга эрур зам,  
Кўнглум ҳарамига қилма маҳрам.  
Ҳар фисқки, узр анга эрур ёр,  
Ул ён мени мойил айла зинҳор.

#### **Шарҳи:**

Ҳар зухду тақво ўзга бино қўйишга олиб келса,  
Кўнглим уйига уни яқинлаштирма.  
Ҳар гуноҳки, тавба унга ёр бўлса,  
Мени шу томонга, албатта, мойил қил.

## **64-танбех**

### **Бадфеъллик балоси**

Ёмон қилиқлик ва бадфеъл ва яна аччиқ сўзлик ва бадқовоқлик кишини, албатта, бир балога гирифтор қиласи. Қаерга борса, бир балодан қутулмайди ва ҳар томон қочса, ундан халос бўла олмайди. Ҳамиша душ-

мани — ғолиб, ўзи эса ҳамиша — мағлуб. Душмани — қаҳрли, ўзи эса ҳамиша ёмон аҳволга тушади.

### 65-танбеҳ

#### Очиқ чехралик шарофати

Очиқ чехрали одам хушфеъл бўлиб, мунофиқлик ку-  
дуратидан йироқ бўлади. Жаннатнинг гулшани унинг  
жилвагоҳи бўлади. Ва мақоми жаннатнинг Фирдавс  
боги бўлиб, юриш-туришию, оромгоҳи ўша ерда бўлади.  
Очиқ юзидан ҳалойиққа — хурсандлик, ширин сўзидан  
эл-юртта хуррамлик етади.

Одамийлиги билан кўнгилларга — севимли, инсоний-  
лиги билан жонларга — ёқимли. Ундан дўсту душман хо-  
тиржам. Бундай киши умридан барака топсин.

#### Маснавий:

Юзидин кўнгулларга айшу тараб,

Сўзидин баданларга дафъи тааб.

Очуғ чехраси тоза гулдин нишон,

Ҳадисига булбул бўлуб жонфишон.

#### Шарҳи:

Юзидан кўнгилларга шодлик ва хурсандлик келади,

Сўзидан баданлардаги чарчоқлар дафъ бўлади.

Очиқ чехраси — тоза гулдан нишона,

Сўзларига булбул ўз жонини фидо қилади.

### 66-танбеҳ

#### Икки тоифа

Душманинг мағрурлигидан ғам ема, маддоҳнинг ху-  
шомадини рост, деб ўйлама. Душманинг ғарази — ёмон  
ниятига етмоқ, маддоҳнинг ғарази — хорлик билан сен-  
дан арзимас инъом олмоқ. Агар иккисига илтифот қилма-  
санг, уларнинг истагини қабул қилишни лозим топмасанг,  
бири ўз мақсадини амалга оширишдан тўхтайди, буниси  
мақтовни ҳажвга айлантириб юборади.

**Маснавий:**

Бирисига ғараз – ўз муддаоси,  
Бириси қасди – инъом илтимоси.

Чун сендин топмадилар ҳеч парво,  
Бири хасму, бири дур ҳажворо.

**Шарҳи:**

Бирининг ғарази – ўз муддаоси,  
Бунисининг ғарази – инъом илтимоси.

Агар сендан эътибор топмасалар,  
Бири душман бўлади, бири эса ҳажв қиласди.

### **67-танбех**

#### **Адоват – душман ҳунари**

Ташвишли хабар чин бўлса ҳам уни дўстингта етказма. Бировнинг айбини билиб қолсанг, уни юзига солма. Қўявергинким, ўша нохуш хабарни унга душман етказсин, сен эса сабр қилгин. У айб можаросини унинг душмани қилсин.

**Шеър:**

Не сўздинки, етгай бировга фубор,  
Не лозимки, сен қилғасен ошкор.

Кўяберки, қилсун аён душмани  
Ки, бордур адоват адувнинг фани.

**Шарҳи:**

Бировга кўнгилсизлик, дилхиралик етказадиган сўзни,  
Ошкор қилиш сенга лозим эмас.

Кўявер, буни унга душмани билдирсин,  
Адоват қилмоқлик – душман ҳунари.

## **68-танбек**

### **Чин ва ёлғон сўз**

Ақлли одам ёлғон гапирмас, аммо барча рост гапни айтавериш ҳам тўғри эмас. Биронинг кўзи филай бўлса, бунга унинг ўзи айбдор эмас, бу Яратувчининг ишидир. Унинг нуқсонини юзига солмоқ, чин бўлган тақдирда ҳам, нима лутфи борки (қандай қўпопликки), бу – Ҳақнинг яратиғига эътиroz билдиromoқ ва бирони ноҳақ хижолатга қўймоқ ва ўзининг нодонлигини ошкор этмоқ ва бир кўнгилни маломат қилмоқдир. Бундай ваҳшатли чин сўз айтгандан кўра, мулоҳаза билан айтилган (муросасоз) ёлғон яхшироқдир.

**Байт:**

Ёлғон ўлса мулояматомиз,  
Ваҳшатангиз чиндин англа азиз.

**Шарҳи:**

Ёлғон, гарчи тасалли, таскин берса ҳам (муросасоз бўлса ҳам)

Уни даҳшат солувчи чиндан азизроқ бил.

## **69-танбек**

### **Яхши ва ёмон**

Инсон зотига ўз хатоси ёқимлидир ва у ёмон фарзандини яхши деб билади. Бу ёмон шеърга ўхшайдиким, киши табиатининг ҳосиласидир ва иккаласи инсон табиатининг натижаси ва асосидир. Агар кишининг фарзанди хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ яхши, у ўзига ёқимли кўринаверади. Ақлли киши бундай ҳолни одат қилмас ва яхши-ёмонни Ҳақ яратганидан ортиқ ва кам демас.

**Маснавий:**

Ямон яхшини Тенгридан англағил,  
Ямонни ямон, яхшини яхши бил.  
Ямонни агар яхши қилсанг гумон,  
Эрур яхшини ҳам дегандек ямон.

**Шарҳи:**

Ёмону яхшини Тангридан деб бил,  
Ёмонни ёмону, яхшини яхши деб бил.  
Агар ёмонни яхши деб гумон қилсанг,  
Бу яхшини ёмон деган билан баробардир.

### **70-танбех**

#### **Қаноатли ҳамиша азиз**

Қаноат — эҳтиёжсизлик белгиси ва шараф ва иззат зийнати. Қаноатли факир бойдир ва шоҳу гадодан эҳтиёжсиздир. Тама — хор-зорликка далил ва тамагир бой эса хору зордир. Киши тама билан ё бирор нарса қўлга киритади ёки киритмайди. Лекин тама қилмаслик ҳеч бир саховатдан қолишмайди. Бундай саховат аҳли ўта сахийдирлар ва тама аҳли эса пасткашдирлар.

**Байт:**

Хорлиғлар боши — тамаъ, билгил,  
Доимо “азза ман қанаъ” билгил.

**Шарҳи:**

Хорликларнинг боши тамагирликдир,  
Доимо “қаноатли ҳамиша азиз” — деб билгин.

(Ҳазрат Алишер Навоий айни ўринда шу мазмундаги ҳадиси шарифга ишора қилмоқдалар — А.Т.)

### **71-танбех**

#### **Надомат чекманг**

Бойлик (соҳиби), агар барчага баробар лутфу карамли бўлса, муҳтожлик пайтида барча эл ундан умидвор бўлади, ундан озгина бўлса ҳам насиба етади, сўровчини ҳижолатдан қутқаради ва элнинг дашномларидан маломат ҳам қолмайди. (Ушбу танбех, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг: «Пашшанинг бошича нарса бериб бўлса ҳам, сўровчининг маломатидан сақланинг» ҳадисларига асосланган).

**Байт:**

Чу дафъи хижолат эрур камча,  
Надомат йўқи элдин инъомча.

**Шарҳи:**

Озгина нарса билан бўлса ҳам маломат даф қилиниб,  
(Бергани учун) надоматдан қутулиш, элдан инъон етганига баробардир.

### **72-танбех**

#### **Қиймати ознинг ҳурмати оз**

Тез қўлга кирган бойлик узоқда бормас. Мақтаган билан унинг баҳоси ортмас. Бир хумдоңдан минглаб сопол идиш чиқар, қиймати бир дирҳамдан ортиқ эмас ва кунда юзтаси синса ҳам киши ачинмайди. Чинни идишнинг қиймати уни тайёрлашдаги машаққатига боғлиқ. Уни асрарда ҳам қийматига яраша аҳамият берилади. Қиймати ознинг эса ҳурмати оз.

**Байт:**

Қаю матоъким оз воқеъ ўлса қиймат анга,  
Эрур мувофиқ анинг қийматича ҳурмат анга.

**Шарҳи:**

Қайси нарсанинг қиймати оз бўлса,  
Ҳурмати ҳам қийматига яраша бўлади.

### **73-танбех**

#### **Сабр**

Сабр билан кўп мушкул ишлар очилади. Ишда шошган эса кўп тойилади. Кўп тойилган кўп йиқилади. Ишда шошилмоқ – ёш болалар иши. Сабр билан иш қилмоқ – улувлар иши.

**Байт:**

Ҳар кимсаки айламас ошуқмоғни ҳаёл,  
Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол.

**Шарҳи:**

Кимки шошилишни хаёл қилмаса,  
Япроқни ипак қилиб, гул баргидан бол олади.

### **74-танбек**

#### **Ҳазил-мутойиба ҳақида**

Баъзи разил ва тубан кишилар аҳмоқона ҳазил-мутойиба қиладилар, кулдириш учун товонни қитиқлайдилар. Енгилтак аёл кўрган нарсасини кўрсатиб берганидек, баъзи ахлоқизлар кулдириш учун бирорларни тақлид қиладилар. Ҳазил агар одамнинг шахсиятига тегса, бу одобсизликдир, яхшилар эса бундай ҳазилдан орқиладилар.

Ҳазил-мутойиба кўнгилни бир оз хушламоқ учун ва шодлик ва хурсандлик учун бўлса, жоиздир. Агар ҳазилда қўпол сўзлар бўлмаса, ундан ҳеч ким хижолат ва озор чекмайди. Беозор ҳазил – заковат (зарифлик)дир, аммо ҳаддан ошса, ақлсизликдир.

**Байт:**

Тийбат хуш эрур бўлса, дақойиқдин анга зеб,  
Чун бўлди сафоҳат нетар ул сўзни киши деб.

**Шарҳи:**

Агар нозик фикр билан безалса, ҳазил маъқулдир,  
Тентаклик бўлса, ундей сўзни киши оғзига олиб нима қиласди?!

### **75-танбек**

#### **Май – ёмонликлар онаси**

Май ичмоқ Тангри ҳукми билан манъ этилган... Ичкилик "Уммул хабоис", яъни ёмонликлар онаси, – дейилган. Унга бундай таъриф берилишининг сабаби ҳам унинг шу хусусияти билан боғлиқдир. Кўп ичувчи ичкиликка мағлубдир, шунинг учун ёмонлиги ҳар қанча маълум бўлса ҳам, ичувчига у ёқимли туюлаверади.

Бадмаст одамни пайдар-пай ичишидан нима фойда?  
Одамийликни йўқотиш учун ичилган қадаҳ тўла заҳар

мисолидир. Оқшомларда бадмастларнинг ичгандан кейин қиладиган хиргойилари худди қутурган итларнинг ҳуришига ўхшайди. Мастлар орасида турган ҳушёр, худди ҳушёrlар орасида бўлган маst қабидир. Ҳаммага кўрсатиб ибодат қилиш мамнуъдир (ман қилинган, хуш кўрилмаган – А.Т.). Шундай экан, ошкора гуноҳ қилиш мутлақо ярамайди.

Байт:

Кимгаким Ҳақ рўзи айлабдур тарийқи оғият,  
Ошкора айламас не тоату, не маъсият.

Шарҳи:

Кимгаки Ҳақ саломатлик тарийқини (йўлини) насиб этса,  
Ошкора этиб тоат ҳам, гуноҳ ҳам қилмайди.

### 76-танбех

#### Эр кишининг зийнати

Кўп сўзловчи, кўп егувчи – дўзахнинг тўрига ошиқиб кетгувчи. Кўп сўзламоққа берилган, кўп емоққа қул бўлган одам билимни эгаллаш шарофатидан маҳрумдир. Ҳасадчи – bemor, балки ҳалокатли дардга гирифтор. Фисқ-фужурчи ва май сотувчи – зиён кўрувчи ва зиён келтирувчидир. Извогар, фийбатчи – нажосат егувчи. Банги ва нашаванд – одамзод шаънини ерга урувчи.

Тамагирнинг умри – зое, малоллиги – ошкора. Эр-как киши кўп ясанса, унинг бева экани билинади. Ясантусан аёллар ишидир.

Байт:

Эр кишига зебу зийнат ҳикмату донишдур,  
Яхши кўйлак эса хотунларга оройишдур.

Шарҳи:

Эр кишига зебу зийнат илму ҳикматдир,  
Яхши киймоқ эса хотинлар учун безакдир.

## **77-танбех**

### **Назардан қолиши сабаби**

Бачканалик қилгувчи қари вояга етмаган ёш бола билан тенгдир. Кичик ёшдагилар катталар қилигини қылса, бу унда ақл ҳам, уят ҳам йўқлигига далилдир. Қариларнинг соқолини ўсма билан бўяши ёш йигитнинг соқолини гулоб билан ювишига ўхшайди. Қашшоқнинг инъом қилиш учун бирордан қарз олиши ҳазил қилиш учун соқол қўйгандек гап. Қарзининг устида фоизи ҳам бўлса, қарздорнинг ўз бўйини боғлаб, ўзини зиндонга тортган кабидир.

Эркак киши кўп ясан-тусан қилса, у ақлли кишиларнинг назаридан қолади.

### **Рубоий:**

Ийд оқшоми тифл илгида чапу рост ҳино,  
Ё шоҳиди шўх эгнига хаззу дебо,  
Шоистадурур қари бажуз далқу асо,  
Кўргузса сақолига куларлар уқало.

### **Шарҳи:**

Ҳайит кечаси ёш бола қўлига хина қўяди,  
Ёки гўзаллар эгнига майин ипак либос кияди.  
Қари киши ридоси ва ҳассасидан бўлак,  
Соқолига кўп эътибор қилса, у оқилларга мазах бўлади.

## **78-танбех**

### **“Бироннинг устидан сен кулма зинҳор...”**

Бой кишининг чопон (арzon тўн) кийгани камбағалнинг атласу каноп (қимматбаҳо ипак) кийгани кабидир.

Яхши киши – йиртиқ тўни билан ҳам яхши, гул ямоқлик чопон билан ҳам ёқимли. Зуҳал юлдузи баланд осмонда турса-да, у нурафшон қуёш бўла олмайди. Дев жаннат ҳулласи (либоси – А.Т.)ни кийгани билан, пари бўла олмайди. Кампир ҳарам нозанини бўла олармиди? Сиртлон Хўтн оҳуси бўла олармиди? Қари фоҳиша гулгунаю ўсма билан қанча бўянмасин, у фоҳишаҳонанинг

кўқ нақшлари бор бузуқ равоқига ўхшайди. Хўжайин ўз хотини бўла туриб, чўрига илашса, хотинининг иффатини оёқ ости қилган бўлади.

**Байт:**

Кишига бўлмаса, ўз шаънига шойиста сифот,  
Қилмасун айб ўзиdekдин доги андок ҳаракот.

**Шарҳи:**

Агар кишида ўз шаънига лойик сифатлар бўлмаса,  
Бирор кишидан ўзиникидек бирор айб содир бўлса, уни айбламасин.

### **79-танбех**

#### **Ҳар ким қилса – ўзига**

Нодоннинг гапириши – сирини ошкор қилишdir, кўп гапириши мантиқсизлиқdir. Унинг оз гапириши яхшилик, умуман гапирмагани тузатувчиdir. Унинг мақсади – элнинг айбини ошкор қилмоқ, айбини фош қилмоқ ва ўзига ўхшаганни расво қилмоқ ва ўзининг ҳам айбини ошкор қилмоқdir.

**Байт:**

Эл айбини айтурға бировким узатур тил,  
Ўз айбини фош айлагали тил узотур, бил.

**Шарҳи:**

Кимки эл айбини айтиш учун тил тебратса,  
Билки, у ўз айбини фош айлаш учун тил узатмоқда.

### **80-танбех**

#### **Илм ва амал**

Илм ўқиб, унга амал қилмаган, ерни шудгор қилиб, уруғ сочмаган ёки уруғ сочиб, ҳосил ола олмаган кишига ўхшайди.

**Байт:**

Илм ўқуб, қилмағон амал мақбул,  
Дона сочиб, кўтармади маҳсул.

**Шарҳи:**

Кимки илм ўқиб, амал қилмаса,  
Уруғ сочиб, ҳосил олмаган кабидир.

### **81-танбех**

#### **Ҳикмат ва ақл неъмати**

Мастнинг сўзига ҳикматта зид сўз билан жавоб бериш, ақлли одамнинг иши эмас. Ақлли одам телбанинг ишорасига ақл талабидан ташқари бирон сўз демас.

**Маснавий:**

Кишига неча келса мушкул ҳол,  
Ҳикмату ақл анга эрур ҳаллол.  
Кесак отқонфа ким чекар юмрук,  
Тўни йиртидуур, сақоли юлук.

**Шарҳи:**

Кишига ҳар қанча мушкуллик келса,  
Ҳикмат ва ақл уни ҳал қиласди.  
Кесак отганга ким мушт кўтарса,  
Тўни йиртилиб, соқоли юлинади.

### **82-танбех**

#### **Сўнгги пушаймон...**

Мехрибон кишининг насиҳатини тингламаганнинг жазоси афсусланмоқ ва ўзини койимоқдир.

**Байт:**

Хирадманд пандини кўрган ачиғ,  
Сўнгига пушаймонлиғи не асиғ?

**Шарҳи:**

Донишманд киши насиҳатини аччиқ деганга,  
Кейинги пушаймонлигидан нима фойда?

### **83-танбех**

#### **Ношудлик нишонаси**

Хұнарлы, құлидан иш келадиган киши олдида беҳұнар – құлидан иш келмайдиган одам иш қилолмаса, айбина унга түнкайди. Туғадок (йирик қүш)нинг овчи қүшига кучи етмаса ахлати билан овчи қүшнинг устини булғайди.

**Байт:**

Басо ожизки, хасм остифа ётмиш,  
Оғиз суйин анинг юзига отмиш.

**Шарҳи:**

Ожиз киши агар душманидан енгилса,  
Унинг бетига тупуради.

### **84-танбех**

#### **Нафс балоси**

Сайёднинг (овчининг) балиқقا қармоқ ташламоги, нафс муддаосини қондирмоқ учун. Балиқнинг қармоққа илинмоги ҳам худди шу бало учун.

**Байт:**

Бўлди сайёдгау сайдға нафс орзуси қайд,  
Йўқса не ул эди сайёд, не бу эрди анга сайд.

**Шарҳи:**

Овчига ҳам, овга ҳам нафс балоси тузоқ бўлди,  
Йўқса, униси – овчию, буниси унга ов бўлармиди?

### **85-танбех**

#### **Нодонлик ва ҳайвонлик белгиси**

Оз сўзламоқ – ҳикматга сабаб, оз емак – соғлиққа сабаб. Оғзига келганни демак – нодоннинг иши ва олдига келганни емоқ – ҳайвоннинг иши.

**Байт:**

Кўп демак бирла бўлмағил нодон,  
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.

**Шарҳи:**

Кўп сўзлаш билан нодон бўлма,  
Кўп ейиш билан ҳайвон бўлма.

### **86-танбех**

#### **Шод бўлишга шошилма**

Зўр душманинг мағлуб бўлса шод бўлма ва унинг ишидан ғофил бўлма. Уни жазолашда сабрли, муомалада эҳтиёткор бўлиш лозим.

**Байт:**

Душман ражоу хавфи десангким, фан ўлмағай,  
Андоқ тирилки, кимса санга душман ўлмағай.

**Шарҳи:**

Душманинг шум нияти хавф солмасин десанг,  
Шундай ҳаёт кечирки, ҳеч ким сенга душман бўлмасин.

### **87-танбех**

#### **Олимларга огоҳнома**

Олим киши жоҳилни рўпарасига ўтиргизиб олиб, мулзам (мот) қилишни истаса, бу иш олимнинг ўзини ўзи таҳқирлашидир. Олим киши ўз илмининг даража ва миқдорини билиб, ҳурматини сақлаши керак. Гавҳарни текшириб кўриш учун уни тошга урмаслиги керак.

**Байт:**

Хораға ҳар кишиким, дурри саминни урғай,  
Хирад англарки, қаю бири бирини синдурғай.

**Шарҳи:**

Қимматбаҳо дурни тошга урсалар,  
Донишманд киши садақа қайси бири қайсисини синдиришини билади.

## **88-танбек**

### **Чиройли тамсил**

Гавҳар балчикқа тушгани билан унинг қиймати камаймайди. Эшакмунчоқни тожга таққан билан у феруза ўрнини босмайди ва ҳеч ким унинг баҳоси пастлигини унутмайди.

#### **Қитъа:**

Зевар била шакли хўб бўлмас,  
Ҳар қизки эрур ёмон лиқолиф.  
Ҳар неча қоронғу бўлса ҳужра,  
Шамъ анда бўлур фузун зиёлиф.

#### **Шарҳи:**

Қизнинг агар юзи хунук бўлса,  
Зару зевар билан у чиройли бўла олмайди.  
Ҳужра ҳар қанча қоронғу бўлса,  
Шамнинг ёруғи шунча зиёда бўлади.

## **89-танбек**

### **Тарбияга доир икки ўгит**

Қобилият эгасини тарбия қилмаслик – зулм ва ноқобилни тарбия қилиш эса ҳайфдир.

Аввалгисини тарбияламасдан, уни нобуд қилма, бунисига тарбиянгни зое қилма.

#### **Қитъа:**

Қобилға тарбият эрур ул навъким, гуҳар,  
Тушса нажосат ичра юфай кимса ани пок,  
Гар итузумига киши май бирла берса сув,  
Бу тарбият била қила олғайму ани ток.

#### **Шарҳи:**

Қобил киши учун тарбия гавҳардек қимматли,  
Гавҳар нажосатта тушса, уни топган тозалаб, ювиб олади.  
Агар киши итузумга май қўшиб сув берса,  
Бундай парвариш билан у ток (узум) бўлармиди?

## **90-танбек**

### **Таъзим ва адаб биноси**

Кўп ҳазил қилишдан ҳурматсизлик ортади ва ҳазилнинг охири жанжал билан тугайди. Кўп ҳазил номус ва ҳаё пардасини чок этади, адаб ва ҳурматлиларни бебурда ва беобрў қиласи. Қўлингдан келганча таъзим ва адаб биносини йиқитма. Ҳаё ва ҳурмат пардасидан ташқари чиқма.

**Рубоий:**

Иймонға эрур нишон ҳаё бирла адаб,  
Ҳурмат била таъзим саодатқа сабаб.  
Ҳайиву муаддаб ангаким бўлса лақаб,  
Мақсадига кеч етса ажаб, англа ажаб.

**Шарҳи:**

Ҳаё билан адаб имон нишонасиdir,  
Ҳурмат билан таъзим эса саодатта сабаб.  
Ҳаёли ва адабли деб ном олганлар,  
Мақсадга кеч етишишса, бу ажабланарли ҳолдир.

## **91-танбек**

### **“Ё аслинг каби кўрин...”**

Фосиқлар ҳамма миллатда нодон ҳисобланадилар, хусусан, пок кўнгиллар орасида улар нодонроқ ҳисобланадилар. Фосиқ ҳамма соҳада ёмон, хусусан, тақводор қиёфасида кўриниши жуда ҳам ёмондир. Қайси халқнинг орасида бўлсанг, ўзингни ўшаларга мосла. Қандай бўлсанг, ўзингни ўшандай кўрсат.

**Маснавий:**

Ҳаёву адаб бирла тузгил маош,  
Яна айла таъзиму ҳурматни фош,  
Не эл ёри бўлсанг, алар ранги бўл,  
Нечук бор эсанг, тутқил ул сори йўл.

**Шарҳи:**

Ҳаё ва адаб билан ҳаёт кечиргил,  
Яна таъзиму ҳурматни тарк қилма,  
Қайси эл билан бўлсанг, ўшалардай бўл,  
Қандай бўлсанг, шундай йўлда юргил.

### **92-танбех**

#### **Хато ва хатокор**

Хато қилмоқ — инсонга хос хусусият. Хатосини англаб, хушёр тортган одам аҳди саодатdir. Ўз хатосини кўп эътироф эттан билан киши хатодан холи бўла олмайди. Кимки хатосини бўйнига олмай, беҳуда далил келтириб, алжираиверса, унинг гуноҳи янада ортади. Хатокор лоф уриб, ўзини қанчалик оқласа, унинг хатоси шунчалик аён бўлаверади. Ўзини мутакаббирлик билан тутса, эл ичида янада расвороқ бўлади.

**Маснавий:**

Хатога тадорук недур бехилоф,  
Аён қилмоқ ўз саҳвига эътироф.  
Ва гар қилса саҳвига ижро далил  
Ки, яхшидур айлар ики онча бил.

**Шарҳи:**

Хатони ювишнинг чораси нима?  
Ўз хатосига иқорор бўлишдир.  
Агар хатосига далил келтираверса,  
Тўғри бўлса ҳам, хатони икки бора оширади.

### **93-танбех**

#### **Икки фазилат**

Бой киши тириклигида эҳсон қилиб кўнгилларни шод қилмаган экан, вафотидан кейин ҳеч ким уни дуо билан ёдга олмайди. Эҳсон тириклик чоғида кишига яхши ном келтиради, вафотидан кейин эса унга дўзахдан нажотдир.

**Қитъа:**

Кишида барча ахлоқи ҳамида,  
Чу жамъ ўлди қўярлар отин эҳсон.  
Бири андин саходур, бири мурувват,  
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон.

**Шарҳи:**

Агар инсонда барча яхши фазилатлар бўлса, унинг отини эҳсон деб атайдилар. Шулардан бири сахийлик, бири эса мурувват, буларга эга бўлмаган киши эса инсон эмасдир.

#### **94-танбех**

#### **Ҳар ким экканини ўради**

Бахил бугун топганини яшириб қўйса, эртага унинг қабри ҳам рўзгори каби қоронги бўлади. Зухду тақво ҳамма вақт ёқимлидир, айниқса йигитликда яна ҳам ёқимлироқдир. Тавба ва кишилардан эҳтиёжсизлик ҳамма вақт фойдали, қариликда фойдалироқдир. Ҳалим ва ҳаёли зотлар ҳар ерда азиздир ва айниқса улуғлар наздида азизроқ. Ёмонлик қилган ҳам, яхшилик қилган ҳам ўз қилганига яраша ажрини олади. Яхшилик ва тўғрилик уруфини ким экса, албатта, ҳосилини олади.

**Байт:**

Яхшилиф тухмини сочқилким, будур дехқонга сўз,  
Ҳар неким эктинг бугун, борин ҳамон тут они кўз.

**Шарҳи:**

Яхшилик уруфини соч, дехқонга айтиладиган сўз шудир:  
Ҳар кимки нима экса, шунинг ҳосилига кўз тутсин.

#### **95-танбех**

#### **Эҳсоннинг ўрни**

Ҳурматга лойик одамлар мұхтожликка тушиб қолсалар ёки кексалик туфайли касб-хунар қила олмай қолсалар ва тиланишга тили бормаса, уларга раҳм қилмоқни фани-

мат бил ва қўлингдан келганича эҳсон қил. Лекин йигит кишининг қўлидан кетмон чопиш келса, ўтин ташимоқни удаласа, унга эҳсон қилган киши Аллоҳ молини зое (исроф) қилган бўлади.

### **96-танбех**

#### **Икки тоифанинг таърифи**

Зарбафт тўнли дунёпараст нажосат устига қўнган чивинга ўхшайди. Тақводор покдоман киши эса масжидда эътикоф ўтирганида, Мусҳаф (Қуръон) вараклари орасидаги гулга ўхшайди.

(Эътикоф – Рамазон ойида масжидда тоат-ибодат билан ўтириш – А.Т.)

#### **Маснавий:**

Бири байт ул Ҳарам ичра фаришта,  
Бири дайр ичра шайтон барча ишта,

Не ҳожат шарҳ қилмоқлик тафовут  
Ки, байтуллоҳдиндур фарқи событ.

#### **Шарҳи:**

Бири Каъба ичида фаришта мисоли,  
Бири дунё ишларида шайтон кабидир.

Буларнинг фарқини шарҳлашнинг ҳожати йўқ,  
Фарқи байтуллоҳда событ бўлган.

### **97-танбех**

#### **Илм ва олим**

Билмаганини сўраб ўргангандан – олим ва орланиб сўрамаган – ўзига золим.

Оз-оз ўрганиб, доно бўлур, қатра-қатра йигилиб, дарё бўлур. Ўрганишдан қочган – дангаса ва ўрганишдан қочиш учун юзига баҳона эшигини очган – ишёқмас. Заҳмат чекиб илм ўргангандан – донишманд.

**Байт:**

Илмдин орий улуснинг жоҳили худкомаси,  
Ўрганурга жидду жаҳд этган жаҳон алломаси.

**Шарҳи:**

Илмдан четда қолган одам – халқ орасидаги қайсар  
жоҳил,  
Ўрганишга қаттиқ киришган – жаҳон алломаси.

### **98-танбех**

#### **Икки тоифа сұхбатдош**

Гадонинг фарзанди донишманд бўлса, у мансабдор-  
лар билан ҳамнишин бўлади, яъни бирга юради. Бойнинг  
фарзанди дангаса бўлса, у нокаслар сұхбатдоши бўлади.

**Қитъа:**

Басо, ягонаи муфлиски, мулк султони  
Улум масъаласида эрур анга мухтож.  
Басо, жаҳолату бебоклик фанида ғаний  
Ки, султон они ўз мулкидин қилур ихрож.

**Шарҳи:**

Мискин киши олим бўлса,  
Мулк султони илм масаласида унга мухтож бўлади.  
Бой киши жоҳилу безори бўлса,  
Султон уни ўз мамлакатидан ҳайдаб чиқаради.

### **99-танбех**

#### **Хотиржамлик сири**

Тинчлик ва хотиржамлик билан ичилган ёвғон ўмоч  
хижолат ва машаққат билан ейилган қандли кулчадан  
яхшироқдир. Эски чопон билан бемалол тупроқда ўти-  
риш зарбафт тўн кийиб, бироннинг олдида тургандан  
яхшироқдир.

**Қитъа:**

Гадолиғ бўрёси узра мискин  
Ки, хотир фориғ ўлғай ҳар таабдин,

Кўп ортуқким, бўлуб ўзунга маъмур,  
Хазу дебода ер тутсанг тарабдин.

Шарҳи:

Мискин учун биронга қарам бўлиб кимхоб устида ўтириб,

Шоҳи ипак ичида хурсанд бўлгандан,  
Барча қийинчиликлардан хотиржам бўлиб,  
Гадолик бўйраси устида bemalol ўтирган яхшидир.

### 100-танбех

**Яхшилар билан бирга бўлиш**

Ҳар ким бир қавмнинг урф-одатини қилса, у секин-  
аста ўша қавмнинг ишини тутади.

Кимгаки пайровлик қилса, ўша одам етган жойга бу  
ҳам етиб боради. Агар бу сўз сенга малол келса, Асҳоби  
Қаҳф ва уларнинг итларидан ўrnak ол.

Қитъа:

Набий ўғли тамуғни қилди маскан,  
Томуғ аҳли гуруҳин чун эришти,  
Ва лекин жаннат аҳли пайрави ит,  
Етишти қайдаким ул эл етишти.

Шарҳи:

Нуҳ, алайхиссаломнинг тўртинчи ўғиллари дўзахга  
маскан қурди, чунки у дўзах аҳлини дўст тутган эди.

Лекин жаннат аҳлига эргашган Асҳоби Қаҳфнинг ит-  
лари ҳам улар каби аҳли жаннат бўлди.

(Мусанифлар иловаси: Алишер Навоий «Хамса»да  
ёзадилар:

Қаҳфи бақо ичра алар бўлса гум,  
Мен ҳам ўлай «робиъухум калбухум».

Бў ўринда Ҳазрат Мир Алишер Навоий ўзидан ол-  
динги хамсанависларга эргашиб, ўзини Асҳоби Қаҳфа  
эргашган итга менгзатадилар.

Қитъадаги мазмун ва юқоридаги каби ўринларни ўқувчилар равшанроқ англашларига ёрдам бериши умидда «Тафсири Ҳилол» китобидан яна бир иқтибос келтиришни маъқул деб топдик).

### **«КАҲФ» сураси**

*Маккага нозил бўлган. 110 оятдан иборат*

«Каҳф» сураси «фор» маъносини англатади. Сурадаги асосий қисса қаҳрамонлари – Роббиларига иймон келтирган ёш йигитлар ўз замонлари подшоҳи зулмидан қочиб, иймонларини сақлаш мақсадида форга кириб оладилар ва ўша ерда илоҳий мўъжиза содир бўлади. Суранинг номи шундан олинган.

«Каҳф» сураси Қуръони Каримдаги «Ал-ҳамду» билан бошланган беш суранинг биридир.

Бу сурада қиссаларга асосий урғу берилган. Бир юз ўн оятдан иборат бўлган «Каҳф» сурасининг етмиш бир ояти қиссалардан иборат. Сураи каримада Каҳфга кириб олган йигитлар, икки боғ, Одам ва иблис, Мусо алайҳиссалом ва солиҳ, банда ҳамда Зулқарнайн қиссалари келади.

#### **9. Каҳф ва битик эгаларини Бизнинг ажойиб оят – белгиларимиздан деб ўйладингизми?**

Яъни, эй Пайғамбар, ўша каҳф (фор) эгалари ва уннадиги уларнинг исмлари битилган битикни Бизнинг энг ажойиб мўъжизаларимиз деб ўйладингми?

#### **10. Қачонки йигитлар каҳфдан жой олганларида: «Эй Роббимиз, бизга Ўз ҳузурингдан марҳамат бергин ва ишимизни Ўзинг тўғрилагин», дедилар.**

Каҳф эгалари йигитлар экан. Улар фордан паноҳ топибдилар. Яъни, бирордан қочиб келиб яширинибдилар. Сўнгра, Аллоҳга илтижо қилиб:

“Эй Роббимиз, бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат бергин...” дебдилар.

Демак, уларнинг форга кириб яширинишларидан мақсадлари Аллоҳнинг раҳматига эришиш экан.

"...ва ишимизни Ўзинг тўғрилагин", дедилар".

Демак, ишларидан кўнгиллари тўқ эмас. Уларга бу борада ҳам Аллоҳдан ёрдам керак.

### **11. Бас, каҳфда уларнинг қулоқларига бир неча йиллар (парда) урдик.**

"Қулоққа парда урди" дегани, қулоғини эшитмайдиган қилиб қўйди, деганидир. Йигитлар қочиб келиб форга жойлашганларида, Аллоҳ таоло уларнинг қулоқларини эшитмайдиган қилиб қўйган, яъни, ухлатиб қўйган. Ухлаган одам ҳеч нарсани эшитмайди. Эшитса, уйғонган бўларди. Ушбу ҳолат бир неча йил давом этган. Яъни йигитлар форда узоқ вақт ҳеч нарсани эшитмай ухлаб ётганлар.

### **12. Сўнгра, икки гуруҳдан қайси бири уларнинг турган муддатини ҳисобловчироқ эканини билиш учун уларни уйғотдик.**

Яъни, бир неча йиллар ўтгач, ухлаганларни уйғотдик. Одамлар уларнинг форда қанча муддат ухлаб ётганлари ҳақида тортишадилар. Биз ўша тортишадиган икки гуруҳдан қайси бири тўғрироқ ҳисоблашини юзага чиқариш учун уларни уйғотдик...

### **18. Уларни уйғоқ деб ўйлайсан, ҳолбуки, ухлаб ётурлар. Уларни гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ағдариб туурмиз. Итлари эса, оstonада олд оёқларини чўзиб ётур. Гар уларни кўрсайдинг, ортга ўгирилиб қочар ва қўрқинчга тўлар эдинг.**

Йигитлар узоқ муддат ухлаганларига қарамай, уларнинг ётишини кўрган одам уйғоқ деб ўйлайди.

"Уларни уйғоқ деб ўйлайсан, ҳолбуки, ухлаб ётурлар."

Аллоҳ таоло шундай қилиб қўйган. Уларни уйғоқ деб ўйлашнинг сабабларидан бири:

**"Уларни гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ағдариб туурмиз".**

Яъни, Аллоҳ таоло уларни чапга, ўнгга ағдариб турди. Бу, бир томондан зах ўтиб, жисмларига зарар этишидан сақлади. Аллоҳ бусиз ҳам уларни безарар сақлаши мумкин, аммо ҳамма нарса Ўзи ирода қилган ва жорий этиб қўйган қонун-қоидалар асосида бўлишини истайди. Шунингдек, узлуксиз бир неча йил ухлаб ётган йигитларнинг гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ағдарилиб туришлари уларни уйғоқقا ҳам ўхшатади.

**"Итлари эса, остоңада олд оёқларини чўзиб ётур."**

Худди уларни қўриқлаб турганга ўхшаб. Одатда, итлар доимо остоңада уй пойлайдилар. Итларнинг бу ҳолда ётиши ҳам манзарага ўзига хос маҳобат бахш этади.

**"Гар уларни кўрсайдинг, ортга ўгирилиб қочар ва улардан қўрқинчга тўлар эдинг."**

Чунки, тасвиrlанган ҳолатлари шуни тақазо қилади. Ўзлари уйғоқقا ўхшайдилар, аммо ухлаб ётибдилар. У ёқ-бу ёқقا қимиrlайдилар, аммо уйғониб ўринларидан турмайдилар. Бунинг устига итлари остоңада олд оёқларини чўзиб ётибди...

**22. Ҳали улар: "Учтадирлар, итлари тўртингчилари-дир", дердилар. Ва: "Бештадирлар, итлари олтинчи-лари-дир", деб ғайбга тош отадилар. Ва: "Еттитадирлар, итлари саккизинчилари-дир" ҳам дерлар. "Роббим уларнинг саногини яхши билгувчи-дир. Уларни жуда озкиши билур", дегин. Бас, улар ҳақида тортишиб юрма. Тортишсанг ҳам, очик тортиш. Улар ҳақида ҳеч кимдан фатво ҳам сўрама.**

Одамларнинг одати қизиқ. Бўлиб ўтган бир иш ҳақида турли-туман гаплар тўқиб олишади. Воқеа битта бўлса ҳам, миш-миш гап-сўзлар мингтага етади. Ҳар ким хаёлига келган тахминни айтаверади. Каҳф эгаларининг қиссаси зикр этилади. Аммо одамлар бу қисса ҳақида ўзларича турли-туман гап тарқатиши. Аввал уларнинг қабрлари устига нимадир қуриш юзасидан тортишган эдилар. Аслида, бу ниятлари мутлақо кераксиз ва ҳатто

заарли ҳам. Энди яна янги гап чиқариб, каҳф эгаларининг сони устида тортишадилар:

**"Ҳали улар: "Учтадирлар, итлари тўртинчилари-дир", дедилар".**

Баъзи одамлар: каҳф эгалари учта, итлари тўртинчилари эди, деса, бошқалари:

**"Бештадирлар, итлари олтинчилари-дир", деб ғайбга тош отадилар".**

Яъни, иккинчи бир одамлар: йўқ, улар бешта, итлари олтинчилари эди, дейдилар ва бу билан ўзлари билмаган ғайб нарсага гумон тоши отадилар.

Учинчилари эса:

**"Еттитадирлар, итлари саккизинчилари-дир", ҳам дерлар".**

Яъни, учинчи бир гурӯҳ одамлар: йўқ, ҳаммангизнинг гапингиз тўғри эмас, каҳф эгалари еттита, итлари саккизинчилари эди, дейдилар. Шундай қилиб, тортишув давом этаверади. Лекин бундан ҳеч кимга фойда йўқ. Шунинг учун ҳам, Исломда бундай бефойда тортишувлар қораланади. "Ғайбга тош отиш" танқид қилинади. Аниқ билмаган нарсани гапириш яхши фазилат эмас. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло оятнинг давомида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга:

**"Роббим уларнинг саноғини яхши билгувчи-дир. Уларни жуда оз киши билур", дегин", деб ўргатмоқда.**

Бекордан-бекорга тортишиб вақтни ўтказишининг, ақл-идрок ва имкониятларни беҳуда сарфлашнинг нима ҳожати бор? Қадимда ўтган каҳф эгаларининг саноғини, уларнинг неча киши бўлганини биладиган зот Аллоҳ-дир. Шунингдек, уларнинг сонини ўз кўзи билан кўрган жуда оз киши бўлиши мумкин.

**"Бас, улар ҳақида тортишиб юрма."**

Ақл-заковатинг, вақтинг бекорга кетади. Фойда топмайсан.

**"Тортишсанг ҳам, очиқ тортиш."**

Яъни, улар ҳақида очиқ маълумотта эга бўлсанг, ўшани гапир.

**"Улар ҳақида ҳеч кимдан фатво ҳам сўрама."**

Чунки, улар ҳақида энг муҳим маълумотни сенга Куръон айтиб беради. Каҳф эгалари қиссасининг фойдали ва ибратли ўринлари олдинги оятларда айтиб ўтилди. Шунга тескари фикрлар айтилса, беҳуда гаплардан иборат бўлади. Масалан, уларнинг сони нечта бўлишининг нима аҳамияти бор? Гап уларнинг нечта бўлишларида эмас, нима қилганлари дадир.

### **101-танбех**

#### **Вафо нима?**

Одам икки дунёда ҳам шарафли зотdir. Ит эса нажас махлукдир. Аммо яхшиликни билмайдиган бевафо одам вафодор итдан пастdir. Вафодор қўтириб ит вафосиз гўзал барно йигитдан яхшироқдир.

#### **Қитъа:**

Бевафо ҳақношунос элдин йироғлиф истаким,  
Келмади ҳаргиз алардин файри бедоду жафо.  
Итга итлик айламак жону кўнгил бирла бўлур,  
Ҳақшунос ўлсау бўлса анда ойини вафо.

#### **Шарҳи:**

Бевафо, яхшиликни билмайдиган одамдан йироқ бўлишга интил,

Чунки сенга улардан ҳамиша жабрдан бошқа нарса келмайди.

Итга жону кўнгил билан боғланиш мумкин,  
Агар яхшиликни билувчи ва вафодор бўлса.

### **102-танбех**

#### **Нафсиға тобе киши**

Нафсиға тобе бўлган кишининг ейишдан ўзга ҳунари бўлмайди. Ёлғончи қуруқ гап сотишдан бўлак ишга ярамайди. Униси ҳаром емоқдан роҳатланади ва буниси эса доимо сўзамоллик қилиб мақтанади.

**Маснавий:**

Ул бири луқмау навола сўзин,  
Айтиб ончаки холи айлаб ўзин.  
Бу ўз авсофига муарриф ўла,  
Айлабон базми анжуманни тўла.

**Шарҳи:**

Ул бири луқмаю овқатдан насиба  
Гапириб ўзини овутади,  
Буниси эса ўзининг сифатларини мақтаб,  
Базм ва йигинларни тўлдиради.

### **103-танбех**

#### **Шайтон – инсон**

Тангри таоло одамлар ишини ҳамиша кузатиб турари  
ва уларнинг айбларини ёпади. Ваҳоланки, Оллоҳ жазо  
беришга қодирдир. Аммо Тангрининг душмани уни кўр-  
майди ҳам, билмайди ҳам. Лекин у, яъни Тангрининг  
душмани одамларга тухмат қилиб, айбини ошкор қи-  
лишда сустлик қилмайди.

**Маснавий:**

Тенгри ишин қилмоқ эрур фарзи айн,  
Ким, кўрубон айламамак шўру шайн.  
Кўрмойин улким, иши бўхтон эрур,  
Билки, бу хислат била шайтон эрур.

**Шарҳи:**

Тангрининг амрини қилмоқлик фарзи айнdir (бажа-  
рилиши шарт, лозимдир),  
Кўриб туриб бажармаслик эса бошга балодир.  
Киши кўрмай туриб, бировга бўхтон қилса,  
Билгинки, шу феъли билан шайтоннинг ўзи бўлибди.

### **104-танбех**

#### **Оқил инсон**

Ақлли одам эл хатосидан ибрат олади ва тўғри йўлга  
юради. У бу ишни бошқалар унинг хатоларидан ибрат

олмасларидан ва айбини унинг юзига солишларидан олдин қиласи.

### Қитъа:

Оқил чу кўрса элда хато ижтиоб этиб,  
Андин савоб йўл сари мойил қилур ўзин.  
Кўймас анинг хатосига эл айлаб эътиroz,  
Айтурга юзи ўтрусида саҳвининг сўзин.

### Шарҳи:

Оқил бошқаларда хато кўрса, ўзини тортади,  
Хулоса қилиб, тўғри йўл сари мойил бўлади.  
Унинг хатосига эл эътиroz билдириб,  
Юзига солиб, айбини айтишига ўрин қолдирмайди.

## 105-танбех

### Ёшлик айёми зикрида

Йигитлик умр гулшанининг баҳори ва ҳаёт оқшомининг тонгидир. Бу бири билан хурсандлик гуллари очилади ва яна биридан завқ ва шодлик уйлари ёришади. Инсоннинг гўзаллиги шундан, башар авлодининг қудрати шундан. Асаб ва томирларга қувват ҳам, қўл, оёқ ва аъзойи баданга саломатлик ҳам ундан. Кўнгилга ишқ туфёнининг тушмоғи ҳам шундан, шўх гўзалларга мойилликнинг пайдо бўлиши ҳам шундан. Йигитларнинг ўз ҳусни жамолига мағурурлиги ўша навқиронлик туфайли. Қариларнинг кўз ёши тўкиб, ялинчоқ бўлиб қолиши эса ундан маҳрум бўлиб қолгани туфайли. Кўз уйининг машъали равшанлиги ҳам ундан, юз бофининг анжумани ундан гулшан. Гўзаллар истиғносига сабаб ҳам у, ошиқларга ишқ балосининг жабру жафоси боиси ҳам у. Зўравонлар бошида мамлакатларни босиб олиш иштиёқи ҳам ундан. Фолиблар унинг натижасидан майдонда от чоптиради. Балки от ҳам бу ғалабадан нашъя топиб, югурмокча қувват топади. Йигитликда гуноҳ билан нафсини қондирмоқ ҳам мумкин ва ибодат қилиб руҳга қувват бериб, юксак мақом топмоқ ҳам мумкин.

Харобот аҳлига йигитликда ишқ майидан маст бўлмоқ ёқимлидир ва муножот аҳлига эса у йигитликда покданмонлик ва худпарастлик тенгсиз амалдир.

**Рубоий:**

Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутунгуз,  
Ўзни қарилик меҳнатидин қўрқутунгуз.  
Ойини адовату ҳасаддин ўтунгуз,  
Ҳар навъ ила ўзни неча кун овутунгуз.

**Шарҳи:**

Дўстлар, йигитлик чоғини ғанимат билинг,  
Қарилик азобидан ўзингизни қўрқитинг.  
Адоват ва ҳасад йўлинни тутманг,  
Ҳар йўл билан бир неча кун ўзингизни овутинг.

## **106-танбех**

### **Қарилик зикрида**

Қарилик ёшлик майининг хуморлигиdir. Йигитликдаги соғломликни ҳасрат билан қўмсашидир. Қарилик шод юрган одамларни ношод қиласди. Киши қаддини букиб, умр билан хайрлаштиради. Кўнгилдаги орзу-ҳаваслар шохини синдиради. Барча тараддуд ва ҳаракатлардан кўнгил совийди. Юқори мартаба хаёли бошдан чиқади. Ҳасрат ва надомат ёшининг сели бадан қасри деворини ийқитади. Номуродликлар зинدونи ва ноумидликлар ҳаробаси шудир.

Қаднинг эгилиши тупроққа томон кетишга далилдир. Жононлардан нафратланиш шу айтилганларга исботдир. Кўлларнинг титраши умрнинг охирги майини ичишга хуморлиқдандир. Кўздан ёш оқиши ҳаётта мотам тутишдандир. Эслаш ўрнини унутиш эгаллайди, ўрганмок у ёқда турсин, унутиш ҳам унутилади.

Баданда саломатликдан асар ҳам қолмайди, ақл-ҳушдан асар қолмайди. Қариларнинг паришонлиги ва ҳилвираб боришини болалар масхаралайди. Йигитлар ҳайрат билан қарайдилар. Қариларнинг ҳар бир мўй-

ида бир касал, вужудида минг иллат кўриниб туради. Хотин ва бола-чақалари парвариш қилишдан толиқадилар. Хизматчилар ҳам қараашдан зерикадилар. Турли-туман иллат бадан уйида жам бўлади. Касали кўплигидан ҳаётдан кўнгли совийди. Хизматчиларнинг сўзга кирмаслигидан – ҳоли ночор, уларнинг бебошлигидан – турмуши аччиқ. Оғзининг сўлакайи сўзининг мазасини қочиради. Дардининг оғирлигидан яқинлари оғзига сув томизадилар, лаблари бир-бирига қовушмай, ўз ҳолича кулиб, оғзи қутичасидан тишлари тўкилади. Саломатлик умиди кўнглидан йироқ, бундай тириклиқдан юз қатла ўлган яхшироқ.

Рубоий:

Чун кетти йигитлику, узолди қарилик,  
Дам совуди, яъни қолмади қон ҳам исиф.  
Оғзига ҳаёт шарбати бўлди ачиғ,  
Ўлмоғ хушроқки, умр бу навъ қатиф.

Шарҳи:

Йигитлик кетдию, қарилик чўзилди,  
Нафас совиди, қонда иссиқлик қолмади.  
Ҳаёт шарбати оғизга аччиқ туюлди,  
Бу хил оғир ҳаётдан кўра ўлим яхшидир.

Рубоий:

Афсуски, умри навжавонлиғ кетти,  
Танға қарилиқда нотавонлиғ етти,  
Гар юз йил улки камронлиғ этти,  
Чун топмади маргдин амонлиғ, нетти?

Шарҳи:

Афсуски, йигитлик умри кетди,  
Танға қарилиқда ожизлик келди.  
Агар юз йил даврон сурса ҳам,  
Ўлимдан омонлик топмагач, не қиласади?

## 107-танбех

### Вужуд мамлакатини покламоқ

Сулукка кирганга пири муршид зарур эканидан мурод шуки, бундан мақсад инсоннинг вужуд мамлакатини покламоқдир. Инсон – йўқлик оламига сафар қилгувчи. Бу сафар фақат сенга ёки менга эмас, бу йўлга кирганга шоҳу гадонинг фарқи йўқ. Ҳамма ҳам йўқлик оламидан вужуд мамлакатига келибдур ва қаердан келган бўлса, яна ўша ерга бориши керак бўлади. Беш кун бу омонат дунёга келиб, завқ-сурур ва давлатига мағрур бўлади. Ўлимдан қочиб бўлмайди ва вафот қилаётганда бирор дасттир бўла олмайди. Шунинг учун ўлимга тайёргарлик лозим ва йўл озуқасини тайёрламасликнинг иложи йўқдур ва у сафарнинг яроғи солиҳ амал ва ахлоқи ҳамидадур. Ва унинг зикри иккинчи қисмда тафсили ва тартиби билан баён этилди ва шарҳ этилди.

Аммо мусоғир (солик)га йўл қийинчилигини енгиш ва тариқат водийсининг шиддатини дафъ қилиш учун ва ёмон уқубатларки, олдидан чиқар ва улуғ воқеаларки, содир бўлур, бошқариш ва мушкуллардан олиб ўтиш учун комил раҳнамо-пири муршид керак ва унинг иршоди бўлмай, бу йўлга кирмоқни кибор (улуғ) авлиёлар (Рұҳларини Аллоҳ муқаддас қилсин) жоиз деб билмайдилар. Ва бу йўлга яқинлаштиrmайдилар.

Ҳар қачон мусоғир кўрмаган йўлига раҳбарсиз қадам урса ва етолмайдиган водийга томон югурса, унинг учун йўлни йўқотмоқ, йўлдан адашмоқ эҳтимоли бор. У уқубатлардан ва хатарлардан мусоғирни ўтказиб қўювчи йўлбошчи керак. Комил муршиднинг иршоди (йўл-йўриғи, панд-насиҳатлари. – А.Т.) мақсадга еткизади. Ва яна авлиёларки, Ҳақ йўлига қадам қўйибдурлар ва талаб отини шавқ водийсига сурибдурлар, комил пирнинг руҳсатисиз ҳаракат қилмайдилар. Баъзида соликлардан юздан бири зоҳирда пири муршиди бўлмаса ҳам у илгари ўтиб кетган валийлар руҳониятидан тарбият топиб, мақсадга етишади. Бу йўлда нафс душмандир ва шайтон йўлтўсар ва иккиси ҳам улуғ оғатдир. Токи йўлбошчи бошламаса ва муршид

ҳалокатдан қутқармаса, бу йўлни босиб ўтиш имконсиз ва мақсадга етмоқ ҳам мушкулдир. Ўзлигидан халос бўлмасдан бу водийга қадам қўйган машаққатларга йўлиқади ва нафсга тобе ва шайтонга ўйинчоқ ва масхара бўлади. Ва риёзати зое кетади. Бу манзилга бир восита бўлмаса, етиб бўлмайди. Муридни (шогирдни) мақсадга етказувчи Ҳақ таолодир, пир ва муршид эса бунга воситадир.

**Мисол:** накл қилибдурларким, қутб ус-соликин ва султон ул орифин, ҳақиқат аҳлининг имоми Шайх Боязид Бистомий (сири муқаддас бўлсин) бир муриди билан бир тарафга қараб кетаётган эди. Бир катта сувнинг бўйига чиқиб қолдилар. Шайх "Оллоҳ" деб сувга қадам урди ва муридга "Боязид" деб қадам уришни буюрди. Шу тариқа иккаласи сув устида елдек кетиб борар эдилар. Ногоҳ муриднинг хаёлига келдики, шайх Оллоҳнинг зикри билан бормоқда ва мени бошқармоқда. Мен ҳам уни восита қилмай, Оллоҳнинг зикри билан борай, – деди. Шу муддао билан қадам қўйган эди, сувга ботди. Шайх қўлини узатиб, билагидан ушлаб, сувнинг соҳилига отди ва ҳалокатдан қутқарди ва деди:

— Эй фарзанд, сен аввал Боязидга етиб ол, ундан кейин Тангрига етмоқни ҳавас қиласан.

Унга шундай сиёsat қилиб, иршод шартини бажо келтириди. Бу йўлдаги пирлар муридларини ҳалокатли ғарқоблардан олиб ўтувчилардир. Мақсад шуки, бу йўлга пирнинг иршодисиз (рухсатисиз) ўз ҳолича қадам қўймаслик эмас, ҳатто бу хусусда гапирмаслик керак.

### Рубоий:

Кимники, бу йўл қатъига солди тақдир,  
Пир амрини қилмаса, керактур тафийир.  
ОНСИЗ қадам урса, англа макру тазвир,  
Малъун деса бехракки, десалар бепир.

### Шарҳи:

Тақдир кимни шу йўлга солса,  
Пир амрини қилмаса, ўзгартириш керак.

Пирсиз қадам қўйса, уни маккор дегин,  
Пирсиз дегандан, малъун (лаънати) деган яхшироқ.

### 108-танбех

#### Сафар фойдалари тўғрисида

Сокин ер қайдою ва айланувчи осмон қайда! Бир жойда турган тупроқ қайдою сайд этувчи юлдуз қайда! Бири сокинлиги учун одамлар оёғи остида поёндоз бўлди, иккинчиси эса ҳаракатда бўлгани учун юксакларнинг юксаги бўлди.

Азоб ва мاشаққат тавозе ва адабнинг боисидир.

Сафар эса ранж ва мешаққатта сабабдир.

Сафар эритувчи ва куйдирувчи қўрадир.

Унда эриш ва куйиш эса эр кишининг вужуд олтинини хом гилдан тозалайди.

Сафар айрилиққа учраганларни мақсадига етказувчи ва маҳрумларни мурод уйига олиб борувчидир. Сафар ҳам одамларни пиширувчи ва уларга еган таомларини сингдирувчидир. Сафар кишиларни олам ажойиботларидан ва ғаройиботларидан баҳраманд қиласи.

Азиз кишиларнинг мозорини зиёрат қилиш файзига мушарраф ва мукаррам бўлмоқ ҳам сафар туфайли. Серфайз, улуғ зотлар хизматида иззат ва ҳурмат топмоқ ҳам сафардан. Йўловчининг юришига қувват берувчи ҳам сафар ва кўнгилга саёҳат завқини солувчи ҳам сафар. Мусофири тури жой ва манзиллар билан таниширувчи ҳам сафардир. Дунёни кезиши йўлига солувчи ҳам, иссиқ-совуқда жонга ором берувчи ҳам у. Аччиқ-чучукдан кўнгилни огоҳлантирувчи ҳам у. Сафар водийсида мусофирининг оёғига кўп дарду бало тикандари санчилади, лекин ҳар санчилган тикандан мақсад гуллари очилади. Йўл азобидан кишининг аъзойи бадани қақшайди. Вужуди йўловчилар оёғи остида топталади ва ҳар аъзоси ўша оёқлар остида майдаланади.

Аммо кўнглининг вайронлиги тузалади ва руҳи кўзгуси равшан тортиб, жилоланади. Ҳар ўлканинг ўз гўзаллиги ва ҳар манзилнинг осойишталигини сафар қи-

лувчидан сўра ва мусофиirlардан эшит. Сафар қилмаган ором олиш фарофатини қайдан билсин, мусофиirlик азобини чекмаган ватандаги ҳаётнинг қадрини қаердан билсин? Оқмайдиган денгизнинг сувини ичса бўладими? Оқар дарёning зилол сувларидан ичишни тарк этса бўладими?

Одам учун доим ҳаракатда бўлиш у ҳаёт эканлиги – яшаётганидан нишонадир. Жонсиз мавжудотлар эса тириклик нишонасидан бехабардир.

Ҳозир зикр қилинган сафар зоҳирий сафар ҳақида-дир. Аммо Ҳақиқат йўли сайри сулукидан киноя (яъни тариқат йўлига кирган соликнинг риёзат йўли таърифланади – А.Т.)дир.

Ушбу маънавий сафар бир жойда туриш ёки ҳаракатга, секинлигу тезликка боғлиқ эмас ва уни дебурларки, анжуман ичра хилват (яъни одамлар орасида, лекин Тангри зикри билан бирга хилватда) ва ватанда сайр ва ҳаракат.

#### Қитъа:

Бу жамоатдурки, манзилгоҳдин олмай қадам,  
Кўз ҳам очмай ул тарафким, олами кавну фасод,  
Баҳрдин заврақни тортарлар тутуб соҳир сари,  
Ким ани гарқ эттали еткурмиш бўлғай тундубод.

#### Шарҳи:

Бу жамоатдурки, манзилгоҳдан қадам олмай,  
Кўз ҳам очмай, борлигу йўқлик оламида бўлади.  
Қачонки бўрон кемани чўқтиromoқчи бўлганда,  
Денгиздан кемани соҳил томон тортадилар.

#### Рубоий:

Ё Рабки, бу қавмким эрур Хизрқадам,  
Үлган кўнгул эҳёси учун Ийсадам.  
Үлган ва итганларга қилиб лутфу карам  
Еткургандек, еткур менинг бошима ҳам.

Шарҳи:

Ё Тангрим, бу Хизрқадам қавм,

Үлган кўнгилларни Ийсо алайҳиссаломдек нафас билан тирилтирадилар.

Вафот қилган ва ўтганларга лутфу карам қилиб етказиганингдек,

Менга ҳам лутфингдан етказ.

### **109-танбех**

#### **Одамларнинг яхшиси ким?**

Одамзоднинг яхшиси тақводор ва пок бўлгай. У ҳақ сўзни айтишда ҳеч нарсадан қўрқмагай. Ўзи пок ва кўзи покни инсон деса бўлгай. Тили пок ва кўнгли покни мусулмон деса бўлади. Мусулмон шундай кишики, мусулмонлар унинг тили ва қўлидан яхшилик кўргайлар, омонда бўлгайлар ва кўзи-ю кўнглидан хотиржамдирлар.

### **110-танбех**

#### **Яхшилик қилишни билмасанг...**

Яхши кишидан ёмонлар ҳам ёмонлик кутмайди. Чунки яхши киши ёмонларга ҳам яхшилик қиласди.

Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма, яхшиликни ёмонликдан яхшироқ деб билмасанг, ёмонроқ ҳам деб билма. Яхшилик қилишни билмасанг, яхшиларга қўшил. Яхшилик атрофида айланна олмасанг, яхшиларнинг атрофида айлан.

### **111-танбех**

#### **Яхшилардан узоқлашма**

Фисқ (бузуклик, ахлоқсизлик, гуноҳ, ишлар) шумлигига алданиб, яхшилардан узоқлашма ва ёмонлар орасига қўшилма. Ўша шум фисқ ақлга ёқимсиз бўлса ҳам, нафсга ёқимлидир. Агарчи у Ҳақ йўлида ғамгин бўлса ҳам, аммо шайтон йўлида марғубдир (ёқимли, севимли, маъқулдир).

## **112-танбек**

### **Май – қабоҳат тузори**

Бир неча қултум (май)ни танантга киритиб, бир неча (қимматбаҳо имондан иборат) томчини чиқазиб ташлама. Ўша қултум ташвиши билан роҳатингдан айрилиб, у қатранинг хуружидан бало дарёсига ботмаки, у дин ва имоннинг уйини йиқитади. Ўша қатранинг гирдоби ранжу аламдир, у сабаб нақди ҳаётингдан ажраласан. Бадан сандифидан қатра-қатра дурларни тўкиб, у сандикни гавҳардан бўшатасан, жисм шишасига ўша қултумлар учун йўл очасан. Шу билан нафсу ҳаво қурбони бўласан. У қултум бузилишнинг манбаидирки, фасодга ўхшаган бир шодадирки, уни танантга яқинлаштирма. У қатра ҳаёт нақдидирки, ундан воз кечма. Май ичиш билан шайтоннинг истагини юзага чиқарасан. Май ичмоқ билан шайтонга мақбул бўласан иймонни тарк этиб, Раҳмонга осий бўласан. Уни ичмоқ – жигар қонини ичмоқ. Май ичиш орқали заҳар ютма. Жонинг нақдини (бойлигини) сочиш билан наслинг уруфини қуритма.

## **113-танбек**

### **Ҳикматлар шодаси**

Дардлик кўнгил – шуълалик чироқ. Ёшли кўз – сувли булоқ (дард – ишқ демакдир – А.Т.).

Туяқушга юқ ортиб кўчса бўлмас, чодирнинг қанотини очиб, учса бўлмас. Ўт иши – қовурмок, ел иши – совурмок. Сувнинг мазаси – муз билан, ошнинг мазаси – туз билан, одамнинг яхшироғи – сўз билан. Сиҳат тиласанг – кўп ема, иззат тиласанг – кўп дема. Хотин билан мақтама, хайр-эҳсонга ишонма. Яхши либос – танга оройиш. Яхши дўст – жонга осойиш. Тамагирдан яхшилик кутма, гадойдан чақа тилама. Бахилдан омонатдорлик чиқиши ажабланарли, сахийдан хиёнат чиқиши ажабланарли.

Чақмоқ барқини (ўтини, оловини, шуъласини) йиғиб бўлмас, ёмғир ипини тугиб бўлмас. Телба қулоғига панд – қуюн оёғига банд.

## **114-танбех**

### **Дўст жабридан инграма...**

Беҳаё – дўстликка ярамас. Нопок – сирдошликка ярамас. Эрнинг қилифи – сутнинг илиғи. Терлаган – ўзига келади, ел чиқарган эса уялади. Ясанчоқ эркак – мард эмас. Капалак парвона бўлмас. Дўст жабридан инграма, душман зулмидан зорланма.

## **115-танбех**

### **Ҳикматлар шодаси**

Нодон бойнинг нима дейиши, тилла пашшанинг нима ейиши маълум. Фосиқдан ҳаё тилама, золимдан вафо тилама. Очиқ юз билан қилинган саховат саховат устига саховатдир. Ҳалоллик билан қилинмаган иш яхши бўлмас, ип калаваси ҳасса бўлмас. Шоҳларга хизмати ёққаннинг хавфи кўпроқдир. Ишқиз – кесак, дардсиз – эшак. Қаноатли киши – ноёб донишманд, қаноат – туганмас хазина. Элга қўшилган оройиш топади. Ҳар бир юргурган манзилга етишмас. Ҳар бир айрилган қовушмас. Бидъатчи ўз динидан узоқда, ҳасадчи ўз феълидан азобда. Душман ҳар қанча заиф бўлса ҳам, кўнгилни нотинч қиласди, ҳас ҳар қанча майда бўлса ҳам қўзга азоб беради. Ер ободлиги – элдан, сув мавжланиши – елдан. Ёш боланинг иши ҳеч нима бўлмас, писта пўчоғи кема бўлолмас. Душманнинг хаёли бангининг хаёли кабидир.

## **116-танбех**

### **Фафлатда қолма**

Тинч бўлай десанг, олам ҳалқига ҳамдам бўлма. Марҳамат кўрайин десанг, ўзлигингта (нафсингга – А.Т.) бўйсунма. Замон аҳли забон (тил) аҳлидур. Кимки уларга яқинлашди, Ҳақдан йироқлашди. Ҳар ким улардан йироқлашса, Ҳақнинг яқинларига йўлиқади. Яхши бўл, ёмон, иккаласи бўламан деганинг ўзи ёмон.

Ёмон билан яхши орасида кўп фарқ бордир. Икки кемани ушлаган фарқ бўлади. Ҳар қайси қавмнинг урфодатини қилсанг, сен – ўша қавмдансан. Улар ёмон бўл-

са, сен ҳам ёмон, улар яхши бўлса, сен ҳам яхши. Демак, яхшилар этагини тутган яхшироқдур ва хавф-хатардан йироқдур.

Ит агар эранлар сухбатида бўлса, эранларга тегишли дейилади, нажосат тузга тушса, у тузга тегишли бўлади. Бас, қобилиятли киши яхшилардан айрilsа, ёмонлар сухбати уни зое қиласди. Сайийдзода лўлиларга қўшилса, маймунвозлик ва ҳуштак ясашдан бошқа нимани ўрганади? Шоҳ қасридаги капитар сахройиларга қўшилса, яхшилик кутмоқ фосид (бўлмағур, бузуқ) хаёлдир. Итдан кийикка ва мушукдан кабутарга шафқат бўлиши маҳолдир. Зоти душман бўлса ва мухолиф бўлса, уни дўст дема, ўзингни алдама ва алданиб қолма.

Табиий душман қачон дўст бўлади, қачонки сув ўтни ўчирмаса ва ел тупроқни учирмаса. Инсон билан шайтон ўрталарида адоват бор ва табиий мухолифат. Бири ўтдан яратилди, бири тупроқдан. Токи бу адоват бор экан, агар ўт ғолиб келса, тупроқни кул қиласди ва тупроқ ғолиб бўлса, ўтни ўчиради.

Одам билан шайтон мухолифатини – бир-бирига душман эканини унутма. Ота душманини ўзингга дўст тутма. Отангни жаннатдек масканидан жудо қилди. Вайлар тупроқ ғарибистонида хору зор қилди ва отанг (одам Ато) авлодидан баъзилар унга қасд қилиб, хору забун қилиб, жафолар кўргиздилар. Нафсни тақво риёзати билан йиқитдилар – шайтонни хорлик билан ерга паст қилдилар. Сизнинг бу адоватингиз асло йўқ бўлмайди. Бу душманлик ораларингизда ҳаргиз камаймайди. Бу ғолиб душмандан бир нафас ҳам ғофил бўлма, ўчириб бўлмайдиган ўтни ўз хирмонингта солма.

## 117-танбех

### Нодон дўстдан йироқ бўл

Нодон дўстни дўст қаторига қўшма, ақл шамъини унинг беҳуда афсонаси ели билан ўчирма. Кўпгина гўдаклар яхши кўрганларидан оталарининг соқолини тортиб, мўйлабларини юлибдилар, жойнамоз устида бе-

адаблик кўрсатиб, намозини бузидурлар. Кўпгина маст кишилар улуғ одамларнинг оёгини ўпмоқ учун эгилибдилар ва беихтиёр қусиб юбориб, пок одамларнинг этагини ифлос қилибдилар. Ақлли душмандан фойда имкони бор, нодон дўстдан зарар хавфи бор, лекин нодон дўстдан зарар хавфи кўпроқ. Шундай экан, улар билан мулоқот қилмаслик керак.

### **118-танбех**

#### **Вафо ва жафо**

Башар жинсидан вафо умид қилма ва хирад (ақл, фикр, зеҳн, ҳуш) ниҳолини фосид хаёл самуми (ўтли шамол) билан қуритма. Бир вафо қилсанг, юз жафо кўрмоқقا тайёр тур ва шунча билан қутулсанг, жонингга миннат қилиб, уларга узрхоҳлик қилгин, яъни кечирим сўрагин. Юқорироқда замонанинг вафосиз одамлари ҳақида ёзиб ўтган эдик. Зоро, ақлу дониш замон аҳли ерларини унтутиб, вафо йўқлигини узр санабдур.

### **119-танбех**

#### **Шайтон шарридан огоҳ бўл**

Гўзал кўнгилни очади, хунук эса умрни ўкситади. Яхши хулқли гўзал жаннат ҳуридир, ёмон феълли киши дўзах девидир. Номард қандай бемаъни гапларни айтмайди? Товуқ қандай нажосатларни титмайди? Яхшиларнинг ҳунари – сўзида, бўзчиларнинг ҳунари – бўзида. Пасткаш мақтангани билан буюк бўлмас. Эчки ютургани билан кийик бўлмас. Кўнглида изтироби борга кулги ҳаром, шоҳ билан душманлик пайдо бўлса, уйқу ҳаром. Тангри барчани ўз йўлида қароқчидан (шайтондан. – А.Т.) асрасин ва шоҳга душман бўлиб қолишдан асрасин.

Байт:

Ўз йўлида Тенгри тутсун элни душмандин йирок,  
Шаҳ қошида кимки шайтонвашдурўр андин қироқ.

**Шарҳи:**

Тангри ўз йўлидаги элни шайтоннинг шарридан (ёмонлигидан) асрасин.

Шоҳ олдида кимки шайтонсифатдур, ундан четлан.

### **120-танбех**

#### **Тўзимас тўн**

Умрни фанимат бил, соғлиқ ва омонликка шукр қил. Бойлик орттириш йўлини ахтарма, камсуқумлик билан ифтихор қил. Эътиқодингни ҳаммага айтиб юрма, пулнингни совурма. Камтарлик йўлини тут, беозорлик билан кўнгилни овут.

Бефойда гапни кўп айтма, фойдалик гапни эшитишдан ҳеч қайтма. Оз гапирган – оз янгилашади. Оз еган – оз касал бўлади. Очлик негизида ҳикмат бор, тўқлик тагида фафлат бор. Қорин тўйдириш ҳирсини кўнгилдан чиқар. Ўзинг оч қолсанг ҳам бир очни тўйдир. Ўзингни ясантиришни хаёлингдан чиқар. Гўзал либос кийишни истасанг, бир яланғочни кийинтир. Либос ҳар қанча зебо бўлса ҳам, ўзинг кийганингдан кўра, уни кимгадир кийдирганинг афзалроқдир.

**Байт:**

Нечаким тўнни риоят бирла кийсанг эскиур,  
Чунки кийдурдинг ялангга уфрамас тўн ул эрур.

**Шарҳи:**

Тўнни ҳар қанча авайлаб кийсанг ҳам, у эскиради.  
Агар яланғочга кийдирсанг, тўзимас тўн ўша бўлади.

### **121-танбех**

#### **Сир сақлаш сири**

Ҳар кимни ҳам сирингта маҳрам дема. Бу сифат олам аҳлида кўп дема. Сирингни асраш ўзингта малолдир. Шундай экан, уни бошқа бироннинг асрамоги амри маҳолдир. Ўз хазинангни ўзинг очсанг ва маҳфий дурларингни сочсанг, терган киши уни сепмай нима қиласи ва асра деб койиганинг қаерга боради? Ўзинг ўз сирингни

асрай олмаганингни биласан, яна бирор уни фош қилса, айбдор ҳам қиласан. Кўзни ўз айбингдан олма ва ўзгалир айбига назар солма!

**Байт:**

Бийнандадур ўлса киши ўз айбига ҳозир,  
Кўз очма бўлурға, яналар айбига нозир.

**Шарҳи:**

Ўз айбига иқрор одам кўзи очиқ одамдир,  
Бошқалар айбини кўриш учун эса кўз очма.

### **122-танбех**

#### **Гавҳарни хор тутма**

Чин сўзни ёлғонга чулғама, чин гапира оладиган тилни ёлғонга булғама. Ёлғончи одам эмасдур, ёлғон гапирмоқ мардлар иши эмасдур. Ёлғон сўз – айтувчани назардан қолдиради. Чунки у гавҳарни оддий тошдек хор қилади. Кимки чин сўзни ёлғонга аралаштирса, қимматбаҳо дурни нажосатта отган бўлади.

**Байт:**

Гавҳареким, шоҳларға зеби тожу тахт эрур,  
Тошлиғон они нажосатға ажаб бадбаҳт эрур.

**Шарҳи:**

Шоҳларнинг тожу тахтини безаб турувчи гавҳарни Кимки нажосатта ташласа, у ғоят бадбаҳтдир.

### **123-танбех**

#### **Чин сўз тавсифи**

Ҳақнинг дўстлари садоқат ва покликнинг конидир. Ҳақ душманлари ёлғончидирлар. Тилингни ҳамиша назоратингда тут. Сўзингни эҳтиёт бўлиб сўзла. Вақтида айтиш керак бўлган сўзни асрраб турма. Айтиш керак бўлмаган гапнинг яқинига йўлама. Сўз борки, эшитувчининг танига жон киргизади. Сўз борки, сўзловчининг

бошини елга учиради. Тилинг билан дилингни бир хил тутгин. Тили ва дили бир кишининг айтган сўзи бут. Сўзингни кўнгилда пишириб олмагунча, тилингта чиқарма. Дилингда бор гапнинг ҳаммасини тилингта чиқарма, гарчи тилни тийиш дилга меҳнат бўлса-да. Аммо сўзни ёйиш бошга оғатдир. Айтиш керак бўлган гапни унутма. Айтмайдиган ерда ўзингни сўзамол тутма. Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт. Оқил киши чин сўздан бошқани демас. Аммо барча чин сўзни айтиш ҳам оқилнинг иши эмас.

**Маснавий:**

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,  
Вале бари чин ҳам дегулик эмас.

Киши чин сўз деса зебо дуур,  
Неча мухтасар бўлса, авло дуур.

**Шарҳи:**

Оқил киши чин сўздан ўзгани демайди,  
Аммо барча чин ҳам айтгулик эмас.

Киши чин сўз айтса, гўзал бўлур,  
(Сўз) қанчалик қисқа бўлса, шунча яхшидир.

**124-танбех**

**Дам бу дамдур...**

Үйғоқлиқда нима воқеага дучор бўлсанг, тақдирдан кўр. Үйқуда нима кўрсанг, яхшиликка йўй. Элнинг гапидан ҳар қандай ёмонликни ахтарма. Агар душманинг енгилса, ёмон тарафини бўрттириб, яхши тарафини яширма. Кудратли душман асиринг бўлса, мурувват қил, яхшилик кўрсат, афв эт.

Золим, бедард ва бегам одамлар сұхбатида гапирма. Чақимчи ва номард одамларнинг чиройли гапига алданма. Доно одам қўлидан кетган нарса ҳақида сўзламас, ўтган йигитлик кунлар қайтмайди. Бўлмайдиган ишдан

сўз айтган надомат аҳлиданdir ва ҳозирги вақт fаниматdir. Бир турк машойихи шу маънода дебдурки, "Дам бу дамdir".

**Байт:**

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,  
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.

**Шарҳи:**

Ўтган ишлару, келгуси ҳақида кам сўзла,  
Чунки дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.  
(Фурсатни ғанимат бил. – А.Т.)

### **125-танбех**

#### **Кўнгил уий**

Тупроқ ва балчиқдан тикланган уйни сувдан асрамоқ керак. Ва ёғоч ва қамишдан тикланган уйни ўтдан асраш керак. Ва шамолдан асрамоқ керак бўздан тикланган уйни. Ва тупроқдан асраш керак кўз уйини. Ва Ҳақдан ўзга нарсалардан асрамоқ керак кўнгил уйини.

**Байт:**

Нечукким, тўрт уйга тўрт зидди нуқсони шоеъдур,  
Бешинчи уй даги афёрдин ул навъ зоеъдур.

**Шарҳи:**

Тўрт уйнинг зиддида тўрт нарса бор бўлганидек,  
Яна бешинчи уйни ҳам душмандан асрамасанг, барча ишинг бекордир.

Дунё ишининг тугамаслигида бу танбехлар бор: масалан, бир киши ҳовлисини фишт билан қопламоқчи бўлса, қадимги одат шуки, фиштнинг синифи синифига ёндош қўйилмайди. Фиштни бир-биридан ўтказиб, ёнма-ён эмас, учма-уч қўйса, ёнбошда яна икки фиштга жой очилади. Шу тариқа давом этаверса, ер юзини қопламоқ лозим бўлади. Бу амалга ошмайдиган хаёлни киши ақлдан деса, бу иш-

нинг тугамоги имконсиздир. Киши бу ишини тугатаман, деб фараз қилса, у катаклар минг, балки юз минг баробар ортади...

Бунинг иложи – фиштни бурчақдан қўйилади ва мўлжадаги ерга қопланади ва пайдо бўлган катакларга фишт бўлаклари тўлдириб чиқилади ва шунда иш осонлик билан битади.

## 126-танбех

### Дунё матоҳи

Шунга ўхшашга келдикки, олам матоҳлариким, киши хоҳласаким, кўнгли хоҳлагандек, башарият эҳтиёжи тақозо қилгандек, дунё анжомларини йикқай (тўплайди) ва у керакли нарсалардан бир нечаси мұяссар бўлса, яна уни охирига етказиш ва мукаммал бўлиши учун йифса, ақл билан фикр қилса, барчаси ортиқча эканлигини билади. Чунки у матоҳларнинг тасарруфи (улардан фойдаланиш) кишига малоллик келтиради. Масалан, баъзи подшоҳлар бир неча иқлимни олдилар, яна бошқа жойларни олиш ишқи бошларига тушди. Лекин бунинг иложи ва тадорики бир неча муддадан кечмак ва барча орзуларики, инсон табиатининг лозимасидир, воз кечмоқ билан ҳосил бўлади. Энди сўзнинг аслига қайтайлик. Бу олам матоҳи ва орзузи кўнгилдан чиқарилса, киши кўп ташвишлардан халос бўлади.

Агар киши бу дунё орзуларидан бутунлай воз кечса, дунёнинг барча офат ва машаққатларидан, Ҳақ йўлидан чалғитувчи нарсалардан фориғлик (халос бўлиш) мұяссар бўлади. Бундай давлат дунёда одамлар орасида бўлган ва ҳозир ҳам бор бўлган баъзи бир зотларга насиб этди.

Ва бу зотлар инсонлар орасидан чиқибдурлар, машойихлар ва уламолар китобларида зикр қилинибдур.

Энди фиштдан фарш (егра тўшаладиган нарса, палос, гилам) тўшамакка қайтайлик. Бунда ҳам керак жойларга фиштни ушатиб қўйилса, иш осонлик билан битади.

Аммо бу қопламани күнгилдан чиқарып ташланса, киши у мушкул ишдан озод бўлади ва кўнглида фарш қилиш хаёли бўлмаса, у нафсни қониқтириш васвасасидан қутулади.

Авалиёлар (сирлари муқаддас бўлсин) ахлоқ ва сифатлари маърифатида, балки анбиёлар (Оллоҳнинг салому саловатлари бўлсин) аҳком ва шариатлари зикрида бирор марта уйга фишт тўшаш хаёлларига ҳам келмаган бўлса керак. Ва ҳақиқатан улар шу ишлари туфайли ҳеч кимга ва ҳеч нарсага муҳтож эмаслар. Ким бу дунёдаги беш кунлик умрда, дунё матоҳларини тўплар экан, қонлар ютиб, тўплаган нарсасини юз армон билан қолдириб ўлим сари юзланади.

Кимки Ҳақнинг даргоҳига қабул бўлибдур, дунё матоҳини рад қилибдур ва аҳли дунёлар уни рад қилибдурлар ва аҳли қабуллар аслий мақсадларига етибдурлар ва бу ташбеҳда (дунё ишини фишт ётқизишига ўхшатишида) бироз тавофт бор. Зоро, ҳовли саҳнига фиш ётқизиши ёки ётқизмаслиқдан айтишига арзирлик бирор фойда-зиён йўқдир.

Дунё матоҳи билан машғул бўлиш инсонни Ҳақ йўлидан чалғитади ва у жуда кўп зиён келтирадиган иш эканлиги қуёшдек равшандир.

### Ҳикоят:

Хорун ар-Рашид Шайх Баҳлул сұхбатини қўмсаб қолди ва буни ундан илтимос қилди. Шайх Баҳлулга бу хабар етди. Хорун билан сұхбатлашди. Халифа кўрдики, шайх оёқ яланг. Бунинг сабабини сўради. Шайх жазба туфайли (узок) йиллар ковуш киймаган эди, ковуши борлиги унинг эсидан ҳам чиқиб кетган эди. Шу саволдан кейин дунёда ковуш ҳали ҳам борлиги эсига тушиб, кулди ва деди:

“Киши олмоқчи бўлса, ковушни қаердан топади?».

Хорун: “Бозордан топади ва ҳар ким хоҳласа, ўз оёғига лойифини олади” — деди.

Шайх сўради: “Ҳар ким олмоқчи бўлса, пулни қаердан олади?”

Хорун айтди: "Пулини биз берамиз ва сиз учун сотиб оламиз".

"Уни кийган киши вақти келиб, ечса ва ухласа, уни ким пойлайди?" – деди.

Хорун дедики: "Қул берамиз, сиз ковушни ечганингизда у пойлайди?"

"Қул ҳам яланг оёқ бўлса, нима қиласман? Яна ковуш олай, деса пулни қаердан олади?" – деди.

Хорун дедики: "Уни ҳам биз берамиз; сизга кийдиргандек унга ҳам кийдирамиз".

Шайх Баҳлул дедики: "Қул оч қолса, нимани ейди ва яланғоч қолса, нимани кияди"

Хорун: "Унинг емишини ҳам биз берамиз, сизни кийинтиргандек уни ҳам кийинтирамиз".

Шайх Баҳлул деди: "Мен оёқ яланг юришга ўрганибман ва ковуш ва этик кийишдан безганман. Агар ковуш кийсам, ҳойнаҳой, менга салла ҳам ўратасан ва мени бошдан-оёқ балога қолганлар қаторига қўшасан. Ва ўзинг ҳам бу икки ташвишга қоласан. Агар шу савдодан кечсанг, шу ташвишдан қутуласан ва мени ҳам бу бошдан-оёқ балодан халос қиласан".

Пири муршид, тариқат йўлининг пири ва солиҳлар огоҳи дур каби бу сўзларни айтди ва бу гавҳарларни Хоруннинг қулоғига илди. Шоҳни шу можародан қутқарди ва ўз оёғини ковушдан тортди ва бошини салладан қутқарди.

Байт:

Фориғ этти бесарупо кони ул гуфтордин,  
Ҳам аёғин кафшдин, бошини дастордин.

Шарҳи:

Бошдан оёғигача саруподан фориғ қилди,  
Ҳам оёғини ковушдан, ҳам бошини салладан.

## 127-танбех

### Шукр, фикр ва умид

Ковушинг йўқлигидан хафа бўлмагин, оёқсизларга қараб, шукр қил. Салланинг йиртиқлигидан фам ема, боши ёруғларга (боши ёрилганларга — А.Т.) боқиб Тангрига ҳамдан бошқа нарса дема. Либосинг дуруст бўлмаса, танжонинг соғ-саломат эканига шукур қил, қорнингни тўйдиришнинг иложини топмасанг, қорнинг оғримаётганига шукур қил. Чўнталингда пул бўлмаса, кўнглингда чўнтак ўғрисидан фам йўқ. Касод бўлиш машаққатини қарзинг йўқлиги боис унут, ҳар ҳолда, шукр ва қаноат йўлини тутгин. Агар отинг йўқ бўлса, арпа фамини емассан. Агар қулинг бўлмаса, ўзинг ҳам қул эмассан. Ой кулчасига қўлинг етмаса қайфурма, оддийгина нон ам фаниматдир.

Зарбоф тўнинг бўлмаса, бўлмабди-да, ахир фароғат бўйраси қачон ундан кам бўлибди? Агар лочиндеқ бошингда зардўзлик қалпоқ тож бўлмаса, шукур қилки, кўзинг ёруғ дунёни бемалол кўриб турибди. Агар лочин эгасидек белингда зар (олтин, зар билан безатилган) қўлқопинг бўлмаса ҳам, шукур қилгинки, қўлинг қўлқоп панжасидек ишламайдиган эмас ва ундан сенга озор йўқ. Ҳар зарбалар борки, билурсан, ундан ҳам қаттиқроқ ҳолатлар бор ва ҳар қийинчиликки, билурсан, ундан ҳам оғирроқ машаққатлар бор ва кўп кишилар мубтало бўлганлар. Ҳар машаққатким, улар сенда йўқ, лекин сенга ўхшаганларда бор. Ва бу ҳолат сенга неъматдирки, шукур айтса бўлади. Ҳар неъматки, сенга берибдур, бошқа сенга ўхшаганларга бермаган. Ҳамду сано айтишга лойиқ бўлган Ҳақ таолодан бўлган беҳисоб иноятларни билгин ва шунга яраша бандалик фикрини қилгин. Ҳар қанча ибодат қилсанг ҳам, кўнглинг қониқмасин ва ҳар қанча тоат қилсанг ҳам, тилингни тавба айтишга қойил қил (одатлантир). Сен ҳам, қилган амалларинг ҳам йўқ бўлгувчи, ҳамиша мавжуд Ҳақ вужуди, Ундан бошқа барча йўқ бўлгувчи, чунки мутлақ борлиқ Унинг мулкидир.

Илоҳо, бу кичик ишнинг яхши-ёмон сифатлари шунда зикр қилингандир. Унинг мақбулу номақбул ҳолати ҳам ёзилган. Бу асарни ёзгувчи ўзи ёмонлардан бўлса ҳам, яхшилардан эмас, аммо Сендан яхшилик умидида бўлга-

ни учун ўзини ёмонлардан демайди. Илоҳо, уни яхшилар қаторидан узоқлаштирма ва ёмонлар гуруҳига қўшма.

Тилига келган нарса билан кўнгли мувофиқ бўлсин ва қаламида ёзилган билан ботин маъносини мувофиқ қил. Ўзингдан ўзгадан юзини қайтар. Ўз сўзингдан ўзга сўзни кўнглидан чиқар. Уни шундай тарафга бургинки, Сенга етишсин ва шундай йўлга юргизгинким, Сенга қовушсин. Тилига ўзингдан ўзгани яқинлаштирма ва кўнглини ўзинг билан овут ва кўзини Ўзингнинг жамолинг тажалийси (жилvasи) билан ёриттин. Бу замин фарзандини кўзларга севикли қилгин ва бу бафри эзилганни кўнгилларга ёқимли қилгин.

Рубоий:

Бу номаки, хомасига қилдинг мактуб,  
Қил аҳли қулуб оллида "Маҳбуби қулуб",  
Эл айб топардин қилма маъюб,  
Ҳар ким ўқуса, насиба этгил матлуб.

Шарҳи:

Бу қалам ёзган мактубни, кўнгил аҳли наздида  
"Қалблар севгилиси" айлагин.  
Эл нуқсонини топишидан айбдор қилмагин.  
Ҳар ким ўқуса, талабини насиб этгин (рўёбга чиқаргин).

Китоб таърихи зикрида:

Бу номафаким лисоним ўлди қойил,  
Килким тили ҳар навъ эл ишига ноқил,  
Тарихи чу "хуш" лафзидин ўлди ҳосил,  
Ҳар ким ўқуса, Илоҳи ўлғай хушдил.

Шарҳи:

Бу ёзилганларни тилим айтиб турди,  
Қаламим ҳар хил эл ишидан нақл қилди,  
Унинг таърихи "хуш" сўзидан ҳосил бўлди.  
(яъни абжад ҳисоби бўйича 906 ҳижрий, 1500-1501  
мелодий)

Ҳар ким ўқуса, Илоҳо хушдил бўлсин.

## МУНДАРИЖА

Буюк мураббий. Ш.Сирожигдинов .....	3
Муқаддима .....	7

### Биринчи қисм

#### Халойиқнинг аҳволи, феъл-атвори ва гап-сўзлари- нинг кайфияти ҳақида (бу қисм қирқ фаслдир)

Биринчи фасл. Одил подшоҳлар зикрида .....	16
Иккинчи фасл. Исломпаноҳ беклар зикрида .....	19
Учинчи фасл. Номуносиб ноиблар зикрида .....	19
Тўртинчи фасл. Золим ва жоҳил ва фосиқ подшоҳлар зикрида .....	20
Бешинчи фасл. Вазирлар тўғрисида .....	22
Олтинчи фасл. Диёнатсиз садрлар (амалдорлар) зикрида .....	23
Еттинчи фасл. Фосиқ ва бадфеъл, баҳодирлик лофини урганлар зикрида .....	25
Саккизинчи фасл. Ясовул гурӯҳи тўғрисида .....	27
Тўққизинчи фасл. Лашкарлар ва қора черик тўғрисида .....	27
Ўнинчи фасл. Шоҳга қарашли одамларнинг шоҳга ўхшашлиги тўғрисида .....	29
Ўн биринчи фасл. Шайх ул-ислом ҳақида .....	30
Ўн иккинчи фасл. Қозилар зикрида .....	31
Ўн учинчи фасл. Қонуншунос муфтийлар ҳақида .....	32
Ўн тўртинчи фасл. Мударрислар зикрида .....	33
Ўн бешинчи фасл. Табиблар зикрида .....	34
Ўн олтинчи фасл. Назм гулистонининг хушвоз қушлари зикрида .....	35
Ўн еттинчи фасл. Котиблар зикрида .....	38
Ўн саккизинчи фасл. Мактаб аҳли зикрида .....	39

Үн тўққизинчи фасл. Имомлар зикрида .....	40
Йигирманчи фасл. Муаззинлар зикрида .....	41
Йигирма биринчи фасл. Ҳофизи Қуръонлар зикрида .....	42
Йигирма иккинчи фасл. Қўшиқчи ва чолғувчилар зикрида .....	43
Йигирма учинчи фасл. Қисса тўқувчи ва қиссаҳонлар зикрида .....	45
Йигирма тўртинчи фасл. Насиҳат аҳли ва воизлар зикрида .....	46
Йигирма бешинчи фасл. Аҳли нужум зикрида .....	47
Йигирма олтинчи фасл. Савдогарлар аҳли зикрида ....	48
Йигирма еттинчи фасл. Шаҳарда олиб сотарлар зикрида .....	50
Йигирма саккизинчи фасл. Бозор косиблари зикрида .....	50
Йигирма тўққизинчи фасл. Сайёр ҳунарманд ва санъаткор усталар зикрида .....	51
Ўттизинчи фасл. Миршаблар, зинدونийлар ва қоровуллар зикрида .....	52
Ўттиз биринчи фасл. Деҳқончилик зикрида .....	53
Ўттиз иккинчи фасл. Безори ва разиллар зикрида .....	55
Ўттиз учинчи фасл. Фарид ва бечоралар зикрида .....	56
Ўттиз тўртинчи фасл. Ожиз (шилқим) – нотавон гадолар зикрида .....	57
Ўттиз бешинчи фасл. Қушчи ва овчилар зикрида .....	58
Ўттиз олтинчи фасл. Тарбият топиб, ҳаромнамаклик (кўрнамаклик) қилган навкарлар зикрида .....	60
Ўттиз еттинчи фасл. Уйланиш сифати ва хотинлар зикрида .....	62
Ўттиз саккизинчи фасл. Риёкор шайхлар зикрида .....	65
Ўттиз тўққизинчи фасл. Харобот аҳли зикрида .....	67
Кирқинчи фасл. Дарвешлар зикрида .....	68

**Иккинчи қисм**  
**Яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида**  
**(бу қисм ўн бобдир)**

Биринчи боб. Тавба зикрида .....	72
Иккинчи боб. Зухд зикрида .....	75
Учинчи боб. Таваккул зикрида .....	78
Тўртинчи боб. Қаноат зикрида .....	81
Бешинчи боб. Сабр зикрида .....	84
Олтинчи боб. Тавозе ва одоб зикрида .....	87
Еттинчи боб. Зикр шарҳида .....	90
Саккизинчи боб. Таважжуҳ зикрида .....	92
Тўққизинчи боб. Ризо зикрида .....	95
Ўнинчи боб. Ишқ зикрида .....	98

**Учинчи қисм**  
**Ҳар хил фойдали маслаҳатлар ва мисоллар**  
**(ҳикматлар, танбехлар)**

1-танбех. Оlam ва одам.....	96
2-танбех. Сурат ва сийрат .....	96
3-танбех. Нажот йўли .....	97
4-танбех. Кўп гапирган кўп адашади .....	97
5-танбех. Худбинлик-хунук қилиқ .....	98
6-танбех. Икки илоҳий тамойил .....	101
7-танбех. Оллоҳнинг сифатлари .....	104
8-танбех. Худпараматлик ва будпараматлик .....	104
9-танбех. Эҳсон – улуғ неъмат .....	104
10-танбех. "Жафоларким, менинг жонимга етмиш..." .....	105
11-танбех. Саховат ва ҳиммат бобида .....	107
12-танбех. Саховат қандай қилинади? .....	109
13-танбех. Карам ва мардлик тўғрисида .....	109
14-танбех. Ажиб жавҳар .....	109
15-танбех. Муруват тўғрисида .....	110
16-танбех. Вафо тўғрисида .....	110
17-танбех. Вафо билан боғланган ҳаё зикрида .....	111
18-танбех. Ҳилм зикрида .....	112
19-танбех. Яхшиларга эргашмоқ шарофати .....	113

20-танбех. Ботин кўзи кўр бўлса...	114
21-танбех. Ҳақдан иноят бўлса...	114
22-танбех. Заар кўрмайин десанг...	114
23-танбех. Саодатманд йигит .....	114
24-танбех. Дард аҳлининг нафаси .....	115
25-танбех. Фонийни унут .....	115
26-танбех. Ошиқнинг ҳоли .....	116
27-танбех. Ишқ бир ўтдир...	116
28-танбех. Боқий умр эгалари .....	117
29-танбех. Хатарли йўл .....	117
30-танбех. Чин дўстликнинг шарти .....	118
31-танбех. Тан мулкининг султони .....	118
32-танбех. Шоҳга хос хислатлар .....	119
33-танбех. Аввал ўйла...	120
34-танбех. Душманга муносабат .....	120
35-танбех. Умри беҳуда ўтувчилар .....	120
36-танбех. Озорнинг бир тури .....	121
37-танбех. Илм ва бойлик .....	121
38-танбех. Бахил ва ҳасадчи .....	122
39-танбех. Баҳам кўрилган бойлик .....	122
40-танбех. Оқил одамлар .....	123
41-танбех. Фурсатни фанимат бил .....	123
42-танбех. Алдама ва алданма .....	124
43-танбех. Икки йўл .....	124
44-танбех. Зулм ва сабр .....	125
45-танбех. Ёлғон даъво .....	125
46-танбех. Кўнгил – маърифат боғи .....	126
47-танбех. Тил жароҳати .....	127
48-танбех. Тилга ихтиёrsиз – элга эътиборсиз .....	127
49-танбех. Ширин тил фазилатdir .....	128
50-танбех. Ёлғончининг оқибати .....	129
51-танбех. Ёлғон – катта гуноҳ .....	129
52-танбех. Чақимчи – ўтга тутантириқ .....	130
53-танбех. Дунёning таърифи .....	130
54-танбех. Тириклик фаниматdir .....	131
55-танбех. Тўрга тушган қуш .....	131
56-танбех. Тоқатдан ташқари ишдан қоч .....	131

57-танбех. Исишишнинг усули .....	132
58-танбех. Подшоҳлар зикрида .....	133
59-танбех. Кўнгил хазинасининг калити .....	134
60-танбех. Мўътабар ва муҳтасар сўз .....	134
61-танбех. Жоҳиллик жафоси .....	135
62-танбех. Абадий давлат .....	136
63-танбех. Шукр ва узр боиси .....	137
64-танбех. Бадфеъллик балоси .....	137
65-танбех. Очиқ чеҳралик шарофати .....	138
66-танбех. Икки тоифа .....	138
67-танбех. Адоват – душман ҳунари .....	139
68-танбех. Чин ва ёлғон сўз .....	140
69-танбех. Яхши ва ёмон .....	140
70-танбех. Қаноатли ҳамиша азиз .....	141
71-танбех. Надомат чекманг .....	141
72-танбех. Қиймати ознинг ҳурмати оз .....	142
73-танбех. Сабр .....	142
74-танбех. Ҳазил-мутойиба ҳақида .....	143
75-танбех. Май – ёмонликлар онаси .....	143
76-танбех. Эр кишининг зийнати .....	144
77-танбех. Назардан қолиш сабаби .....	145
78-танбех. "Бироннинг устидан сен кулма зинҳор..." ..	145
79-танбех. Ҳар ким қилса – ўзига .....	146
80-танбех. Илм ва амал .....	146
81-танбех. Ҳикмат ва ақл неъмати .....	147
82-танбех. Сўнгги пушаймон... .....	147
83-танбех. Ношудлик нишонаси .....	148
84-танбех. Нафс балоси .....	148
85-танбех. Нодонлик ва ҳайвонлик белгиси .....	148
86-танбех. Шод бўлишга шошилма .....	149
87-танбех. Олимларга огоҳнома .....	149
88-танбех. Чиройли тамсил .....	150
89-танбех. Тарбияга доир икки ўгит .....	150
90-танбех. Таъзим ва адаб биноси .....	151
91-танбех. "Ё аслинг каби кўрин..." ..	151
92-танбех. Хато ва хатокор .....	152
93-танбех. Икки фазилат .....	152

94-танбех. Ҳар ким экканини ўради .....	153
95-танбех. Эҳсоннинг ўрни .....	153
96-танбех. Икки тоифанинг таърифи .....	157
97-танбех. Илм ва олим .....	157
98-танбех. Икки тоифа сұхбатдош .....	155
99-танбех. Хотиржамлик сири .....	155
100-танбех. Яхшилар билан бирга бўлиш .....	156
101-танбех. Вафо нима? .....	161
102-танбех. Нафсиға тобе киши .....	161
103-танбех. Шайтон – инсон .....	162
104-танбех. Оқил инсон .....	162
105-танбех. Ёшлиқ айёми зикрида .....	163
106-танбех. Қарилик зикрида .....	164
107-танбех. Вужуд мамлакатини покламоқ .....	166
108-танбех. Сафар фойдалари тўғрисида .....	108
109-танбех. Одамларнинг яхшиси ким? .....	170
110-танбех. Яхшилик қилишни билмасанг...	170
111-танбех. Яхшилардан узоклашма .....	170
112-танбех. Май – қабоҳат тузоги .....	172
113-танбех. Ҳикматлар шодаси .....	172
114-танбех. Дўст жабридан инграма...	172
115-танбех. Ҳикматлар шодаси .....	172
116-танбех. Faflatda қолма .....	172
117-танбех. Нодон дўстдан йироқ бўл .....	173
118-танбех. Вафо ва жафо .....	174
119-танбех. Шайтон шарридан огоҳ бўл .....	174
120-танбех. Тўзимас тўн .....	175
121-танбех. Сир сақлаш сири .....	175
122-танбех. Гавҳарни хор тутма .....	176
123-танбех. Чин сўз тавсифи .....	176
124-танбех. Дам бу дамдур...	177
125-танбех. Кўнгил уйи .....	178
126-танбех. Дунё матоҳи .....	179
127-танбех. Шукр, фикр ва умид .....	182

**АЛИШЕР НАВОЙИ  
МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ**

*(Қалбга маҳбуб ҳикматлар ва ҳикоятлар)*

**Ҳозирги ўзбек тилига табдил**

*Муҳаррир:*  
**Абдукамол Абдужалилов**

*Техник муҳаррир:*  
**Юнусали Ўринов**

*Мусаҳҳиҳа:*  
**Баҳора Холмуродова**

*Саҳифаловчи дизайнер:*  
**Иноят Зоҳидова**

Наш.лиц. № AI 245, 02.10.2013.  
Теришга 15.11.2018 йилда берилди. Босишга 17.12.2018  
йилда рухсат этилди. Бичими: 100x70  $\frac{1}{16}$ . Офсет босма.  
Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 12.09 Нашр б.т. 14.  
Адади: 10000. Буюртма №08.

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шахри,  
Юнусобод-9, 13-54. Тел/Факс: +998(71) 228-67-73

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент шахри, Широқ кўчаси, 100-уй.  
Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95  
E-mail: [sano-standart@mail.ru](mailto:sano-standart@mail.ru)

Алишер Навоий

# МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ



Мазкур нашрда замондошларимиз "Махбуб ул-қулуб"дан баҳраманд бўлишини истаб, улуғ Навоийнинг ушбу бебаҳо асари замонавий ўзбек тилига мослаштирилди. Ундаги айрим ҳикматларга, мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, сарлавҳалар қўйилди ҳамда зарур ўринларда бир оз изоҳ ва шарҳлар берилди.



"Sano-standart"  
нашиёти

ISBN 978-9943-5467-3-8

9 789943 546738